

ИСМОИЛОВ ТЕМУРБЕК ИСЛОМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА
УЮШМАГАН ЁШЛАРНИНГ
ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИ



ИСМОИЛОВ ТЕМУРБЕК ИСЛОМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА УЮШМАГАН
ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ
ФАОЛЛИГИ**

ТОШКЕНТ - 2021

ББК: 60.542.15

УДК: 316.346.32

И 85

Ушбу монографияда Ўзбекистонда уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллиги масаласи мухокама қилинган. Ундауюшмаган ёшларнинг ижтимоий иқтисодий, сиёсий-хуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар ўз ифодасини топган. Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, ўрганиш ҳамда бартараф этиш юрасидаги долзарб масалалардан ўртага ташланган ва уларни хал этиш методологиялари кўриб чиқилган.. Монографиянинг амалий аҳамияти ундаги амалий тавсия, услугубий кўрсатма ва илмий хуносалардан давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолият йўналишлари, мақсадларини белгилап ва ташкил этишда, хусусан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, сиёсий партиялар қошидаги ёшлар қаноти, ёшлар НИТлари фаолиятини такомиллаштиришда, давлат ва ёшлар мулоқотини фуқаролик жамияти талаблари асосида олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Ушбу монографиядан профессор-ўқитувчилар, талабалар ва шу соҳага қизиқувчилар кенг фойдаланиши мумкин.

Такризчилар:

Фалсафа фанлари доктори, профессор М.Исмоилов

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) И. Убайдуллаев

ISBN 978-9943-7022-4-0

Ушбу монография Наманган давлат университетининг илмий-техникавий кенгашининг 10.03.2021 кунги З-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган.



© “LESSON PRESS” nashriyoti
С ИСМОИЛОВ ТЕМУРБЕК ИСЛОМОВИЧ

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	5-7
I боб. ЎЗБЕКИСТОНДА УЮШМАГАН ЁШЛАР СИЁСАТИ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ВА МОХИЯТИ.....	8-44
1.1. Уюшмаган ёшлар сиёсати – ижтимоий-фалсафий тадқиқотларнинг муҳим категорияси.....	8-23
1.2. Уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлашнинг структуравий-функционал хусусиятлари.	23-32
1.3. Уюшмаган ёшлар ҳаёт стратегиясини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари..... Бобга оид хуносалар.....	32-43 43-44
II боб. ЎЗБЕКИСТОНДА УЮШМАГАН ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА БАНДЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ....	45-69
2.1. Демократик ҳукукий давлат қуриш жараёнида уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллиги: янги тамойиллар мөхияти....	45-50
2.2. Демократия ва уюшмаган ёшлар тарбиясининг аксиологик жиҳатлари.....	50-59
2.3. Ёшлар ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг муҳим субъекти сифатида..... Бобга оид хуносалар.....	59-68 68-69
III боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИ УЮШМАГАН ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИ ВА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ.....	70-119
3.1. Жамиятни модернизация қилиш жараёнида уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллигини таъминлаш муаммолари ва уларнинг меҳнат муносабатларидағи ечимлари.....	70-80
3.2. Уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш муаммоларининг ижтимоий-ҳукукий омиллари.....	80-104
3.3. Уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлашнинг инновацион йўналишлари..... Бобга оид хуносалар.....	105-118 118-119
ХУЛОСА.....	120-122
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати.....	123-137

КИРИШ

Бутун жаҳонда кечәётган мураккаб, тезкор ўзгаришлар ёшлар, хусусан уюшмаган ёшлар муаммоларини ҳал этишнинг замонавий моделларини яратиш, уларнинг самарадорлигини аниқлаш борасидаги изланишларнинг аҳамиятини ошириш мөрбуга. Уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш борасидаги муаммолар кўламини фалсафий жиҳатдан англаш ва уларнинг ечими учун самарали таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш борасидаги изланишларга зарурат кучаймоқда. Бу борада АҚШдаги Ёшлар сиёсати давлат департаменти ва ҳалқаро ривожланиш бўйича агентлик (USAID) томонидан олиб борилгаётган тадқиқотлар фикримизнинг далилидир¹. Мазкур тадқиқот натижаларидан маълум бўладики, бугунги кунд аривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда ёшлар масаласига эътибор қаратиш, уларни соғлом фикрлашга ўргатиш, танқидий фикрлаши маданиятини юксалтириш, хаётий муаммоларини ечиш учун амалий кўмак бериш, айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлашда янги инновацион тизимни жорий қилиш долзарб масалалардан хисобланади.

Дунёнинг илгор илмий тадқиқот марказларида уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлаш, бу борада дунёдаги мураккаб демографик ҳолат ҳамда иқтисодий-ижтимоий муаммолар кўламидан келиб чиқсан ҳолда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, уюшмаган ёшлар билан олиб бориладиган маданий, маърифий, тарбиявий ишларнинг самарадорлигига эришиш, уларда эрганги кунга ишонч ҳиссини ошириш, мавжуд муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини тадқиқ этиш орқали ушбу соҳадаги сиёсатни мувофиқлаштиришнинг илмий мезонларини ишлаб чиқиши ва ҳаётга татбиқ этиш мухим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда уюшмаган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-хукукий саводхонлигини ошириш, уларда фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, ушбу соҳада «ёшларни, айниқса, улар уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт

¹ Самохвалов Н.А. Сравнительный анализ практик реализации государственной молодежной политики в современной мире // Сравнительная политика. – 2016. - №4. – С. 143-150.

ва жисмоний тарбия билан шугулланишга, ижодий тұғарастар ва турли үқув курсларига көнг жалб этиш¹ орқали ёшларимиз келажагини күзлаб, уюшмаган ёшлар борасыда күшимчә чора-тадбирларни янада бойитиши талаб қилмокда. Бу борадаги мавжуд муаммоларни аниклаш, ўрганиш ҳамда бартараф этиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмокда.

Ёшларнинг мустакил ижтимоий қатлам сифатида фалсафий фанлар таркибида маҳсус тадқиқ этилиши XX асрнинг 60-йилларидан бошланган. Ёшлар муаммолари ва улар ўртасидаги турли деструктив кайфиятлар, энг аввало, социология, психология ва политология соҳасида илмий жиҳатдан ўрганилган. Бугунги кунда ёшлар масаласининг турли кирралари ва жиҳатларини ўзида қамраб олган «Ювентология» фани тобора ривожланиб бормокда.

Монографиянинг амалий аҳамияти ундаги амалий тавсия, услубий кўрсатма ва илмий хulosалардан давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолият йўналишлари, мақсадларини белгилаш ва ташкил этишда, хусусан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, сиёсий партиялар қошидаги ёшлар қаноти, ёшлар ННТлари фаолиятини такомиллаштиришда, давлат ва ёшлар мулокотини фуқаролик жамияти талаблари асосида олиб боришида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Шунингдек, монография материаллари «Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси», «Ижтимоий фалсафа», «Ўзбекистон тарихи (миллий истиқбол даври)», «Социология», «Шахс ва жамият» каби фанлар мазмунини такомиллаштириш ва уларни янги матьлумотлар билан бойитиши, дарслар яратишида, «Ёшлар ташкилотлари», «Мустакиллик йилларида ёшлар ҳаракати» каби маҳсус курсларни ишлаб чиқиш ва ёшлар билан ишлайдиган мутахассисларни тайёрлашда амалий аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-куватлаш тұрғысыдағы фармони // Ўзбекистон Республикасынан қонун хужжатлари тұплами. – Тошкент, 2017. – № 27. – 607-м.

І БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА УЮШМАГАН ЁШЛАР СИЁСАТИ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ

1.1. Уюшмаган ёшлар сиёсати – ижтимоий-фалсафий тадқиқотларнинг муҳим категорияси

Мамлакатимизда уюшмаган ёшлар муаммоларини ҳал этиш давлат аҳамиятига молик масалалардан бўлиб, бугунги кундаги унинг бош тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан белгилаб берилди. Шу билан бирга, ёшларни амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнинга кенг жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини кўтариш, давлатнинг уларга бўлган зътиборини мамлакат стратегик мақсадлари таркибидағи устувор вазифалардан деб билиш маҳсус фармонлар, меъёрий хужжатлар, ҳукумат қарорлари, миллий қонунчиллик асосида кафолатланди.

Ёшларнинг ижтимоий-демографик қатлам сифатида ўз ҳоҳиш-иродасини эркин намоён этиши, билими, ақлий салоҳияти, ҳаётий тажрибаси, ҳукукий саводхонлигини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги мавқеини белгилашда устувор аҳамият касб этади. Бу жараён жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги ислоҳотлар жараёнлари билан диалектик боғлиқ ҳолда намоён бўлмокда. Зоро, Л.Гольбах таъкидлаганидек, «Эркинлик инсон табиати изн берадиган ва ўз баҳтини топишга хизмат қиласидиган барча имкониятлардан фойдаланишга доир саъӣ ҳаракатдир».¹ Бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнинга хос бўлган мураккаб, зиддиятли ҳолатлар ҳам ёшлар ҳаётига ўз таъсирини ўтказади. Давлат мана шундай мараккаб ўзгаришлар шаротида ёшларни айниқса уюшмаган ёшлар қатламини ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш, уларда ҳаётий позицияни аниқ белгилаб олиш кўнникмасини шакллантириш ҳамда меҳнатга бўлган муносабатини ўзгариши учун муносиб шарт-шароитни яратиш долзарб аҳамиятта эга. Чунки айнан бундай ёшлар ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг муҳим иштирокчиси, демократик

¹ Поль Аври Гольбах. Избранные произведения в двух томах. Тошкент 2. –М.: Мисъ, 1963. -563 с.

жараёнларни ривожлантирувчи мухим субъектларидан ҳисобланади. Шунга кўра, уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш мунтазам равишда мамлакат эҳтиёжлари, ёшларнинг қарашлари, эътиқодлари ва жамиятдаги ўрни тўғрисида доимий мониторингни йўлга кўйиш, салбий ҳолатларнинг олдини олиш сингари йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамиятта эга.

Хозирги глобаллашув (жамият ҳаётидаги иқтисодий, мафкуравий, ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашган даври) ёшлар айниқса уюшмаган ёшларни мамлакатнинг ижтимоий, илмий-маърифий, сиёсий ҳаётига интеграциялашувини таъминлаш борасида маълум саъй-ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади. Бу жараён эса Ў.К.Қаюмов тўғри таъкидлаганидек, «Ёшларнинг долзарб муаммоларини тўлиқ ҳал қилиш учун, шу жумладан социологик ва иқтисодий фанлар услублари орқали ёшларнинг долзарб муаммоларини ҳар тарафлама, комплекс тадқиқ қилиш зарур. Бунда, ёшлар манфаатларини ўрганиш бир марта амалда жорий бўладиган ҳаракат эмас, балки доимий жараён бўлиши керак. Ёш йигит-қизларнинг турли тоифалари жамоатчилик фикрининг босқичма-босқич мониторингини олиб бориш зарур»¹ лигини кўрсатиб турибди.

Жаҳон молиявий инқирози шаротида демографик ҳолат янада кескинлашганлиги сабабли аҳоли таркибида уюшмаган ёшлар қатлами пайдо бўлди. Бизга маълумки, уюшмаган ёшлар деганда, ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттис ёшдан ошмаган вақтинча меҳнат билан банд бўлмаган ҳамда мустақил равишда иш изловчи ва бундай иш таклиф этилса, ишга жойлашиш мумкин бўлган шахслар тушунилади. Шунингдек, бу қатламни пайдо бўлишида меҳнат бозоридаги мувозанатнинг бузилиши ҳам асосий муаммолардан бири сифатида кўрсатиб ўтилмоқда.

Давлатнинг уюшмаган ёшлар қатлами билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишдаги вазифаси мухим ҳисобланади. Демак, мамлакат аҳолисининг мухим

¹ Қаюмов Ў.К. Фуқаролик жамиятининг шаклланishi шаронтида Ўзбекистон ёшларнинг ижтимоийлашув жараёнилари // Масъул мұхаррир: А.Ж.Холбеков - Тошкент: "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази, 2011. - 5 6.

бўгинини ташкил этган уюшмаган ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, вазифалари, мақсадлари ва интилишларини илмий таҳлилдан ўтказиш ижтимоий фалсафанинг ҳам муҳим муаммоларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бу эса уюшмаган ёшлар дунёқараши ва ҳаёт маъносини фалсафий нуқтаи-назардан чукур англаш ва баҳолашнинг янги тамойиллари, мезонлари, шакл ва усууллари ишлаб чиқиши тақозо этади. Бинобарин, жамият ривожи билан боғлик барча масалаларни ёшлар муаммоларини ҳисобга олмасдан ҳал этиб бўлмайди. Шу боис, давлат сиёсати омилларини белгилаш, уларни режалаштириш, жамиятни модернизация қилиш ва либераллаштириш жараёнларида уюшмаган ёшларни ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлаш жараёнини фалсафий жиҳатдан чукур тадқиқ қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Илмий-фалсафий адабиётларда «ёшлар» тушунчаси кенг қўлланилишига қарамай, ушбу атаманинг ягона универсал таърифи ишлаб чиқилмаган¹. Асосан, адабиётларда: «Ёшлар деганда, муайян ёш хусусиятига кўра бошқалардан ажralиб турадиган, ижтимоий мақоми ва ижтимоий тизим, маданият, ижтимоийлашувнинг фаол субъекти, замонавий ёш чегаралари асосида аникланадиган ижтимоий-демографик гурӯҳ тушунилиши»² таъкидлаб ўтилган. Ушбу таъриф биринчи навбатда бу тушунчани ёш чегаралари нуқтаи-назаридан баҳолашни талаб қилади. Бугунги кунга қадар умумий ва функционал ёндашув нуқтаи-назардан «ёшлар» тушунчасининг жамиятнинг умумий тизимиға мос келадиган ягона илмий таърифи йўқ, унинг хатто фалсафий мазмун-моҳияти ҳам етарли даражада очиб берилмаган. Бизнинг назаримизда, «ёшлар» тушунчасига аниқ таъриф бериш учун, аввало, унинг қуйидаги умумий координатавий тизимиға эътибор қаратиш керак бўлади: психофизиологик ривожланиши, жамият билан ўзаро мулоқтга киришиш

¹ Карап: Елишев С.о. Социальное манипулирование молодежью: научная монография. - Москва КАНОН+ с/и 'Реабилитация' 2019. - 336 с.; Кайгородов П.В. Социально-философский анализ проблемы ухода от понятия человека как оси самоидентификации : диссертация ... кандидата философских наук. - Томск, 2020. - 155 с.; Усмонов С.Х. Оборонный тип сознания молодёжи : социально-философский анализ : на материалах Республики Таджикистан : диссертация ... кандидата философских наук. - Душанбе, 2018. - 151 с.

² Кирниций В.В. Проблема формирования патриотических ценностей в массовом сознании российской молодежи : диссертация ... кандидата философских наук. - Москва, 2016. - 176 с.

қобилияти, ижтимоий-ахлоқий мөн амал қилиши, ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда мустақил позицияга эга бўлиши, ўз-ўзини англаш даражаси, ижодий ўзини-ўзи идрок этиш, шахсий фаоллиги, шахсий танлов, шахсий ҳаёт стратегиясига эга бўлиш ва бошқалар шулар жумласидан. Ёшлик деганда, инсонларнинг болалик давридаги ҳаёти, кўпинча болалик ва балоғат (етуклик) давридаги вақт тушунилади. Шунингдек, ёшларга хос бўлган ташки кўриниш, тезлик, жўшқинлик, эркинлик ва ижодкорлик руҳи каби хислатлар устувор аҳамият касб этади.

Бизга маълумки, инсоннинг шахсий муносабатлар тизимида «фаоллик» тушунчаси ўзига хос аҳамият касб этади. Баъзи жамиятшунос олимларнинг фикрича, ижтимоий-гуманитар фанларнинг тарихий шаклланиши ва ривожланиши айнан «фаоллик» категорияси талқин қилиниши билан боғлиқ. Масалан, XIX-XX аср оралиғи фалсафа адабиётларида фаолликни талқин қилишда мафкуравий (идеалистик) қарашлар сақланиб қолган эди. Файласуфлар фаолликни инсоннинг ўз-ўзини кузатиши ва «ўз-ўзини англаш» жараёни сифатида тушунишган.Faоллик бу инсоннинг юксак даражадаги мақсад ва иродасининг намоён бўлиши, ўз-ўзини қадрлаш боскичидир¹.

Фаоллик фалсафий категория сифатида «табиатнинг тирик ва жонсиз объектларининг ва стихияли социал ҳаётга интенсив равища йўналтирилган ёки муҳит билан онгли ўзаро алоқаси, ўзи ва муҳитни ўзгартириш ва ислоҳ қилиш, шунингдек унинг даражасига ушбу жараённинг интенсивлиги субъектларининг лаёқати»² намоён бўла бошлади. Баъзи илмий адабиётларда фаоллик тушунчаси инсоннинг турли ташкилий даражаларига таалуклди эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади. Чунки айнан фаоллик субъект учун муҳим бўлган алоқалар ва муносабатлар хусусиятида акс этади. Ушбу алоқада бу энди нафақат ҳаракат балки ўзгариш ёки ҳар қандай динамика, мураккаб

¹ Карапт: Никитина Т. Г. Ключевые концепты молодежной культуры. Тематический словарь сленга Санкт-Петербург Дмитрий Булганин 2013. - 864 с.

² Кантееева К.М. Ценностные основания социальной активности молодежи: этический аспект : диссертация ... кандидата философских наук. - Саранск, 2004. - 165 с.

комплекс ва умумлашган тушунчага сифатида намоён бўлади¹. Масалан, миллий онгга таъриф берганда, унинг онг салоҳиятига устуворлик бериш билан бирга, фаоллик кўрсатиш даражаларини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Яъни миллатга унинг манфаатлари ва мақсадлари ифода эттирувчи онг бўлса-ю уни амалга оширишга ҳаракат қилмаса, миллатнинг онглилиги ўзининг реал ифодасини тополмайди. Шу маънода ҳам миллий онг ҳар миллатнинг манфаатлари ва мақсадларни амалга ошириш борасида фаоллик кўрсатиш даражаси ҳамдир. Шу боисдан ҳам бугунги кунда миллий онгни асосий ривожлантирувчи субъекти бўлган ёшлар айниқса бу йўналишдаги оғриқли масалалардан ҳисобланган «уюшмаган ёшлар» муаммосини ҳал қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ёшлар орасида хозирда пайдо бўлган «уюшмаган ёшлар» ижтимоий қатлами тушунчасининг аниқ бир таърифи йўқ. Турли фан вакиллари ўзларининг тадқиқот йўналишидан келиб чиқиб бу тушунчага таъриф бермоқдалар, лекин бу таърифлар ўзини тўлақонли илмий асосига эга эмас. Умумийлашган шаклда таъриф эса ҳозирча мавжуд эмас. Шу боисдан ҳам «Уюшмаган ёш» тушунчасига қўйидагича таърифни таклиф қиласиз: Уюшмаган ёшлар деб – ўз хатти-ҳаракати билан давлатга, жамиятга, оиласига, шахслараро ва ўзаро муносабатларда етарли даражада фойдалилик коэффицентини бермайдиган, умуман ҳаётга беътибор, бефарқ ёшларга нисбатан айтилади. Бугунги кунда ёшлар ўртасида юзага келган «уюшмаган ёшлар» атамаси ҳам кўпроқ 14-25 ёшдаги йигит ва қизлар ўртасида учрамоқда. Чунки бу ёш даврлари таъсири жиҳатдан муҳим ва мураккаб босқич ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, уюшмаган ёшларни бир неча турга бўлиш мумкин. Булар: чет давлатда меҳнат миграцияси сабабли шаклланган уюшмаган ёшлар қатлами; оиласий ва ижтимоий-психологик муаммоси сабабли шаклланган уюшмаган ёшлар қатлами; жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланишдан орқада қолган уюшмаган ёшлар қатлами ва бошқалар шулар жумласидандир.

¹ Болиева М.А. Репродуктивное поведение человека. Изд.2 ЛЕНАНД 2012. - 264с.

Ҳеч кимга сир эмаски, ёшлар ўзлари ҳохлаган ҳолда бу вазиятта тушмайдилар, уларнинг қандайдир ҳаётий муаммоси борки, улар «уюшмаган ёшлар» тоифасига мансуб бўлиб қоладилар. Бу тоифадаги ёшлар билан ишлашда ижтимоий иш ходимларининг ўрни юқори ҳисобланади. Шундай экан, бу соҳада ёшларнинг муаммоларини олдини олиш учун тизимли дастур жорий қилиниши талаб этилади. Шу боисдан ҳам бундай ёшлар билан ишлашда ҳар бир мутасадди раҳбарлар ёки уларнинг тарбиясига масъул инсонлар ўз алгоритмини қуидагича ташкил этиши мақсадга мувофиқ. Биринчидан, уюшмаган ёшларни жамиятта қайтариш ва уларни меҳнатта жалб қилиш орқали фойдалилик коэффицентини ошириш керак бўлади. Иккинчидан, ёшларнинг яшаш шароити ва оиласвий мухитини мониторинг қилиш, яъни ҳар бир маҳалла ёки туман миқёсида нотўлик, турли ирсий касалликлар касалланган, ота-онаси фарзандини тарбиясига бефарқ, етим болалар ва оиласвий низоларга кўп учрайдиган оилалар рўйхатини ташкил этиш ва бу рўйхатни вояга етмаганлар ишлари бўйича масъул котиб ва туман прокуратураси назоратида бўлиши, бу рўйхатта тушган болаларнинг меҳнат ва ўқиш фаолиятини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари («Тенгдош – тенгдошга» тамойили асосида) билан биргаликда ташкиллаштиришни йўлга кўйиш; уюшмаган ёшлар ўртасида турли ҳаётий муаммолар ва тўсикларни аниқлаш мақсадида ижтимоий сўровномалар ўтказиш, сўровномалар мазмуни уларни жамият ва турмуш тарзидан чалғитаётган муаммони аниқлашга ва ўзидағи гояни беришга қаратилган бўлиши лозим. Бу фаолиятни барча ўқув муассасалари, жумладан, умумтаълим мактабларида, ҳар бир маҳаллада мутахассис психолог ёрдамида ота-она ва фарзанд (уюшмаган ёш) учун тарбиявий реабилитация хоналарини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ўйлаймизки, бу барча бандларда жамиятшунос олимларимиз ҳам ўз салоҳияти доирасида тегишли ташкилотлар ва идоралар вакиллари билан яқиндан ҳамкорлик қилади ва уюшмаган ёшлар муаммоларини ҳал этишда муайян натижаларга эришиш учун қадам кўйилади. Чунки айнан инсонларни бу борадаги бурч ва масъулиягини тўғри тушунган ҳолда ҳаракат қилиши жамиятдаги кўпгина муаммоларни изчиллик билан ҳал

этишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам «Ижтимоий аҳлоқий бурч ва масъулият, - деб таъкидлайди, Э.Юсупов, - баъзан инсоннинг шахсий манфатларига зид келиб қолади. Инсон баъзан ижтимоий аҳлоқий бурч ва масъулиятнинг бир қисми бўлган анъаналар, урф-одатларни ҳам чеклаб ўтишга интилади. Ижтимоий муаммолар доирасида муайян анъаналарни четлаб ўтишга интилиш хиссиёт ва эҳтиюслар таъсирида бўлган ёшларда кўпроқ учрайди. Улар баъзан муайян ижтимоий аҳлоқий мухитга мослашишдан кўра, уни ўзига мослаштиришга мойил бўладилар. Севги, мұхаббат бобида ҳам баъзан ота-она, жамоатчилик фикрини зътиборга олмай ўз ниятларига етишга интилиш ҳоллари бўлади, хиссиётлар баъзан кишини тўғри йўлдан оздириб юборади. Баъзи одамлар жамоатчилик фикри билан шахсий манфатлар ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш йўлларини топа олмаганида ўз жонига қасд қилишга қадар етиб боради»¹.

Хозирги кунга қадар ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳукуқий, сиёсий, тиббий, маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган 100 дан ортиқ фармонлар, қарорлар, қонунлар ва бошқа турдаги ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бугунги кунда ёшлар масалаларига жаҳон тараққий парвар гояларининг зътибори қаратилаётган бўлса-да, бу муаммо тўлалигича ҳал этилган, деб бўлмайди. Айниқса, сўнгти йилларда Франция, Германия, Англия, Бельгия, Дания, АҚШ, Россия каби мамлакатларда ёшларнинг ўз ижтимоий ҳолатидан зътиrozлари туфайли турли митинглар ва қаршиликларнинг юзага келиши бу давлатлардаги айни шу йўналишдаги масалаларда муайян муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради. Масалан, Даниянинг Копенгаген шаҳрида 2007 йил 1-6 март воқеалари² ҳукумат ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида ўзига хос кескинилик ва инқирозли вазиятлар мавжудлигини намоён этган эди. Ўтган асрнинг 80-йилларида ёшларнинг эркин ижодий уюшмалари ва ҳаракатларини муҳофаза қилиш мақсадида Копенгаген шаҳридаги бинолардан бири ёшларга «Ёшлар уйи»

¹ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий ясаслари. –Тошкент: Университет, 1998. –Б. 79-80.

² kmforum.ru/press/news/284.html

сифатида тақдим этилади. Бироқ шаҳар маъмурӣ тузулмалар қарори билан мазкур уйни ёшлардан тортиб олиш ҳукми чиқарилади. Натижада кўпгина ёшлар кўчаларга чиқишига мажбур бўлгандилар. Шунга ўхташ воқеалар Испаниянинг Алькорконе¹ шаҳрида 2007 йилнинг январь ойи охирида юз берган эди. Шаҳарда жиноятчиликнинг кўпайиши, фуқаролар ҳаёти муҳофаза қилинмаганилиги, маҳсус тузилмаларнинг фаол иш юритмаслиги, аҳоли ўртасида жиноятчи гурӯхлардан кўркув ва таҳлика хиссиятларнинг ортиб борганлиги каби ҳолатларга қарши зътиroz сифатида ёшларнинг фаол ҳаракатлари вужудга келди.

2005 йилнинг куз ойларида бошланниб, то ҳанузгача бутун Франция, кейинчалик бир неча Европа давлатларини ларзага солган ёшлар ҳаракатлари ҳам уларнинг ўз маъқидан қоникмаганилиги, ривожланган давлатларга хос ижтимоий тенгсизликнинг оқибати, ёшларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топа олмаганилиги билан боғлиқ эди. Ёшларнинг жамиятдаги адолатсизликларга қарши кайфиятлари бекарорликни келтириб чиқарувчи омил эканлигини бутунги ҳаётнинг ўзи ҳам тасдиқлаб турибди. Демак, ёшлар сиёсий ва ижтимоий фаслигини таъминлаш бу жамиятдаги ижтимоий-тариҳий бўхронлар олдини олиш билан баробардир. Бундан маълум бўладики, ҳар қандай жамиятнинг бунёдкорлик, тараққиёти «ташувчилари» сифатида намоён бўладиган ёш авлоднинг тарбиясидаги аҳамияти бекиёсdir.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини таъкидлаш лозим². Республика мизда жамият ҳаётининг турли йўналишларида бўлгани каби ёшлар масалаларида ҳам давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг устувор ғоялари унинг ривожланиш омилиларини белгилаб берди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида — «... ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, ёш авлоднинг ижодий ва

¹<http://internet-1.ru/ldep/laa.htm>; <http://internet-1.ru/ldep/doc/smp2.htm>; kmforum.ru/press/news/284.html

² Мирзиёев П.М. Конституция-эркин ва фарзон ҳаётимиз, мазлакатимизни яшада тарафидан эттиришвонг мустаҳзам пайдеворадир. Тошкент.: Ўзбекистон, 2018-507-22 бетлар.

интеллектуал салоҳиятини қўллабқувватлаш ва рўёбга чиқариш, ёшларни ижтимоий ҳимоя килиш, ёшларга онд давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш»¹ ва бошқа шу каби вазифалари белгилаб берилган эди. Чунки ёшлар миллий давлатчилик асосларини яратиш жараёнига қанчалик кенг жалб этилса, давлат ва жамият шунчалик мустаҳкамланиши табиий. Чунки ана шундагина ижтимоий ҳаётда янгича тафаккур, замонавий цивилизация асосида шаклланаётган илғор онг қарор топади. Жамият таракқиётига тўсқинлик қилаётган демагогияга, қотиб қолган тушунчалар ва эскирган фикрларга чек қўйиш имкони мавжуд бўлади.

Айниқса, уюшмаган ёшлар орасида баъзи ёт ғояларнинг тарқалиши, уларнинг турли диний оқимларга кириб қолиши, ёшлар мафкурасида юзага келган бўшлиқ, улар орасида ОИТС, наркомания, токсикоманиянинг пайдо бўлиши, жиноятчиликнинг кўпайиши, ишсизлик ва унинг натижасида юзага келган ижтимоий кескинлик, бекарорлик кайфиятининг ортиб бориши, ўз тақдиридан норозилик кайфиятини ошишига сабаб бўлади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаеттан XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда»², деб таъкидлайди.

Уюшмаган ёшлар ҳаётида салбий ҳолатларнинг кучайиши табиий равишда давлат бошқаруви органларига нисбатан норозилик кайфиятининг пайдо бўлишига олиб келади. Ва уларни жамиятдаги барқарорлик ва бунёдкорлик фаолиятидан четта тортади, уруг-аймоқчилик, таниш-билишчилик, порахўрлик, коррупция уларнинг ҳаётга бўлган қизиқишиларини сўндиради. Бундай пайтда уларнинг тафаккурида экзистенциал бўшлиқ пайдо бўлади. Бундай муаммоларни ҳал этишда ислом дини манбаларидан келиб чиқсан ҳолда иш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сояли фармонининг 1-жловси «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегигиси» //www.lex.uz.

² Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий стук ёшлар – зуғу мақсадларимизга стишка таянчимиз ва суюнчимизdir / «Халқ сўзи» 2017 йил 1 июль..

тутиш зътиборга молиқдир. Чунки айни шу ислом манбаларида «Бир-бириңизнинг орангизни бузманг, бир – бириңизни орқангиздан айб кидирманг, бир –бириңизни ёмон кўрманг, бир-бириңизга ҳасад қилманг»¹ муҳим карашлар илгари сурилган.

Уюшмаган ёшлар ўртасидаги маънавий қашшоқлик, энг аввало, моддий таъминотнинг ҳаётий мезонига айланганлиги, молиявий эҳтиёжни юкори даражага кўйиш, индивидуализм ғояларининг ўсиб бориши, пул топиш мақсадида жиноятдан ҳам тап тортмаслик, калтабинлик, бокимандалик, журъатсизлик, масъулиятдан қочиш, ҳамма нарсани менга давлат ёки ота-она яратиб бериши лозим деган эгоистик тасаввур пайдо бўлади. Аслида «Масъулият – шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати, ўзи англаб етган ва тўғри деб билган Борлиқ ҳақиқатига амалда садоқат сақлаш, ҳар бир хатти – ҳаракатининг оқибатини ўйлаб қадам кўйиш. Инсон эркин иродаси билан ўзини дунёдаги барча мавжудот учун масъул деб билса ва ҳар бир қадамини қўйишда ана шу масъулиятни хис қилиб турса айни шу шахс ҳақиқий маънавият соҳибидир»². Шу билан бирга, таълим, касбий малака, меҳнат, маданият, демократик қадриятларни англаш, ижтимоий ҳамда фалсафий онг, дин ва зътиқод, мафкура масалаларида ёшлар ўртасида турли кайфиятлар, қарашлар, фикрларнинг шаклланиши бу борадаги муаммоларни ҳал этишда устувор аҳамият касб этади.

Уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллиги ва бандлителлигини таъминлашда куйидаги ислоҳотлар устувор аҳамият касб этади:

Биринчидан, уюшмаган ёшларнинг билими, маънавияти, интеллектуал салоҳияти, одоб-ахлоқи, зукколиги, ҳаракатчанлиги, ўзгаришларга тайёрлиги ва уларни қабул қилиш фазилатлари жамиятнинг умуний ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражасини белгилайди.

Иккинчидан, жамиятнинг, иктиносидий такомили, ижтимоий адолат мезонлари, илмий-техникавий тараққиёт даражаси, ахборотлаштириш,

¹ А. Мансуров, У. Жўрасев, М. Лафасов, Ҳадис илми сабоклари. – Тошкент: F. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. –Б. 22.

² М.Иномизаров.Миллий маънавиятимиз асослари. Тошкент-2006. –Б. 406.

барқарорлык омиллари, жамият аъзолари орасида фуқаролик келишувининг мавжудлиги уюшмаган ёшлар қатламини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, уюшмаган ёшлар онгига хукм сурган кайфият ва орзулар бевосита жамиятнинг истиқболдаги тараққиёт омилларини белгилашда алоҳида ўринни эгаллайди. Чунки айни шу қатламнинг кайфияти жамиятдаги кўпгина зиддиятли ҳолатлар ва норозиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Тўртингидан, уюшмаган ёшлар ҳаётида учраб турадиган муаммоларни ҳал этишда куйидаги масалаларга алоҳида зътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: ахлоқий поклик асосида умр кечириш; давлат қонунларига сўзсиз итоат этиш; жамиятдаги инсонлар муносабатини адолат мезонлари асосида қуриш; жамият аъзолари хукуқ ва эркинликларини тан олиш; бунёдкорликни ҳаётий мезонга айлантириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Уюшмаган ёшлар ижтимоий қатламини тарбиялаш борасидаги маданий, маърифий, тарбиявий ишларнинг самарадорлигига эришиш қуйидаги ишларни амалга ошириш муҳим аҳамиятта эга:

Биринчидан, мамлакат иқтисодиётидаги муаммолар уюшмаган ёшлар ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Шу боисдан жамият иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бу соҳага янги инновацион технологияларни жорий қилиш, хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш уюшмаган ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлашдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади;

Иккинчидан, уюшмаган ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куvvatлашнинг замонавий механизмларини жамият ҳаётига кенг миқёсда жорий қилиш муҳим аҳамиятта эга;


Учинчидан, таълим ва соғликни сақлаш, хукуқни муҳофаза қилиш соҳаларида коррупцияга қарши ва адолат мухитини яратиш мақсадида бошланган хатти-харакатларни кундан-кунга кучайтириш ва мантикий якун топишига халқни ишонтириш ҳам ёшлар тарбиясида муҳим ўринни эгаллайди;

Тўртингидан, чекланган ишлаб чиқариш ресурсларини вилоятларнинг алоҳида танланган туманида эмас, балки барча қишлоқ жойларини комплекс ривожланишига хизмат қиласиган иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш ҳам қишлоқларда истиқомат қилаётган уюшмаган ёшларни иш билан таъминлашда устувор аҳамият касб этади;

Бешинчидан, коллежлар шароитини таълим соҳасидаги янги вазият нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш ва уларнинг мос келадиган биноларида саноат корхоналари, жумладан, тикувчилик, пойафзал, мебель ишлаб чиқаришга иктинослашган корхоналарнинг филиалларини ташкил этиш ҳам уюшмаган ёшлар қатламини ижтимоий фаоллигини ошириш ва бандлик билан таъминлашда муҳим ўринни эгаллайди.

Бу жараёнда биринчидан, уюшмаган ёшларни ижтимоий қарашларига, ҳулқига, қизиқишига, дунёкарашига ва бошқа жиҳатларини ўрганишда муайян давр, шарт – шароитларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб баҳо бериш талаб қилинади. Иккинчидан, ёшларни ўзига хос турмуш тарзини таҳлил қилиш ва ўрганиш. Бунда ёшларнинг ижтимоий ҳолати, ҳаёт кечириши тарзи ва унинг ривожланишини назарий ва эмпирик жиҳатдан ўрганиш. Учинчидан, ёшларни ҳар жиҳатдан ривожланиб боришини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Мавжуд ижтимоий - иқтисодий шарт - шароитлар, мухитни ўзгариши оқибатида авлодлар ўртасидаги доимий боғликлilikни ўрганиш. Дарҳакиқат, ёшлар жамиятнинг энг катта ва ҳаракатчан қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларни ҳар доим ўрганиб бориш замоннинг долзарб масалалари қаторига киради.

Уюшмаган ёшлар фаоллигини таъминлашнинг яна бир муҳим йўналиши улар онгода милий урф-одат ва анъаналарни шакллантиришдир. Милий урф – одатлар ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасига сингиб кетган бўлиб, бу урф – одатлар бизни айнан қайси ҳалқ вакили эканлигимизни кўрсатувчи изоҳ, яъни бизни ким эканлигимизни исботловчи далил ҳисобланади. Чунки маънавий баркамол ёшларни ўзига хос бўлган милий урф-одатлар хайр саховат, меҳр оқибат, муруват, андиша, ор-номус, шарм – хаё, иффат, босиллик, улугборлик,



сабрлиллик каби маънавий фазилатлар, меҳмондўстлик, бағрикенглик, болажонлиллик, оқкунгиллиллик, меҳнаткашлик каби миллий қадриятлар айнай урф - одат анъаналар қарор топади. Шундай экан миллий қадриятларга хурмат билан қараш миллиатнинг ўзига хурмат билан қарашнинг асосий белгисидир. Минг йиллар мобайнида шаклланган миллий қадриятларимиз ҳозирги даврда яратилган маданий – маънавий бойликлар билан қўшилиб, тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покланишни тъминлашга кўмаклашади. Қадриятларнинг барча турлари инсоннинг айниқса ёшларнинг фаровон хаёт кечириши, эркин яшами, маънавий-ахлоқий камол топиши учун хизмат қиласидиган воситалар бўлиб ҳисобланади. Шу қадриятлардан жамиятимизнинг ҳамма аъзолари, оила, махалла, мактаб ва ўндан кейинги бўғинларида ўнимли фойдаланилса усиб келаётган ёш авлод баркамол инсон бўлиб етишадилар. Масалан, бугунги кунда мамлакатимиз худудида мавжуд бўлган 4 мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган бўлиб, ана шундай бой маънавий меросимизнинг можияти ва аҳамиятини ёшларимиз онтига теран сингдириш зиёлиларимиз олдидағи энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг тараққиёти, унинг иқтисодий ютуқлари, иқтисодий ривожланиши теплари, унинг сиёси мавқейи, ителекуал потенциали ва бошқа кўрсаткичлари миллиатнинг ахлоқий онги ва рухиятига нисбатан юзаки иккиламчи характерга эга. Ахлоқ нормалари ҳар бир ҳалқ, миллат, давлат тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилади. Бугунги замонавий тарбия тизимида қадриятлар тан олинади, аммо ижтимоий фаоллик билан боғланган ҳолда ўрганимаган. Айниқса ижтимоий муносабатлар сферасида қадиряларнинг ўрни ва ижтимоий воқеликдаги уларнинг аниқ маънавий-ахлоқий мазмуни ўз тадқиқотчиларини кутитиб қолмокда.

Шарқ ёшлари масалан, япон ёки ўзбек ота-онага тик гапиришини тўғридан-тўғри қарши чиқишни анъанавий ахлоқий қонидаларнинг оёқ ости қилинишини деб тушунади, падари ё волидасига кўзини ерга тикиб, мулойим, ўз

фикрини товуш күттармай айтишни, баъзан эса сукут сақлашини афзал деб билади, уларга бўйсунишни бурч сифатида олиб қарайди. Шарқона зътиқод, одобий қонун-коидаларнинг анъанавийлик билан боғлиқ баъзи замонавий нуқтаи назардан нуқсонли томонлари бор. Лекин, шунга қарамай, уларда инсонийлик ва меҳр-оқибат туйгулари ҳали хам мустаҳкам илдизига эга. Farбда эса ҳозирги пайтда бундай фазилатларни учратиш тобора ғайри табиий ҳолатга ўхшаб қолмоқда.

Умуман олганда, Шарқда маънавият, ахлоқ ёшлар тарбиясида устувор бўлиб келган ҳамда шу орқали Farб маданиятига маълум маънода таъсир кўрсатиб келмоқда. Инсоният ҳаётида илм-фан, маданиятнинг натижаси бўлган техника саноатнинг ўрни ортиб бориши билан маънавият, ахлоқ – одоб, тарбия масалалари кун тартибида иккинчи ўринга тушиб борди. Farб аҳолиси ўртасида жамоавийлик таъсири пасайиб, индивидуаллик, худбинлик, молпарастлик, бойликка учлик ва ҳар қандай йўл билан бўлсада бойликка эришиш каби иллатлар авж олиб кетди. Оқибатда маънавият ва маданият инқизоз йўлига тушиб қолди. Инсоний қадриятлар тан олинмай қўйилди ва инсоний муносабатлар асосан, ўзаро фойдали манфаатларгагина асосланадиган бўлди. Маданиятдан фойда излаш бошланди, ҳамма нарса сотиладиган ва сотиб олинадиган ҳолатта келиб қолди.

Инсоний ҳис-туйгулар оёқ ости қилиб танланди. Кишиларни ҳайратлантириш учун ҳеч нарсадан тап тортилмайдиган ҳодисалар кундалик воқеаларга айланди. XX аср ўрталарига, айниқса, охирларига келиб турли маданий тадбирлар катта фойда келтирадиган воқеаларга айлантирилди. Миллионлаб инсонлар онгини бошқарадиган медиа магнатлар, аҳолининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий даражаларининг ўсишига эмас, балки ахлоқий тубанлашувига ва руҳий эзилишига сабаб бўладиган фахш, зўравонлик, қотиллик, уруш ва шунга ўхшаш воқеа ва ҳодисаларни кенг экранларга олиб чиқа бошладилар. Таъкидлаш жоизки, тор доирадаги гурухлар манфаатига хизмат қилиб катта фойда келтирадиган кассабоп адабиёт, секс, порнография, мафия ҳаётини кўз-кўз қиласиган асарлар нафакат ўз юртларида,

балки жақон бүйлаб көнг ёйилиб бориши учун маблагни аямай сафламоқдалар. Бундай маънавий ва маданий даражаси паст бўлган маҳсулотлар Farb «эркин дунё ҳәётининг» ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи воқеликлар сифатида ёйилиб бораётганлиги бежиз эмас.

Ривожланётган давлатларни доимо ўз таъсир доираларида ушлаб туришлари учун «оммавий маданият» намуналари орқали уларнинг ёшлирига космополитизм руҳини сингдиришга интиладилар. Шарқ маънавияти инсонни ўзлигини, миллий ғурурини танишга, ҳалқига хизмат қилишга, ватанига содик фарзанд бўлишга, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланиб комил инсон бўлиб вояга етишига хизмат қиласа, Farb «оммавий маданияти» таъсирида ёшлар ўртасида худбинлик, масъулиятсизлик авж олиб, ҳаётдан мумкин қадар нима қилиб бўлсада кўпроқ ҳузурланишга берилиб кетишлари натижасида, алкаголизм, бузуқчилик, гиёхвандлик ва СПИД кабиларнинг сабабчиси бўлди. Farb оламининг бу каби иллатларини фақат ва фақат инсоният томонидан яратилган юксак маънавият, умуминсониятта хизмат қиласидан маданият намуналари ва шарқнинг ахлоқ-одоб қоидалари билангина бартараф этиб, инсониятни маънавий инқироздан асраб қолиш мумкин. Шайх Азизиддин Насафий комил инсон фазилатлари ҳақида гапириб, шундай деб ёзади: «Билгилки, комил инсон деб, шариат, тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга нисбатан айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошка ибора билан айтайн: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга еткан бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф»¹.

Хуллас, биз қураётган янги ҳуқуқий жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислоҳотларнинг тақдир ва келажаги, аввало, ҳалқимизнинг онглилик даражасига, фаоллигига, уларнинг, жумладан ўсиб келаётган ёшларнинг дунёкарашининг кенглигига, маънавий-маърифий, ижодий ва илмий тафаккурининг юксалишига боғлиқдир. Бу юксалиш эса, бизнинг мамлакатимизда йилдан-йилга ривожланиб, боскичма-боскич илдиз

¹ Комилов Н. Тасаввўф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996, – 147 б.

отиб, тараққий этиб бормоқдаки, истиқололимизга зришиб, уз тақдиримизни ўз құлымиға олғандан кейин олдимизга құйған - келажаги буюк давлат, ҳеч кимдан кам бұлмайдыған жамият қуришдек мақсадларимиз ғиулида дадил ҳаракатланмоқдамизки, биз зришган ва зришаётган котукларимизни бутун дүнән тан олмоқда. Җұнки, мамлакатимизда мустақил ривожланиш тамойиллари, бириңидан юксак даражада тараққий топған демократик давлатларнинг үзини хар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан үтказиб, үзимизге қабул қилиш ва жорий этиш ҳамда шу асосда ҳаётимизни қуриш, иккінчидан қадимий ва бой тарихимиз, қадриятларимиз, ота-боболаримиз азалдан асраб-авайлаб келған ва биз ҳам бугун амал қилаётған мұқаддас дину-диенатимиз, урғ-одат, удум ва аньаналаримизга риоя эттан ҳолда яшаш, әшларни ҳам шу аснода тарбиялаш, ҳаётга йүлланма бериш ва камол толтириш - биз танлаган йүлнинг асосий омыллари ва шартларидир.

1.2. Үюшмаган әшлар ижтимоий ғаоллигы ва бавдлигиниң таъминлашының структурацияй-функционал құсусиятлари

Инсонлар ҳаётини турли өш даврларига бұлиб үрганиш, дастлаб, қадимги Юнонистанда амалға оширилған. Юнон олим Гиппократ инсон ҳаётини етти кисмға бұлиб үрганишни таклиф этады: гұдаклик даври (*paidion*), болалик даври (*pais*), ўспириңлик даври (*ephebos*), өш үйгитлик даври (*neaniskos*), әрлік даври (*aner*), өши катта одам (*presbytes*), кекса одам (*geros*). Ърта асрларда Европада инсон ҳаёты олти босқичта бұлиб үрганилған: бола (7 өшгача), ўспириң (14 өшгача), ўспириңлик ва бошқалар (*adolescentia* 15–28 өш), өш үйгит (*iuentus*, 28–49 өш), қария (*senectus*, 50–77 өш), кекса одам (*senium*, 78 өшдан үлімгача бўлған вақт). Бугунғи кунда эса өшлик даври 15 дан 39 өшгача бўлған босқични ўз ичига олмоқда. Муаллиф фикрича, өшлик - бу маълум бир чегаралар асосида инсонга хос маънавий камолот босқичи бўлиб, унда жамият томонидан

кўйиладиган талаблар устувор аҳамият касб этади¹. Ёшлик - бу муайян касбни эгаллаш ва маънавий-моддий ҳаётни юксалтириш босқичидир. Бу даврда ёшлар миллий идентификация талабларига риоя қилишига қараб, фаол ёки нофаол, уюшган ёки уюшмаган каби тоифаларга ажратилади.

Мамлакатимиз қонунчилигида ёшлар (ёш фуқаролар) деганда, ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар тушунилиши алоҳида қайд этиб кўйилган. Уюшмаган ёшлар деганда, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларнинг ишсиз, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан нофаол қатлами тушунилади. Айниқса, уюшмаган ёшлар муаммоси учун давлатимиз раҳбари томонидан жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси бевосита масъул эканлигининг қайд этилиши ҳам масаланинг ўта долзарблигини ифодалайди. Бинобарин, бугунги кунда ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти куришни мақсад билиб, кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошираётган ва тараққиёт йўлидан бораётган мустақил мамлакатимизда ушбу ўзгаришларни теран идрок этадиган эркин фикрли, фаол, озод шахсларга катта эҳтиёж мавжуд. Давлат томонидан ёшларнинг ўз иктидор ва салоҳиятларини амалда намоён қилишлари учун шароит яратиб берилиши ҳар вақт ўзини оқлаши шубҳасиз. Теран фикрли, фаол фуқаролар эса бугунги ёшларимиздан етишиб чиқишини унутмаслигимиз лозим. Зоро, «фарзандларимизни мустақил фикрли, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш вазифасидир»². Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ ёшлар фаоллиги масаласини асосий масалалар қаторига кўйди. Уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлаш масаласи, уларни тарбиялаш, малакага эга бўлиши, жамиятда ўз ўрнини топа олиши, жамият учун фойдали инсон бўлиб етишиши бу ҳозирги вақтнинг глобал, долзарб масалалари қаторига киради. Сўнгги йилларда уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини

¹ H. A. Shapiro (ed.), *The Cambridge Companion to Archaic Greece*. Cambridge: Cambridge University Press, 2007. Pp. xiii, 303; maps 3, figs. 42.

² Мирзиев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийканоб ҳалқимиз билан бирга курамиз.-Ташкент: «Ўзбекистон», 2017.-103-бет.

таъминлаш муаммоларига ошиб бораётган илмий эътиборнинг мавжудлигига қарамай, унинг умумий назарий ва аниқ вазиятлар таҳлилини олиб бориш долзарб масалалардан хисобланади. Шу билан бирга, ҳар бир жамиятдаги ёшлар қатлами манфаатларини ўзида мужассам этган илғор ғояларни ривожлантириш долзарб масалалардан хисобланади.

Уюшмаган ёшлар – фаол ижтимоий ҳаётдан четда қолган ўғил-қизлардир. Барча норозилик ва кўнгилсизликларнинг асосий қўзғатувчилари ҳам улар. Бундай ёшларнинг сони, таркиби бўйича аниқ мълумот йўқ. Бундай ёшлар ўзларини жамиятдан ажralиб қолган микрокосмос сифатида билиб, ўзларини ҳеч кимга керак эмасдек ҳис этишади. Зоро, бугунги кунга қадар фақат фаол, қўзга кўринган, иқтидорли ёшлар билан ишлаб, қолганларни эсдан чиқариб келинди. Шу туфайли уюшмаган йигитқизлар сони кундан-кунга кўпайиб борди. Уюшмаган, чекка худудлардаги иқтидорли ёшлар эътиборсиз четда қолдирилди. Бундан ташқари, асосий ургу таълимга қаратилиб, тарбия ёддан кўтарилиди. Шундай экан, бу муаммонинг олдини олиш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 05 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-кувватлаш тўғрисидағи ПФ-5106-сон Фармони билан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг худудий кенгашлари қошида — «Уюшмаган ёшлар жамияти» тузилиб, республика миқёсида ҳар бир ёш оталикка олинди. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қошида ёшларнинг хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқиб, ёшлар уюшмалари ҳамда ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказлари ташкил этилди. Бу каби тадбирларнинг амалга оширилишининг бош сабаби – ҳар бир уюшмаган ёш авлодни қийнаётган масалаларга безътиборлик уларнинг турли иллатлар гирдобига тушиб қолишига сабаб бўлмокда. Зоро, ҳар бир соҳа уюшмаган ёшлар масаласига ўз нуқтаи назари билан ёндашади. Биз, ёш авлодни келажагимиз, деб овуниб қоляпмиз. Аввало, улар бизнинг бугунимиздир. Зоро бугунини ўйламаган, эртанинг тугунини еча олмайди. Шу маънода, аввало, уюшмаган ёшлар билан

ишлап борасида хориж тажрибасидаги ижобий жиҳатлар билан бирга, салбий омилларни ҳам ўрганиб, улардан ҳуоса чиқаришимиз зарур. Йиккинчидан, уюшмаган ёшлар муаммосини бартараф этишда алоҳида ташкилотлар эмас, балки барча биргаликда харакат қиласа ижобий натижага эришиш мумкин. Учинчидан, уюшмаган ёшларнинг хабардорлик даражасини фаоллаштириш орқали мамлакатимизда улар учун яратиб берилаётган имкониятлар ҳақида маълумотга эга бўлиб боришлигини таъминлаш, уйлаймизки, яхши натижаларга эришимизга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида жамиятни янада демократлаштириш ва модернизациялаш шаротида аҳолининг асосий салмоғини ташкил этувчи ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва банддигини таъминлаш мухим аҳамият касб этади. Шу маънода Ўзбекистон истиқлолга эришиши билан ёшларга оид давлат сиёсатининг асосларини ишлаб чиқди. Ёшларга оид давлат сиёсати – давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини кўзда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳукукий чора-тадбирлар тизимицир¹.

Бугун мамлакатимизда курилаётган қонун устувор бўлган фуқаролик жамияти, ҳаётимизга кириб келаётган янгиланишлар жараёни, ислоҳотлар самараси энг аввало ёшларни қўллаб-кувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган. Ўз навбатида ёшларимиз ҳам илм-фан ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари билан давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликка муносиб жавоб бермоқдалар. Шу боис мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ёшларнинг ўрни кучайиб бормоқда. Зоро, ёшларга доир олиб берилаётган давлат сиёсати: бу борада мавжуд қонунчилик, янги қарорларнинг қабул

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати санарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-кувватлаш тўғрисида»ги ПФ5106-сонли Фармони.

қилининиши ва ислоҳотларнинг амалга оширилиши мустаҳкам кучли таянч бўлмоқда. Бу даврда пухта ўйланган маънавий-мътирифий тарбия тизимининг яратилиши, миллий ўзликни англаш, одамлар онгида кўп асрлик маънавий қадриятлар, анъаналарнинг қайта тикланиши туфайли юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, Ватан равнақида ҳаёт мезонига айланган ёш баркамол авлодни камолга етказмоқда.

Уюшмаган ёшларни ижтимоий фаоллиги бу уларнинг маънавий ва моддий манфаатлари, эҳтиёжларини қондириш йўлидаги оқилона фаолиятининг намоён бўлишидир. Бундай ижтимоий фаоллик шакли фалсафий нуктаи-назардан асосан рационал мақсад ва эркин тафаккур орқали ташкил этилади. Фалсафий фанлар тизимида уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлаш муаммолини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Чунки уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллиги сабаб ва оқибат қонуниятига бўйсунади. Фалсафанинг асосий қонунлари қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, микдор ўзгаришларини сифат ўзгаришига ўтиши, инкорни инкор қонунлари ҳам бундай фаоллик шаклини таҳтил қилишда устувор ўринни эгаллайди. Дарҳақиқат, жамиятнинг келажаги ёшлар билан боғлиқ ва улар ижтимоий тараққиётнинг асосий кучи хисобланади. Айникса уюшмаган ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлаш маълум, тажрибадан ўтган диалектик жараён ва синергетик натижаларга асосланади. Шу нуктаи-назардан караганда, жамият ҳаётидаги кечадиган мураккаб даврлар ҳар доим зиддиятли жараёнларни енгиги ўтишга қодир инсонларга бўлган эҳтиёжни кучайтирган. Мустакиллик ибтидоисида уюшмаган ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлаш муаммолари худди ана шу ҳолатларни ўзида акс эттиради. Яъни бу пайтда ҳаётга бўлган чексиз талаблар ортган ва янги жамият барпо этиш ҳаракати тўлақонли манфаатларини юзага чиқариш учун инсонларни ҳаракат қилишга ундаган. Бироқ бу даврда уюшмаган ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлаш билан боғлиқ бир қанча муаммолар йигилиб қолган эди. Булар қўйидагилардан иборат:

- уюшмаган ёшларда етарли даражада ҳәёт ҳақидаги тасаввурлар шаклланишига ундейдиган дунёқарааш шаклланмаган эди. Бундан кемтиклика турли ғаразли мақсадларни кўзлаган бузгунчи диний оқимлар мафкурачилари уларда сохта, бузук ишончни шакллантиришда фойдалангандар. Охир-оқибатда эса баъзи ёшларда дунёқараашни сайёзлиги ва паст диний саводхонлик сабаб ксенофоб ёки диний-экстремистик қарашлар шаклланган эди.

- уюшмаган ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш ва банддлигини таъминлаш мақсадида улар учун эркин ижодий мухит яратиш ва бу мухитда ўзларини бор қобилиятларини намоён этишга муносаб шарт-шароит яратиш масаласида мамлакатимизда бир қанча муаммолар йигилиб қолганлиги сабаб турли даражадаги мураккаб ижтимоий муаммолар ва жиноятчилик шакллари ўсиб борган эди;

- уюшмаган ёшлар қатламиининг баъзи бир вакиллари тарбиясида лоқайдлик, беларволик, сабрсизлик масъулиятызлик, ишончсизлик, хasad, кибр-хаво, ўзни англамаслик, адолатсизлик, иймонсизлик, беъманилик каби салбий иллатларни намоён бўлиши ҳам бу муаммони ҳал этиш заруратини юзага келтирди;

- уюшмаган ёшлар онги ва дунёқарашида миллий маънавий қадриятларга муносабат, миллий тарбия кўнилмаларини мафкуравий иммунитет сифатида ҳосил қилиш масалалари қўпроқ назарий характерга эга бўлиб қолганлиги уларни давлат ва жамиятга бўлган ишончини сўнишига сабаб бўлган;

- уюшмаган ёшлар дунёқарашида халқимизнинг миллий маънавий қадриятларини сақлаб қолиш ҳамда мамлакат ва миллат бирлигининг узвийлиги ва давомийлигини мустаҳкамловчи янги қадриятларни шакллантириш масаласига етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги ҳам бу йўналишдаги муаммолар кўламини янада кенгайишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Биринчи вазифа – биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик, ахиллик ва ўзаро журмат мухитини яратиш, маънавий-маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур. Иккинчи вазифа – вёллар ўртасида жиноятчилик, оиласларда

ажралишлар кўпайгани, ёшларнинг турли диний-экстремистик оқимлар ва террористик ташкилотлар таъсирига тушиши каби халқимизга хос бўлмаган аччиқ ва ноxуш масалалар билан боғлиқ»¹, дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Уюшмаган ёшлар ўртасида учраб турадиган тушкун кайфият ва бузгунчи карашлар жамият равнақига ўз салбий таъсирини ўtkазади. Шундай экан, бундай ёшлар тоифаси онгига таъсир этиши мумкин бўлган ҳар қандай ёт ва бузгунчи ғоялардан ҳимояланиш муҳим аҳамиятта эга. Шу боисдан ҳам бундай ёшларнинг кайфияти, орзу-умидлари, мақсадлари, интилишлари ва қизиқишларини ззгулик сари йўналтириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Чунки «Бугунги Ўзбекистон фукароси тафаккури тубдан ўзгарган ва ана шу ўзгарган тафаккур орқали ҳаёт мазмунини ўзgartираётган, турмуш тарзини янгилаётган ва ана шу маънавий-рухий жараёнлар орқали ўзини ҳам, жамиятни ҳам тубдан янгилаётган комил шахс сифатида кўзга ташланади».² Шу билан бирга, уюшмаган ёшлар ўртасида таълим, меҳнат, маданият қонунларига бўйсуниш туйғусини шакллантириш бу борадаги мураккаб муаммоларни ҳал этишда устувор аҳамият касб этади.

Хозирги даврда жамиятнинг барча соҳалари ўз фаоллигини кенгайтириб бормоқда. Ёшлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳал қилувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбарияти ззгу мақсад ва вазифаларни самарали бўлишида ёшларнинг иштирокига бевосита суюнади. Айни пайтда ёшларда мавжуд бўлган фаол бунёдкорликни кўллаб-куvvatlash орқали, уларни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини барқарорлаштириш ишида кўмак беради. Шу сабабдан ҳам давлатимизнинг бу объектив жараёнда самарали ишларни амалга ошириши ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бирига айланиши зарур. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётiga ўтаётган бир даврда ёшлар тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Президентимиз Шавкат

¹ Марзиёев Ш.М. Танқисий таҳтил, катъий тартиб-интишом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фволиятининг ҳуздарлик қойдаси бўлиши керак. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017. 43-бет.

² Жўраса Н. Тафаккурдаги эврлиш. – Тошкент: Шарқ, 2001. - Б. 230; Жакбаров М. Комил инсон гояси: тарихий-фалсафий таҳтил. – Тошкент: Абу Али иби Сино нашриёти, 2000.

Мирзиёев «ёшларни ўқитиш, уларни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, уларнинг билим олиши ва ўзини-ўзи камолга етказишга интилишини шакллантиришга алоҳида зътибор қаратиш лозим»¹ деган эди.

«Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний соглом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳатларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда»². Биз мамлакат ривожланиш босқичларида бир қанча тўсиқларни енгиб ўтиб, фуқаролик жамиятини шакллантирмоқдамиз. Бунда давлатимизни умуминсоний демократик тамойили, ажоддодлардан қолган бой маънавий-маданий меросларни саклаган ҳолда авлодларга етказиш, инсонларни ззгу гоялар атрофида жипслаштириш асосида ривожлантира оламиз. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Тарих – буюк мураббий тарбия ва ибрат манбаидир. Қадимги Хитой донишманлари «Инсонни гавдаси олдинга, юзи эса ортга қаратган ҳолда тасвирлаганлар»³. Яъни, улар наздида инсоният келажак сари интилар экан ўтмишни доимо ёдда сақламоғи шарт. Давлат, жамият бунёдкор гояларга таянсагина, маънавий жиҳатдан юксалади, тараққиётта эришади. Юртимизнинг узоқ ва ғоят мураккаб тарихи буни қайта-қайта исботлаган. Хусусан, Темурйилар салтанатини бир неча асрлар давомида гуллаб яшнаган, ўша даврда илм-маърифат маркази бўлган, улуғ алломаларни дунёга келтирган салтанатни бобомиз Амир Темур ўз гоялари атрофида бирлаштирган эди. Яъни, «Мен ўз салтанатимни дин-у ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим, салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тузук асосида бажардим, давлат агар дин-у ойин асосида қурилмас экан, бундай салтанатнинг шукухи, қудрати ва таркиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт ўйнимизни ётъилят билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2017-422- бетлар.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Бишларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлар тўғрисида”ти Каори // “Халқ сўзи” 2018 йил 15 август

³ Миллий гоя ва маънавият тараққиёт тамоилилари. – Тошкент: ЎФМЖ, 2003 – Б. 13

касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томисиз, зишиги-тўсиги йўқ уйга ўхшайди»¹ деган эди. Бу борада буюк соҳибкурон Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!» деган чукур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий зътиқодга айланishi лозим»² деган эди, Президентимиз Шавкат Мирзиев.

Хуллас, мустақиллик шарофати боис юртимиизда дунёни янгича идрок этадиган, ўз тақдирини Ватан тақдиди билан боғлик, деб биладиган янги авлод вакиллари шаклланди. Мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий салоҳиятига ўз хиссасини қўшадиган билимдон, зукко, тадбиркор инсонлар вояга етди. Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатда ахолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги маънавий интелектуал салоҳияти жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг айниқса, ёшларнинг иштироки уларнинг объектив воқеликка муносабатида тўла намоен бўлади. Бошқарув жараенидаги бундай муносабат ҳар бир инсоннинг жамият сиёсий ҳаётida ўз ўрнига эга бўлиши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мақсад ва манфаатларининг қондирилиши ҳамда, уларни амалга ошириш йўлидаги ҳаракатлар асосида юз беради. Жамиятда янгича муносабатлар таркиб топаётган ҳозирги даврда ёшларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этиш имкониятлари кенгайиб бормоқда.

1.3. Уюшмаган ёшлар ҳаёт стратегиясини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари

«Ёшлар» ёки «ёшлик» тушунчаси ҳар қандай жамиятта хос бўлган ва маълум демографик даврларни қамраб олган ўзига хос тушунча. Ҳозирги давр тадқиқотчилари ахборотлар жамияти ҳисобланган янги асрда ёшларнинг ҳамма соҳа ва тармоқларда фаол ҳаракат қилаётганлигини инкор этмаган ҳолда, мавжуд тараққиёт ўзига хос равишда социал, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва, табиийки, маънавий муаммоларни ҳам юзага келтираётганлигини кўрсатиб

¹ Амир Темур тузуклари. Тошкент: "Ўзбекистон" 2011-79-бет

² Мирзиев Ш.М. Эркин ва фароён демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этмиш.- Тошкент: "Ўзбекистон", 2018 10-бет

ўтмокдалар. Бугун биз ёшлар ҳақида, ёшларнинг дунёқараси, маънавий-ахлоқий олами, одам ва олам, инсон ва жамият хусусидаги фикрлари ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлашимиз зарур. Бу эса ўз-ўзидан юксак билим савиясини эгаллашни, фан ютуқларини ўзлаштиришни, маърифатли ва баркамол шахс бўлишини тақозо этадиган ҳодиса. Чунки улуг маърифатпарвар Абдулла Авлоний айтганидек: «Маърифат – шижаатдур. Маърифатли киши шижаатли бўлур». Жамият эса шижаатли, гайратли, ташаббускор ва фидоий ёшларга мухтож. Зотан, маърифатсиз жамиятда хурофтот кучаяди, хурофтот зса жаҳолат ва бидъатни келтириб чиқаради.

Ёшлар жамиятда алоҳида мавқега эга бўлган ўзига хос ижтимоий гуруҳ ҳисобланади. Уларни хусусиятловчи асосий жиҳат болаликдан ёшликка ўтиши билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида бу гуруҳ вакилларида ижтимоий масъулиятнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Баъзи олимлар ёшларни ижтимоий тикланиш ва ривожланиш имконияти берилган ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида таъриф ва тасниф этадилар. Чунки жамият бир томондан ёш инсонларни турли имтиёзлар билан таъминлайди. Бироқ, бошқа томондан жамият ҳаёти билан боғлиқ бир қатор соҳаларда уларнинг фаол иштирок этишига муайян чекловлар кўяди. Кишиларни ёшларга мансуб деб белгилашга имкон берувчи ёш доиралари ҳар бир давлатнинг ички сиёсати ва менталитети билан боғлиқ ҳолда фарқланади. Масалаң, Ўзбекистонда ёшларнинг кичик ёш чегараси 14 ва 16, юқори чегараси 25 ва 30 қилиб белгилаб кўйилган¹. Шундай қилиб, ёшлик инсон ҳаётидаги ва унинг дунёқараси шаклланишидаги энг мухим босқич ҳисобланади. Айнан шу босқичда уларни хиссий-шахсий ва когнитив фаолияти анча ривожланган бўлади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев тарихий ўзгаришлар содир этилган «Камолот» ЁИҲ IV қурултойида ёшлар билан тенг бўлиб, улар қалбидаги, юрагидаги ўй-фикрлар, мақсад-муддаслар, керак бўлса, ушалмай

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда; 2017 й., 24-сон, 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари милий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон

турган ниятлар билан яқиндан танишишни ўз фаолияти учун мухим деб хисоблашини алоҳида таъкидлаб ўтган эди¹.

Ёшлар бунёдкорлик салоҳиятига эга бебаҳо ресурслар. Аммо мазкур салмоқли қатлам юрт тақдирни ва келажагини ҳал қилувчи катта кучга айланиши учун давлат, даставвал, уларни ижтимоий, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлаши, ўз ҳукук ҳамда мажбуриятларини эркин рӯёбга чиқариши, жамиятда муносиб ўрнини топишига қулай шароит ва имконият яратиши керак. Мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар сиёсати аслида келажак учун олиб борилаётган сиёсатdir. Ўз келажагини таъминлашга интилган ҳар қандай давлат ва миллат энг аввало, ёшларга нисбатан тўғри сиёсат олиб бориш лозим. Ўзбекистонда худди шундай бўлмоқда. Ёш авлод камолоти унинг маънавияти билан бевосита боғлиқdir. Бу эса йигит-кизларни ўзини-ўзи юксалтиришга рағбат беради. Бутунги кунда ёшларимизда ташаббус, уюшкоқлик, яратишга бўлган моиллик кучаймокда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев барча раҳбарларнинг зътиборини ёшлар ташкилотларининг муаммоларига устувор тарзда қаратилишини талаб қилган ҳолда барча катта-кичиқ раҳбарлар қулогига кўргошиндек қўйиб олсин: биз энди сизларнинг фаолиятингизга пахта ёки фаллага қараб эмас, энг аввало, сизларнинг ёшларга, ёшларга оид давлат сиёсатига бўлган муносабатингизга қараб баҳо берамиз».² Шу боисдан ҳам мамлакатимизда бюджет ташкилотлари ходимлари ва талабалари мажбурий равишда пахта теримига чиқариш қатъиян тақиқланди. «Пахта мавсумида Ҳалқаро меҳнат ташкилоти томонидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича тизимли мониторинг йўлга кўйилди. Ўзимиз қаттиқ назоратга олганимиз туфайли биронта салбий ҳолат аниқланмади».³

Бугун юртимиз ҳаётининг қайси соҳасини олманг, барчасида жиҳдий ўзгариш янгиланиш жараённинг чукурлашаётганини, иқтисодиёт, сиёсат,

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/730>

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт пўлнимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – 1-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2017.- 514-бет.

³ Мирзиёев Ш.М. Конституция – эрхин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдсворидир. Тошкент: Ўзбекистон, 2018.- 19-бет.

ижтимоий ҳаёт, маънавий-маърифий жабҳада ҳамда кишилар онгу шуурида демократик қадриятлар халқимизнинг тарихий тажрибаси, илмий-фалсафий мероси, илғор анъана ва урф-одатлари билан уйгун тарзда қарор топиб бораёттанига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, ёшларимизни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, замонавий билимларни пухта эгаллаган юксак ақл заковат соҳиблари этиб вояга етказиш давлатимиз раҳбарининг доимий зътиборида бўлиб келмоқда. Бу олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг мақсади халқимизнинг турмуш фаровонлигига қаратилган. Бу ишларни бажаришда албатта ёшларимиз кучига таянилади. Халқимизда асрлар оша сайқал топиб келган миллый урф-одат ва анъаналаримиз умуминсоний қадриятлар билан уйгунлашга ҳолда бугунги кунимизда акс этмоқда. Халқимизнинг моддий ва маънавий меросини бутун дунё тан олмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар биримизда биз қандай улуғ зотларнинг авлодлари эканлигимизни хис қилмоғимиз ва улардан бизларга қолдирилаётган бу бебаҳо бойликни асрраб-авайлаб келажак авлодга соғ ҳолда етказмоғимиз даркор. Бу жараён ҳар бир кунимизда, ҳар бир қилган ишимизда, Ватанимизнинг тараққиётига қўшган хиссамизда намоён бўлади.

Бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлардан бири эр-хотиннинг ўзаро жанжалидир. Айрим ота-оналарнинг фарзандлари олдида бир-бирларига айтадиган беҳаё сўзлари бола асабига таъсир этмай қолмайди. Агар, оила мухити носоғлом бўлса, тарбия самара бермайди. Нотинч оиласидаги бола боғчада ҳам, мактабда ҳам, жамоат жойларида ҳам ўзини тутишни билмайди. Корейс ва япон халқлари ўз қадриятларини улуғлаши, одоб-ахлоқ, фарзанд тарбиясига муносабати жаҳатидан халқимизга жуда ўхшаб кетади. Японияда эр-хотин фарзандлари олдида жанжаллашиб тугул, айтишишдан ҳам ўзларини тиядилар, муаммоларини ўзаро ҳал қилиб, болаларини фойдали меҳнатта жалб этадилар. Бола тарбиясида оила, ота-она билан бир каторда, маҳалла ва мактаб ҳам масъулдир. Жамиятда ҳар қандай кусур ва камчиликларнинг илдизини аксар ҳолларда оиласидаги ижтимоий-маънавий мухитдан излаш нечоғли ўзини оқлагани каби кучли, барқарор ҳамда фаровон давлат тизими негизини ҳам, аввало, мустаҳкам оиласидар ташкил этишини бугун тобора чукур англағаб етмоқдамиз.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий ва маънавий қадриятларимиздан келиб чиқсан ҳолда оила институтини ривожлантириш, бу соҳада йиллар давомида эътибордан четда қолиб келган бўшлиқ ҳамда муаммолар ечими юзасидан тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олдига долзарб вазифаларни кўяётгани бежиз эмас. Маҳалладаги ҳар қандай салбий ва ижобий ҳолатлар нафақат катталар, балки ёшларнинг ҳам кузатувида бўлади. Масалан, маҳаллада тўй бўлса, унга катталар қатори болалар ҳам чиқади. Тўйда эркаклар маст-аласт юрса, муштлашса ёки уч-тўрт аёл бир-бирини ҳақоратласа, жанъжалашса, албатта, бу мурғак қалбларга ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ижодкор зиёлилар билан учрапшувида парламентга бир ой муддатда оилавий маросимларни тартибга солиши, уларни ихчам, исрофгарчилик ва дабдабага йўл қўймасдан ўтказиш бўйича бир ой муддатда қарор лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари жойларда бўлаётган учрапув ва мулоқотларда кўп маротаба мазкур соҳани тартибга солиши бўйича илтимослар бўлаётгани, Виртуал қабулхонага ёзилаётганини маълум қилган эди. Ҳақиқатан ҳам, айни шу масала неча йиллар, ҳатто асрлардан бери кун тартибидан тушмасдан келаётганлиги ҳам алоҳида қайд этган эдилар. «Мана, ўзинглар кўряпсизлар, соппа-соғ юрган айрим одамлар элликка кирмасдан туриб тўсатдан инсульт бўляпти, инфаркт бўляпти. Сабабини суриштирсангиз, бошқалардан қолмасликка тиришиб, катта тўй қиласман, деб қарзга ботган бўлади. Ҳали қарзидан қутулмасдан, яна тўй қилиши керак. Очигини айтадиган бўлсак, тўй-ҳашамлар билан боғлиқ ортиқча харажатлар минг-минглаб оилаларнинг нафақат иқтисодий аҳволига, балки, бутун ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда», -дейди Шавкат Мирзиёев. 2018 йил 29 июнда Олий Мажлис Сенати томонидан «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маъруза ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишиланган тадбирлар ўтказилишини

тартибга солиш тўғрисида»¹ қарор қабул қилинди. Сенат томонидан ўрганишлар давомида давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида 10 мингдан зиёд учрашув, давра сўхбати ва тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Муҳокамаларда 120 мингдан ортиқ мутахассис ва экспертлар, жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди. Республика ишчи гурухи аъзолари, хусусан, Республика маънавият ва маърифат маркази, «ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан 250 мингдан зиёд фуқоролар ўртасида сўровнома ўtkазилди. Даврий босма нашрларда оиласвий тадбирлар билан боғлиқ 350 дан ортиқ таҳлилий-ахборот материал зълон қилинди, марказий телерадиокомпанияларда 150 дан зиёд кўрсатув, ток-шоу ва репортатлар, 450 дан ортиқ эшиктириш эфирга ўзатилди. Интернет нашрлари ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган хабарлар 4 милион маротаба ўқилди, 1,3 миллиондан ортиқ фуқоро иштирокида муҳокама қилинди.²

Уюшмаган ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлашнинг муҳим жиҳати бу уларда ўз ҳаёт стратегиясини шакллантиришдан иборатдир. Бир томондан ҳаёт стратегияси шахс ўзига майда кам қадриятли интилишларни бўйсундирувчи қадриятли мақсадларнинг сабаблари, вужудга келиши, унинг иерархияси оқибати сифатидаги шахс ўз олдига қўядиган муайян мақсадлари умумий натижаси сифатида шаклланади. Бошқа томондан, ҳаёт стратегияси у ислоҳ қилинган интилишлар ва мақсадларнинг умумий натижаси сифатида намоён бўлади.³ Муайян вақт орзу ва кўпинча эришиб бўлмайдиган мавҳум орзу-умидлардан аста-секин бир мунча воқеъ ҳаёт билан такқослаш мумкин бўлган ҳаёт стратегияси шаклланади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, ёшларда соғлом эътиқод ва юксак дунёқарашнинг шакланиши учун етарли мухит зарур бўлади. Ўзбекистонда бу борада улкан ишлар амалга оширилмоқда.

¹ “Тўй-ҳашамлар, оиласвий танталалар, маъруза ва маросимлар, мархумларнинг хотирасига бағишиланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги Олий Мажлис Сенати карори, 2018 йил 29 июнь.

² “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинччи ялпи мажлиси тўғрисида Ахбороти // “Халқ сўзи”, 2018 йил 30 июнь.

³ Головака Е.И. Жизненная перспектива и ценностные ориентации личности // Психология личности в трудах отечественных психологов. Санкт-Петербург: Питер, 2000. С. 79.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-944 сонли Фармони асосида Республика кенгаши ҳамда ҳудудий кенгашларда ёшлар ишлари, диний-маърифий масалалар, кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича раис ўринбосарлари лавозимларини, шунингдек маҳаллаларда жамоатчилик асосида фаолият юритадиган ёшлар масалалари бўйича фуқаролар йигини раисларининг ўринбосари – маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиши мухим аҳамиятга эга бўлди. Айни пайтда фуқаролар йигини раисларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ўз фаолиятида маҳаллаларда аҳоли, ёшларни маънавий қадриятлар, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, осойишталикни таъминлаш, таълим, соғлиқни саклаш, маданият, спорт соҳаларига доир тадбирларни амалга ошириш шунингдек, байрам ва бошқа оммавий тадбирларни уюштиришда фуқаролар йигинларига услубий-амалий ёрдамлар кўрсатади, бу борада тадбирлар режасини тайёрлайди ва бажарилишини назорат қилади. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни Ватанга муҳаббат, юртта садоқат руҳида улғайишларига кўмаклашиш, ёшлар ўртасида иқтидорли ва истеъоддилларини излаб топиш ва уларни кўллаб-кувватлаш, ақлан етук ва жисмонан бақувват бўлиб камол топишларини ташкиллаштириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт мусобақаларига оммавий жалб этиш фуқаролар йигини раисларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари фаолиятининг мақсад ва вазифаларидан ҳисобланади. Бу эса маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан юқорида қайд этиб ўтилган тузилмалар фаолиятининг тизимли йўлга қўйилиши уларни жамиятга интеграция қилишда самарали омил бўлиб хизмат қиласи.

Аввало биринчидан, ёшларни ижтимоий қарашларига, ҳулқига, қизиқишига, дунёқарашига ва бошқа жиҳатларини ўрганишда муайян давр, шарт-шароитларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб баҳо бериш талаб қилинади. Иккинчидан, ёшларни ўзига хос турмуш тарзини таҳлил қилиш ва ўрганиш. Бунда ёшларнинг ижтимоий ҳолати, ҳаёт кечириш тарзи ва унинг

ривожланишини назарий ва эмперик жиҳатдан ўрганиш. Учинчидан, ёшларнинг ҳар тамонлама маънавий боришини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, муҳитнинг ўзгариши оқибатида авлодлар ўртасидаги доимий боғлиқликни динамик ўрганиш. Дарҳакиқат, ёшлар жамиятнинг энг катта ва ҳаракатчан қисми ҳисобланар экан. Уларни ҳар доим ўрганиб бориш замоннинг долзарб масалалари қаторига киради.

Ёшлар, ҳусусан уюшмаган ёшлар маънавиятини ривожлантиришда маҳалланинг роли ниҳоятда каттадир. Ўз-ўзини бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда, улкан маънавий тарбия вазифасини бажаради. Кексаларнинг панду насиҳати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги орқали одамлар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади. Маҳалла аввало соғлом ижтимоий-маънавий, ахлоқий муҳит саналади. Маҳаллада кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлини унинг катта ёки кичиклигидан, амалдор ёки оддий ишчи, ҳунарманд, бой ёки ночор бўлишидан қатъий назар уларнинг ҳулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида ғоявий-мафкуравий, маънавиймаърифий ишларни самарали йўлга кўйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса, ҳар бир ёш қалбида миллий қадриятлар, меҳроқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, эл-юрт шаъни учун кураш, ўзаро ёрдам каби фазилатларни камол топишида маҳалланинг ўрни бекиёс.

Ҳозирги кунда шахс маънавиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари: радио, телевидение, вақтли нашрлар, электрон ахборот воситалари ҳам тобора муҳим имконият касб этиб бормокда. Улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавиймаърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик, маънавий озиқ берадиган ва хордик чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда. Уюшмаган ёшлар маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим воситалари қаторида жамоат ташкилотлари ичida, айниқса Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг роли бениҳоя каттадир. Чунки,

Ёшлар Иттифоки мамлакатнинг бутун ёшларни бирлаштирадиган, уларнинг муаммоларига ечим топадиган ташкилот ҳисобланади. Бу ташкилотни ёшлар маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги яна бир имконияти шундаки, унда ёшларнинг ўзлари, ўз қобилияти, интеллектуал салоҳияти ва эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда тегишли соҳалар бўйича ташаббус кўрсатадилар. Бу уларга кенг миқёсда ҳаракат қилишлари учун имконият яратади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида жамият ҳаётининг маънавий маърифий асосларини мустаҳкамлаш, халқ минталитетини тўла тиклаш, миллий истиқлол ғоясининг дастурларини ва тамойилларини ҳаётга тадбиқ этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбida Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга қаратилган тарғибот тизим ишлари самарали олиб борилмоқда. Бу жараёнда Республика Маънавият тарғибот маркази, унинг жойлардаги тузилмалари ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказилари томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, бугунги кунда дунё мамлакатларида глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда.¹ Бундай вазият бевосита бизни янада огоҳликка чақиради.

Бундай мураккаб ва таҳликали вазиятларни таҳлилий баҳолаб, худудларда амалга оширилаётган ижобий ишларни ва унинг фаолиятини замон талаблари асосида ривожланаётганлигини зътироф этиш мумкин. Хукуматимиз замонидан олиб борилган сиёsat ижтимоий соҳада ўзининг том маънодаги ютуқ ва истиқболларини кўрсатмоқда. Лекин, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбиясига, чекка худудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларни олиб боришда юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришини янги босқига кўтариши тўғрисидаги Қарори, 2017 йил 28 июль. ПК-3160 -сон

ҳаракатларга адашиб кўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш куриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани кўриш мумкин. Бу масалаларни бартараф этишга жиддий зътиборни қаратиш талаб этилмоқда.¹ Жараёнларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан чиқарилган бир қатор қарор ва фармонлар бевосита ушбу ҳолатларни бартараф этишга йўналтирилганлигини кўриш мумкин.

Президент Ш.М.Мирзиёев тамонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий соҳасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши, давлат бошқаруви органларининг куйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, раҳбарларнинг халқ билан мулоқот қилиш тизимини шакиллантириш, халқ раҳбарга эмас, раҳбарлар халқ учун хизмат қилиш ишларни ташкил этиш механизми устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда жорий йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, дастур юзасидан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чукур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мағкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, иқтидорли ёшларни кўллаб-куватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқарилга кўмаклашиш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-хунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият бериладиганлиги натижасида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқияга кўтариш тўғрисида»ги Каори, 2017 йил 28 июль. ПҚ-3160 -сон

Ўкувчи-ёшларнинг турли мағкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида таълим муассасаларида «Адабиётга зътибор - маънавиятга, келажакка зътибор» шиори остида «Мен севиб ўқиган китоб» ва «Энг яхши китобхон» республика танловларини ташкил этилиши натижасида жамиятнинг юксак маънавиятини қарор топтиришига хисса қўшилди. Шу билан бирга якуний босқич танлов ғолибларини тақдирлаш учун қимматбаҳо совғалар, жумладан, юртимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни мукофот тарикасида берилиши, бу жуда катта рағбат бўлди. Адабиёт орқали ҳалқ маънавиятини юксалтириш, оиласий китоб ўқиш анъаналарини кенг тарғиб қилиш, ёзувчи ва китобхон ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, ёшларни интеллектуал ривожланган ва маънан баркамол қилиб вояга етказишида китобнинг ўрни ва аҳамиятига, китоб мутолааси маданиятига бўлган зътиборни кучайтириш ҳамда фуқоранинг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида: «Адабиётга зътибор - маънавиятга, келажакка зътибор» шиори остида Республика «Китоб байрами» ва «Болалар китоблари» анъанавий республика фестиваллари ташкил этилди.

Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратишида қуйидаги комплекс чора-тадбирларни ташкил этилди: «Биз Ватанга таянчмиз», «Бизнинг энг катта таянчмиз ва суюнчмиз, ҳал қилувчи кучимиз ёшлар» шиорлари остидаги акциялар; «Адабиёт ва санъат - шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили» мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштироқидаги учрашувлар; республиканинг чекка ҳудудларида ҳалқ рассомлари, ҳалқ усталари билан болалар, ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун «Бунёдкор ҳалқим билан мулоқот - ижодим илҳоми» мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувлар шулар жумласидандир. Юртимизнинг гуллаб яшнаши ва келажагини таъминлашда ёшларнинг масъулиятини оширишга қаратилган «Энг буюк жасорат - маънавий жасоратдир» мавзусида давра сухбатлари, ёшлар онгига таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш, ёшларда интернет ва бошқа ахборот

ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган семинар-тренинглар ташкил қилиниб келинмоқда. Нуфузли илм масканларида «Фуқаролик жамиятида шахс тарбияси ва унда оила институтининг ўрни» мавзусида анжуман ўтказилмоқда.

Юртимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оиласларни янада қўллаб-куватлаш мақсадида ҳудудларда «Камолот» уйларини куриш ва улар замонавий уй-жойлар билан таъминланиши иқтисодий йўлимизнинг нечоғли тўгри эканини кўрсатди. Бугунги кунда ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар самарадорлиги ва натижадорлиги ошириш мақсадида турли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурдир. Шундай қилиб, республикамизда олиб борилаётган изчил сиёсалар натижасида инсон манфаатини кўзлаб қабул қилинган фармон ва қарорлар, дастурлар ўз самарасини берганлигини ва жаҳон мамлакатлари қаторидан юқори ўринларни олишига имкониятлар мавжуд бўлиб, бунда барча ёшларимиз бирдамликда ислоҳатларни амалга оширишда етакчи бўлишимиз кераклигини кўрсатмоқда.

Бобга оид хуносалар

Биринчидан, жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ишламайдиган ва ўқимайдиган ёшлар орасида маргиналлашув ва люмпенлашув жараёнлари бошланади. Маргиналлашув лотинча «марго» сўзидан олинган бўлиб чекка, чеккада, ташқарида қолганлар маъносини билдиради. Люмпен сўзи эса лотинча «кувада» сўзидан олинган бўлиб, кийимнинг увадасини эмас, жамиятнинг увадасини билдиради. Маргиналлар ва люмпенлар учун хос бўлган хусусиятлар қадриятларнинг қадрсизланиши, атрофдагиларга ишончсизлик ва бефарқлик, сунтсида мойиллик, ёт таъсирларга тез берилиш кабилар хисобланади. Мана шундай ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг чуқурлашиб кетишига йўл кўймаслик учун уюшмаган ёшлар билан, аввало Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаоллари бўлган уларнинг тенгдошлари иш олиб боргани маъкул. Бундай фаоллар уларнинг яқинлари, синфдошлари, кўни-қўшнилари, курсдошлари орасидан бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунинг сабаби шундаки,

психологияда ва социологияда «референт гурух» тушунчаси мавжуд. Бу тушунчага кўра, ёшлар кўпинча катталарнинг, ўқитувчиларнинг, бальзан отоналарнинг таъсиридан кўра кўпроқ тенгдошларининг таъсирида бўлади.

Иккинчидан, мамлакатимизда уюшмаган ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади: уюшмаган ёшларнинг турли табақалари хусусиятини ўрганиш бўйича университетларнинг психология, социология, ижтимоий фанлар факултетларида илмий тадқиқотларни кенг йўлга кўшиш. Бу тадқиқотларга ёш педагоглар ва талабаларни кенг жалб этиш; уюшмаган ёшлар билан иш олиб борадиган ёш педагоглар ва ёш врачларнинг психологик тайёрлигини кучайтириш. Шу мақсадда университетларнинг, тибиёт институтларининг ўкув режаларида психология фанлари учун ажратиладиган соатлар ҳажмини кенгайтириш; уюшмаган ёшларни жисмоний тарбия ва спорт секцияларига кенг жалб этиш. Шу мақсадда ҳудудий спорт секцияларида ва мактабларда фаолият юритаётган жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини кенг жалб этиш; уюшмаган ёшларни маҳаллий маданият бўлимлари ёрдамида оммавий-маданий тадбирларга кенг жалб этиш. Шу мақсадда ҳудудий фуқаролар йигинлари қосида ҳаваскорлар театрларини ташкил килиш.

П.БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА УЮШМАГАН ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА БАНДЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЗАРУРАТИ

2.1. Демократик ҳукуқий давлат қуриш жараёнида уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллиги: янги тамойиллар мөдияти

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда аҳолининг ўртача ёши 24 ёшли ташкил этади. Демак, мамлакатимизда ёшларнинг жамият тараққиётига нисбатан онгли муносабати, ундаги иштироки ва фаоллигисиз миллий тараққиётни тасаввур қилиш қийин. Ўзбекистон шароитида ёшларга ижтимоий тараққиётнинг муҳим «катализатори» сифатида қаралишининг энг муҳим сабабларидан бири ҳам улар таркиби, онги ва дунёкараши билан боғлик. Негаки, ёшлар дунёкараши бугунги янгиланишлар жараёнида шаклланиб бормоқда. Шу сабаб ҳам давлат сиёсатида бу масалага алоҳида ёндошилмокда. Ҳукукий демократик давлат ва фуқаролик жамияти шароитида сиёсий фаоллик кўпроқ ёшлар ташкилотлари, маънавият ва маърифатга дахлдор жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари, маҳалла, оила каби фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа боғланишини талаб этади.

Уюшмаган ёшлар қатламининг ислоҳотларнинг пировард мақсадини қайдаражада тушуниши ва уни қўллаб-куватлаши ҳам муҳимдир. Ёшларга ислоҳотларнинг пировард мақсади уларнинг фаровонлигини оширишга қаратилганлигини англашиб керак. Ана шундагина, ёшларнинг бу ислоҳотларни амалга оширучи улкан куч экани намоён бўлади. Улар бу жараёнларда ўзларини баркамол авлодни шакллантириш жараёнларининг тарбияланувчилари сифатида ҳис этишлари билан бирга, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг бунёдкори ҳам ўзлари эканликларини чукур тушуниб этадилар. Бу ёшларни онгли амалий ҳаракати ва фаолиятини таъминлаб, баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган маънавий-маърифий ислоҳотларнинг истиқболини белгилайди. Маълумки, Ўзбекистон – ёшлар мамлакати. Аҳолининг кўпчилигини ёшлар ташкил қиласди. Келажак-ёшлар

кўлида. Эртанги ҳаётимиз қандай бўлишилигини бугунги кунда тарбияланадиган ёшлар ҳал қиласди. Шу жиҳатдан ёшларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўрни ва ролига жиддий зътибор қаратмоқ жоиз. Шахс, миллат ва жамият маънавиятини юксалтириш, ижтимоий фаол шахсни шакллантириш ўзининг миллий-гоявий асосларига эга.

Ёшларнинг интеллектуал-рухий камолоти уларнинг маънавий ўз-ўзини англаши жараёнлари билан бевосита боғлиқдир. Зоро, Абдулла Авлоний таъкидлаганидек: «Илм дунёнинг иззати, охиратнинг шарофатидир. Илм инсон учун ғоят мукаддас бир фазилатдур, зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур, зехнимизни, фикримизни қилич каби ўткир қилур, илмсиз одам мевасиз дараҳт кабидур».¹ Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида ёшлар ҳарактерида ижтимоий идеалларнинг сусайиб кетишига йўл кўймаслик муҳимдир.

Бугунги жамият ўз олдига мустакил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш вазифасини кўймоқда. Бу ўз қадр-кимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш деганидир. Шундагина онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда»² деган эди. Шу боисдан ҳам хориждаги айрим сиёсий кучлар ҳам жамиятимизнинг истиқболи бўлган ёшларимизни ўз таъсирига олишга уринаётган айни замонда таълимтарбия тизимимизни, жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар хусусан фалсафа фани нуқтаи-назарини ёшларга қаратишимиш, улар муаммолари, ўй-ташвишларини билиб, ёшлар сиёсатини илмий асосга кўчиришимиз юкорида таъкидланган ижобий натижаларни бериши мукаррардир. Зоро, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Мамлакатимиз ва

¹ Одоб бўстони ва ахлоқ гулистоны. Тошкент, Маънавият. 1994. 10-б.

² <https://sputniknews-uz.com/analysis/20170703/5736267/Mirziyoyev-yoshlarga-Hukumat-cshiklarini-ochdi.html>

жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш кийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади»¹.

XXI аср инсониятни шиддатли ва зиддиятли ўзгаришлар уммонига ташлади. Инсоният иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик муаммолар ечимини излаш қаторида, янги мағкуравий муаммолар гирдобида яшамокда. Ўзбекистон Республикасида дунёвий ва демократик жамият қуриш ва унинг ўзига хос кийинчиликлари мамлакат ёшлирига бўлаётган турли мағкуравий таҳдидларни олдиндан кўра билиш, уларга қарши таъсир тамоилиларини белгилаш ва амалий саъй-ҳаракатлар тизимини ишлаб чиқишини долзарб вазифалардан бири даражасига кўтаради. Мағкуравий тазиик ва таҳдидлар жамиятлар ҳамда давлатлар бутунлиги, улар суверенитети, яхлитлигига қарши қаратилган ҳамда янги асрнинг асосий қарама-қаршилигини ўзида намоён этаётган ижтимоий-сиёсий воқеликдир. «Аслини олганда, хавфсизликка солинаётган таҳдидлар анча серкирра. Улар сиёсий экстремизм, шу жумладан, диний руҳдаги экстремизмни, миллатчилик ва миллий маҳдудликни, этник, миллатлараро, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосидаги зиддиятларни, коррупция ва жиноятчиликни, экология муаммоларини ўз ичига олади. Бошқача айтганда, юкорида санаб ўтилган таҳдидлар, гарчи турли минтақаларда турлича куч билан намоён бўлса-да, инсониятда бир хилда ташвиш түғдирмоги даркор»².

Ўзбекистон ёшлири худди ана шундай зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар кучайган, мағкуравий қарашлар кескинлашган, ўз моҳиятини ўзгартириб, турли никобларга бурканган, дунё бўйича барча ривожланган давлатлар иқтисодиёти ва банк тизимини ўз домига тортиб бораётган, иқтисодий танглик

¹ Мирзиев Ш. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили. 2016 йил 30 декабр куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндайлари билан учрашувдаги маъруза. // «Маърифат» газетаси. 2016 йил 31 декабр.

² Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. -Б.426.

ва молиявий инқироз юзага келган¹ давр авлодидир. Ўзбекистон суверенитетига қарши таҳдидлар бугунги кунда ўзининг серқирраллигиги, мураккаблиги, ўз мақсадлари ва амал қилиш йўналишларини тез ўзгартираёттанилиги, айниқса, асосан уюшмаган ёшларнинг онти ҳамда тафаккурига қаратилганлити билан характерланади.

Ҳар қандай давлат, жамият, инсон ўзини ҳимоя қила олсагина, кўзлаган мақсадларига эришади. Агар илк мустакиллик йилларида ёш мамлакатга мафкуравий тазийик ўтказиб, уни демократик дунёвий ривожланиш йўлидан қайтариб, диний асосдаги давлат қуришга ҳаракат қилинган бўлса, ҳозирда мазкур таҳдидлар мазмуни «рангли инқиlob»лар экспорти орқали мамлакатни Farb сиёсий манфаатларига бўйсндириш, марионет давлат қуришга йўналтирилмоқда.

Давлат ва миллатнинг тобе ҳолатта тушиб қолмаслигининг бирдан-бир тўғри йули - фаол, мафкуравий ўйғоқ, миллий манфаатларни биладиган ва қадрлайдиган фуқароларининг бўлиши, мафкуравий курашларга тайёрлигидир. Бугунги таҳдидли вазиятларда ана шундай «танбалликдан» воз кечиб, ижтимоий-сиёсий фаолликка ўтишга бўлган талаб ортади. Агар фуқаролар, айниқса, ёшлар тафаккури, амаллари, жамиятда яшаш услубида ижтимоий-сиёсий фаоллик бўлмас экан, мамлакат суверенитетига қаратилган мафкуравий таҳдидлар моҳиятини англаш, уларнинг яширган мақсадларини топиш, уларнинг қўллаётган усусларини вақтида фош қилиш қийин кечади.

Ҳозирги кунда ёшлар давлатчилик тарихи учун муҳим бўлган ана шундай онт ва тафаккур ўзгаришларини амалга оширмоғи даркор, миллат ва халқни тараққиёт сари олиб боришига тайёр турмоғи зарур. Агар ёш авлод мазкур вазифани уddeласа, у замондан олдинда юради. Бунинг акси бўлса, бир неча бор тарихимизда бўлгани каби авлод, миллат ва халқ яна орқада қолиб кетади. Шу сабабдан ҳам, бугунги ёш авлоднинг мафкуравий таҳдидлардан ўзини

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация ысалит ва янгилашни яхшил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовининг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисолий ривожлайтириш якунлари ва 2009 йилга мутжалланган иктисолий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Мажлисаси мажлиснадаги мъэрузаси // Халқ сўзи. 2009 йил 14 февраль.

муҳофаза этиши тараққиётнинг ягона устувор йўлидир. Ана шундай мағкуравий жиҳатдан қалтис, давлатчилик асосларига раҳса солувчи, уни ичдан емиришга асосланган, ёшлар тафаккурини диний ақидапарастлик каби бузғунчи ғоялар билан шакллантиришга қаратилган харакатлар ислом дини, диний бағрикенглик, толерантлик, диннинг замонавий жамиятлардаги ўрни масалаларини мустақиллик мағкураси асосида ёшлар онгига сингдиришни талаб этади. Шу боисдан ҳам «...юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш – миллый мағкуранинг бош мақсадидир»¹.

Диний омил ёшларнинг замонавий дунёқарашини шакллантиришда мухим бўлиб, давлат, дин ва инсон муносабатларини дунёвийлик, либераллик асосида йўлга кўйишга хизмат қилмоғи даркор. Ўзбекистон Республикасида диний қадриятлар инсон маънавиятининг ажralmas таркибий қисми сифатида тан олинган. Диний зътиқод миллат менталитетида чукур тарихий илдизларга эга. Диний зътиқодга эга бўлган, тақводор инсон жамиятда ҳурмат ва зътиборга сазовор. Бу минтақада динни инкор этиш ва ундан воз кечиш аломатлари ҳеч бир тарихий даврда юзага келмаган. Демак, динга бўлган ишонч ва ҳурмат инсонлар тафаккурига жуда чукур сингиб кетган фазилатлардан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ибн Мисқавайҳ «Нафснинг ўзига хос бўлган феъллар, яъни илмлар ва маърифатга рағбат билдириши ҳамда жисмгагина хос бўлган феъллардан узоқ бўлиши нафс учун фазилат саналади. Зоро, инсоннинг ушбу фазилатни талаб қилиши, унга муштоқ бўлиши эса унинг учун фазилат саналади»²деб таъкидлайди. Шу сабабдан, ёшлар тафаккурида ҳам динга бўлган муносабат мазкур масаланинг илмий ўрганилиши, унинг ўзига хос хусусиятларининг белгиланишини, ёшлар диний тафаккури масаласида давлат, нодавлат ва маҳсус тизимлар фаолиятидаги ҳамкорлик ва камарбастиаликни назарда тутади.

¹ Бобосев Х. Ва бошқалар. Миллый истиқбол мағкураси ва тараққиёт. – Тошкент: 2001. 3-6.

² Мисқавайҳ Абу Али. Таҳәниб ал-ахлоқ. Байрут: Мактабат ал-хадёт, 1961. -Б. 3.

Хуллас, агар миллий тараққиётнинг ибтидоси таълим-тарбия, маънавий стуклик ва жамиятда янгича тафакурнинг шаклланиши сиёсий ва хукукий маданиятнинг ўзариши билан боғлиқ бўлса, унинг давомийлиги Ватан ва юрт манфаатининг устуворлиги ҳамда таъминланиши билан уйгуналашиб кетади. Шундай экан, ижтимоий тараққиёт жараёни кўпроқ ёшлар ва уларнинг маънавий, интеллектуал салоҳияти, сиёсий ва хукукий билим даражасига боғлиқдир. Дарҳақиқат, ҳар бир мамлакатда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги маънавий интелектуал салоҳияти жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг айниҳса, ёшларнинг иштироки уларнинг объектив воқеаликка муносабатида тўла намоён бўлади. Бошқарув жараёнидаги бундай муносабат ҳар бир инсоннинг жамият сиёсий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий мақсад ва манфаатларини қондириши ҳамда, уларни амалга ошириш йўлидаги харакатлари асосида юз беради. Жамиятда янгича муносабатлар таркиб топаётган ҳозирги даврда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш имкониятлари кентайиб бормоқда.

2.2. Демократия ва уюшмаган ёшлар тарбиясининг аксиологик жиҳатлари

Ҳозирги даврда мамлакатимизни янгилаш ва янада демократлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнида ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усуулларини излаб топиш ҳамда уларни ҳаётта татбиқ этишга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шу маънода, мустақилликнинг ilk даврида ёк юртимизнинг равнақи, гуллаб яшнаши учун, аввало, фидойи, интеллектуал жиҳатдан ривожланган баркамол авлодни тарбиялаб этиштириш, фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга ва XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга этиши долзарб масалалардан бири сифатида белгилаб олингани асло бежиз эмас.

Ана шундай даврда ёшлар омилини янада фаоллаштириш, унинг салоҳиятини кенгроқ юзага чиқариш – ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш бўйича бошланган яратувчанлик ишларининг самарадорлигига зеришиш, бу борадаги кўзланган мақсадларга етишнинг кафолатидир. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикри ушбу долзарб муаммони таҳлил этишнинг асосий мезонларини белгилашда ниҳоятда муҳим аҳамиятта эга эканлиги шубҳасиз: «жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш ва ҳукуқбузарликларга қарши курашишда фаол қатнашаётган инсонларни рағбатлантиришга алоҳида зътибор қаратилиши лозим»¹.

Шу билан бирга, ҳозирги даврдаги бу соҳадаги ўзгаришлар ва янгиланишлар, хусусан 2017 йилда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилиши, 2016 йилда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида»ги 2017 йил 5 июлдаги фармони ўтган йилларда бу соҳада тадрижий ва тизимли тарзда амалга оширилган туб ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Бу ўз навбатида, бугунги кунга келиб янгича дунёқараш ва демократик тафаккурга эга бўлган ёшларнинг янги авлоди шаклланиши учун мустаҳкам таянчга айланиш жараёнини ҳар томонлама чукур ўрганиш, қўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қилиш ва бу борадаги тажрибаларни умумлаштиришни долзарб масалалардан бирига айлантирди. Айни пайтда, бу мазкур тарихий ҳужжатларда белгилаб қўйилган бу борадаги долзарб вазифаларни изчил ва тизимли, босқичма-босқич амалга оширишнинг йўллари ва воситалари самарасини оширишга ёрдам берадиган кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш эктиёжи янада ортганидан далолат беради.

¹ Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, ҳаликимз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳамёт даражасини яратиш – баркарор тараққиёт кафолатидир // URL – <http://uzlidep.uz/uzc/news/demokratik-islokholtarni-izchil-davom-etirish-halkimiz-uchun-tinch-va-osoyishta-munosib-khayot>

Ёшларга доир давлат сиёсати ҳар доим даврнинг долзарб масалаларига зътибор қаратиш ва жамият тараккиётидаги муаммолар мөхиятини англаш билан узвийликда ривожланган. Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари ёшлар масалалари хусусида фикр билдирав экан, ўз зътиборини соғлом авлодни тарбиялашнинг давлат тараккиёти учун аҳамияти, ёшларнинг ижтимоий ўсиши ва ривожланиши учун қулай ижтимоий-иктисодий имкониятлар яратиш зарурияти, ёшларда умуминсоний ҳамда миллий қадриятларни тарбиялаш мезонлари, мамлакат мустақиллигини асраб-авайлаш, давлатнинг келгуси такомили учун ёшлар куч-ғайрати ва салоҳиятини сафарбар этиш, ёшларни фуқаро сифатида тарбиялаш ва уларнинг ватанини муҳофаза қилиш йўлидаги муқаддас бурчи, спорт билан шуғулланишлари учун керакли инфраструктураларни ташкил қилиш, мамлакат салоҳияти ва қудратини бутун жаҳонга намоён қилиш каби ўнлаб долзарб йўналишларга қаратди. Айнан улар Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг бош мезонлари, назарий ва амалий жиҳатларини белгилаб берди.

Давлат ўз сиёсатини амалга оширап экан, ёшлар қатламини таянчи ва истиқболни белгилаб берувчи асос сифатида қабул қиласди. Ёшлар давлатнинг энг муҳим ижтимоий-инсоний қадриятларидан ҳисобланади. Шу боис, давлат сиёсатининг ёшлар масаласидаги мөхияти ёшлар ва демократик қадриятлар, ёшлар ва миллий онг, ёшлар ва миллий ўзликни англаш, ёшлар ва инсон ҳукуқлари, ёшлар ва иқтисодиёт такомили, ёшлар ва шахс, ёшлар ва фуқаролик жамияти, ёшлар ва оила устуворлиги, ёшлар ва миллий хавфсизлик, ёшлар ва мафкура, ёшлар ва таълим-тарбия, ёшлар ва саломатлик, ёшлар ва хотин-қизлар каби аниқ категориялар мажмуидан иборат.

Давлатнинг уюшмаган ёшлар қатламини янгиланиш жараёнларида қўллаб-куvvatlash, улар манфаатларини таъминлашга қаратилган. Демак, мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпроғи болалар ва ёшлардан иборат экан, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, вазифалари, мақсадлари ва интилишларини илмий таҳлилдан ўтказиш сиёсий тадқиқотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу эса ёшлар, жамиятдаги мавжуд ирклар, халқлар, миллатлар, турли ижтимоий

қатламлар ва синфлар доирасидаги жараёнларни англаш ва баҳолашнинг янги тамойиллари, мезонлари, шакл ва усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бинобарин, жамият ривожи билан боғлиқ барча масалаларни ёшлар муаммоларини зътиборга олмасдан, улар ҳолатини таҳлил қилмасдан туриб тұғри ҳал этиб бўлмайди. Ёшлар жамият социал-ижтимоий ҳолатининг аниқ ва реал парадигмаси сифатида унинг позитив, конструктив ва негатив жараёнларга адекват тарзда ўз муносабатини билдиради. Шу боис, давлат сиёсати омилларини белгилаш, уларни режалаштириш, жамиятни модернизация қилиш ва либераллаштириш жараёнларида ёшлар масалалари фалсафий тадқиқотларнинг доимо долзарблик касб этадиган ижтимоий-фалсафий масаласи сифатида баҳоланган.

Ёш авлод вакилларининг ҳаёт стратегияси турли-тумандир. Улар ҳам мазмунига кўра, ҳам уларнинг етуклик даражасига кўра, ҳам воқелигига кўра, ҳам вақт қарновига кўра фарқланади. Ёшлар ўзининг бўлгуси касбий фаолиятига ва оиласига бир мунча реал қарайди. Айни вақтда ёшларнинг таълим олиш имконияти, ижтимоий юксалиш ва моддий фаровонлик даражасига давъолари анча кучлидир. Ёш инсонлар ҳамма нарсага бирданига ва жуда жадал эришишни хоҳлади. Бироқ ушбу ҳар хил давъоларнинг юксак даражаси доимо ҳам худди шундай юксак интилишлар билан мустахкамланавермайди.

Ёшларнинг аксариятидаги уларнинг турли мақсадларга эришиш ва катта молиявий имкониятларни кўлга киритиш истаги уларнинг олдинда турган қийинчилкларига қайси даражада маънавий-рухий жиҳатдан тайёрлиги билан белгиланади. Бунда бокимандалик ёки лоқайдик кайфиятининг устун бўлиши ёшларни маънавий-рухий жиҳатдан таназзулга олиб келади. Оқибатда, ишончсизлик, таъсирчанлик, тушункунлик, ҳаёт маъносини йўқотиш ва хатто ўз жонига қасд қилиш фикри ёшлар ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Аксарият илмий адабиётларда ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш, асосан, 15 ёшдан 29 гача бўлган даврда амалга оширилиши алоҳида кўрсатиб ўтилади. Жамият ҳаётида, асосан, ёшларни қашшоклик сабаб, оила аъзолари

ёки тенгдошларининг салбий муносабатининг ошириб юборилиши, рад этилган севги, ўқишдаги ўзлаштириш жараёнининг пасайиши, бедаво касаллик, болаликдаги зўравонликлар асорати, гиёхванд ва алкоголь маҳсулотларни ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш оқибатига ўз жонига қасд қилиш ҳолати кўпроқ кузатилмоқда. Лекин шунга қарамай, аксарият жамиятшунос олимлар бу мавзуни очиқ-ойдин муҳокама қилишни ёқламасликларини таъкидлашади. Бугунги кунда Интернет, ижтимоий тармоклар орқали амалга оширилаётган таҳдид-ҳақоратлар, турли ғаразли маҳсадларни кўзлаган ҳолда тарқатилаётган ғоялар бу муаммони янада чукурлаштириб юбормоқда. Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти томонидан автоҳалокатлардан сўнг инсонларни ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайиб бораётганлиги қайд этилмоқда. Шунингдек, кўрсатилган маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатларда эркаклар аёлларга қараганда, уч маротаба кўпроқ ўз жонига қасд қилсалар, камбагал ва ўртаҳол мамлакатларда бу фарқ атиги ярим баробарни ташкил этади. Ўз жонига қасд қилиш бутунги жамиятда авж олаётган ижтимоий касаликдир, шунинг учун ҳам бу касаликни даволаш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси, оила, мактаб, маҳалла, таълим муассасаси, давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорликда самарали фаолият олиб боришлари мухим ҳисобланади.

Шу боисдан Ш.Р.Фафуров ««Уюшмаган ёшлар» тушунчаси билан боғлиқ тушунмовчиликларга барҳам бериш, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш ва уюшмаган ёшлар билан ишлашга масъул мутасадди ташкилотларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш маҳсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (2016 йил 14 сентябрь) қонунига куйидаги мазмундаги ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш таклиф этади: а) Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасини куйидаги мазмундаги 7-хатбоши билан тўлдириш: «уюшмаган ёшлар – ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланмайдиган, ишга жойлашиш, таълим олиш ҳамда фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироқининг бошқа шаклларини амалга ошириш бўйича яратилган имкониятлардан фойдаланмаган

14 ёшга тўлган 30 ёшдан ошмаган шахслар тоифаси». б) қуидаги мазмундаги 231-модда билан тўлдириш: Конун хужжатларида белгиланган тартибда уюшмаган ёшлар учун куйидагилар кафолатланади: уюшмаган ёшлар муаммосини ўрганиш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш; таълимни давлат томонидан бошқариш идоралари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, ички ишлар органлари, меҳнат ташкилотлари ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди худудий бўлинмалари томонидан ўзаро ҳамкорликда уюшмаган ёшларнинг рўйхатини юритиш;

уюшмаган ёшлар билан якка тартибда ишлаш, уларнинг ижтимоий фаоллиги ҳамда хукукий сиёсий онг ва маданият даражасини оширишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Таълимни давлат томонидан бошқариш идоралари ўқимайдиган ёшларни аниқлайди, рўйхатини юритади ва уларни таълимга жалб этиш чораларини амалга оширади, шунингдек ушбу тоифадаги ёшларни қизиқтира оладиган ижтимоий заруратта эга касбларга йўналтирувчи маҳсус факультатив курслар фаолиятини ташкил этади. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ижтимоий фаоллиги ҳамда хукукий сиёсий онг ва маданият даражаси паст ёшларни аниқлайди, рўйхатини юритади ва уларни ижтимоий фаол ёшлар доирасига жалб этади. Ички ишлар органлари салбий таъсирларга берилувчи ёшларни аниқлайди, рўйхатини юритади, уларни «Фидокор ёшлар» гурухи, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузулмалари фаолиятига жалб этади, уларнинг хукукий, сиёсий онги ва маданиятини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади. Меҳнат ташкилотлари ишламайдиган ёшларни аниқлайди, рўйхатини юритади, ёшлар боп иш ўринларини яратади ва ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллалар кесимида тайин бир машғулотта эга бўлмаган ёшларни аниқлайди, рўйхатини юритади, ёшлар

иттифоқи билан ҳамкорликда уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш, муайян касбга йўналтириш чора-тадбирларини амалга оширади»¹.

Хар бир даврда ёшлар муаммоларини ечишга қаратилган сайд-харакатлар жамият ҳаётининг турли мураккаб жараёнлари билан ҳамоҳанг тарзда юзага келди. Мамлакат янги қонунчилигида ёшларни жамият тараққиётининг асоси сифатида эътироф этилиши, ёшлар ташкилотлари ривожи учун имкониятларнинг яратилиши, замонавий ёш кадрлар заҳирасини юзага келтириш мақсади, ёшлар интеллектуал салоҳиятининг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришини таъминлаш, ёшлар ичида янги мулкдорлар катламини шакллантириш каби долзарб йўналишлар даврнинг мухим белгиларидан ҳисобланади.

1. Бугунги кунда ёшлар ҳаракати ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Бу давр модернизация қилиш, демократлаштириш ва либерализация қилиш мақсадлари билан ёшлар ташкилотлари ва ҳаракатларининг иш мазмунини мослашни талаб қиласди. Янги босқичда уюшмаган ёшларни куйидаги йўналишларда ривожлантириш даврнинг долзарб вазифалари қаторидан ўрин олади:

- уюшмаган ёшларни ижтимоий фаолиги ва банддлигини таъминлашда мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, уларни ҳокимиятнинг қонунчилик, суд ва ижро тармоқлари функционал мувозанати борасидаги вазифаларга тайёрлаш;

- ёшларни сиёсий жараёнларга олиб кириш, улар билими, сиёсий онги ва маданийтини ўстириш, уларда жамият ҳолатига нисбатан таҳлилий муносабатни шакллантириш, ёшларда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан фаол яшаш кўникмаларини тарбиялаш;

- ёшлар манфаатларини ўзида намоён этган ва уларни давлат бошкаруви тизимиға жалб қилишга қодир ёшлар фуқаролик институтларини ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш;

¹ http://akadnavd.uz/wp-content/uploads/avtoreferral_Gofurov_Sh_19-11-2019.pdf

- сиёсий партиялар таркибидаги ёшлар қанотлари фаолиятини такомиллаштириш ва жадаллаштириш, мазкур тузилмани янги сиёсий етакчиларни тарбияловчи асосий бўғин сифатида эътироф этиш;
 - модернизациялаш ва либераллаштириш мақсадларидан келиб чиккан ҳолда ёшларни кичик ва ўрта бизнес фаолиятига кенгроқ жалб қилиш;
 - бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришни ўрганган ёшларни ишлаб чиқариш корхоналарига йўналтириш ва бошқарув ишларига қўйиш;
 - мамлакат иқтисодиётининг хом ашё базасидан бутунлай ишлаб чиқариш тармоғига ўтишини таъминлаш мақсадида ёшларни мазкур тармоқлар ва корхоналар фаолиятига жалб этиш ва улар зиммасига аниқ вазифалар юклаш;
 - хусусий тармоқнинг ривожланиши асосида ёшларнинг хусусий мулкчиликдаги хиссасини кескин ошириш, мамлакат мулкчилигидаги улушкини орттириш;
 - ёшларни инвестицияларни ўзлаштириш ишлари ва тармоқларига кенг жалб этиш, инвестицияларни мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтириш жараёнларида ёшлар иштирокини таъминлаш;
 - ёшлар ичида солиқ маданиятини шакллантириш, ёшларнинг солиқ тизими талабларини бажаришдан бўлган манфаатдорлигини ошириш;
 - иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларини жорий этишда ёшлар ташабbusлари учун кенг имкониятлар яратиш, улар эркинлигини таъминлаш учун тегишли ҳукуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ҳозирлаш.
2. Ёшларни фуқаролик жамиятида фаол яшашини таъминлаш мақсадида таълим тизимиға фуқаролик таълими тамойилларини жорий этиш долзарблик касб этади. Фуқаролик таълимининг мазмунини эса педагогик ва ижтимоий нуқтаи назардан ишлаб чиқиш даркор. Унинг таркибида «конфликтлар ечими», «мулоқот маданияти», «ҳукуқий маданият», «сиёсий маланият», «контр-маданият», «PR кампания», «жамоатчилик назорати» каби замонавий йўналишларнинг илмий-методик ишланишини йўлга қўйиш давр талабидир.

3. Модернизация ва либераллаштириш шароитида уюшмаган ёшларнинг тармоқланган замонавий инфраструктурасини ташкил этиш, уюшмаган ёшларни илмий ўрганиш бўйича ягона методик стандартларни яратиш ва амалиётга жорий этиш, ёшларнинг асоциал тафаккури, девиантлиги ва деструктив кайфиятларини ўрганиш йўналишини ривожлантириш даркор. Ёшлар билан ишлашда уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи бўйича маълумот ва далиллар тўг‘лаш, уларни тахлил қилиш, ахборотларни ёшларга таъсирчан етказиши, самарали натижалар беришини зътиборга олиш зарур.

4. Глобаллашув ва ахборот алмашинуви шароитида ёшлар тафаккурини заҳарлашга қаратилган ёт мағкура ва ғоялар таъсири ортиб боради. Шу боис, ёшлар ичида турли бузғунчи ғоялардан ўзини ҳимоя қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш, уни янги педагогик технологиялар ва омма билан иш олиб боришининг замонавий усуслари билан бойитиш керак. Ёшларда барча ахборотлар оқимиға нисбатан танқидий ва «сарапланган» муносабатни шакллантириш, ёшлар ташкилотлари, илмий ва педагогик тизим кучидан фойдаланган ҳолда мамлакат ёшлари тафаккурини барча ёт мағкуралардан муҳофазалаш учун «контр-маданият» тизимини шакллантириш лозим.

5. Ёшларни жамиятдаги бирдамлик, барқарорлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик тамоӣилларини қадрлашга ўргатиш, бунёдкорлик, ватанпарварлик ва миллатпарварликни ёшларни бирлаштирувчи омил сифатида баҳолаш, ёшлар билан ишлайдиган ташкилотлар фаолиятини мазкур қадриятларга йўналтириш ва улар асосида мувофиқлаштириш, ёшлар билан ишлайдиган қадрларга нисбатан мутахассислик талабларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш даркор.

6. Ҳозирги даврда эса мамлакатимизда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация ва ислоҳ қилиш, айниқса 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш жараенида ёшларга сид сиёсатни изчил амалга ошириш йўллари ва имкониятларини излаб

топиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг самарали усуллари ва воситаларини ишга солишга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормокда.

7. Бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсати жамият ривожининг муҳим омилларидан бирига айланди. Аммо глобаллашиб бораётган дунёдаги ўзгаришлар, мамлакатимиз тараққиётининг устивор йўналишлари ва ҳаётимиздаги янгиланишлар бу соҳада ҳам замон талабларини зътиборга олиш, ёшлар фаолиятини уюштириш ва ташкиллаштириш масалаларига янгича қарашлар асосидаги ёндошувларни талаб қилмоқда. 2016 йилда янги таҳфирдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг қабул килиниши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тузилиши кабилар ана шу эҳтиёжнинг амалга ошаётганидан далолат беради.

2.3. Ёшлар ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг муҳим субъекти сифатида

Ёшлар ва ижтимоий тараққиёт хусусида ўйлар эканмиз, сиёсий фанлар нуқтаи назаридан қараганда, жамиятда сиёсий элитани ривожлантиришимиз, унинг миқёсини кенгайтиришимиз лозим. Яъни ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабат билдира оладиган, унда иштирок эта оладиган, ушбу жараёнлар самарадорлигини ошира оладиган, бутун имкониятини ишга соладиган аҳоли қатламини кенгайтиришимиз лозим. Инсоннинг мурғак ёшидан етарли даражада биологик, физиологик ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш жамиятда аҳоли элита қатламининг кенгайишига ёки бошқача қилиб айтганда, жамият маънавий қиёфасининг баркамоллашишига, интеллектуал салоҳиятининг ривожланишига, ақлий қудратининг такомиллашишига олиб келади. Кошифий ўзининг Ахлоқи Мұхсиний асарида ёзишича, Парвиз ўз ўғлига шундай насиҳат қилган экан: «Эй фарзанд, сен раъиятта ҳокимсан, худди шундай ақлинг ҳам сенга ҳоким. Раъият сенинг фармонингдан чиқмагани каби, сен ҳам улардек ақлинг ҳукмидин четга

чикмагин. Мұхым ишни бажарыш сенға тұғри келса, шошилмай ва ақл ҳукми билан маслаңат қылғин». ¹

Биз жамиятта қараб истиқболни белгилайдиган ва ижтимои мүлжалларни аник ҳисобға оладиган авлодға таянамиз. Бу эса бевосита билим ва тафаккурни тақозо этади. Чунки ҳамма вақт ақлли одамгина мүлжалларни белгилашда адашмайды, мавжуд ижтимои жараёнларни тұғри баҳолай билади ва унға муносабат билдира олади. Ана шундай одамгина жамият олдидағи жавобгарликни ва ўз хатти-харакатлари учун масъулиятни чукур англайды. Демек, интеллектуал жиһатдан бақувват шахсда жамият иши учун дахлдорлық түйғуси, миллат тақдиди учун жавобгарлик ҳисси, бурч ва масъулият тушунчалари ёрқинроқ намоён бўлади. Шу маънода, Бедил «Ақлсиз имон худди ойнасиз жавохирдай асоссиз (мавхуми) йўқ нақшдир ва ақлсиз ҳаё худди манбаи бўлмаган сув каби маъдум-йўқлиkdir»², – деб таъкидлайды.

Бугун биз ёшлар ҳақида, ёшларнинг дунёкараши, маънавий-ахлоқий олами, одам ва олам, инсон ва жамият хусусидаги фикрлари ҳақида ўйлар эканмиз, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлашимиз зарур. Бу эса ўз-ўзидан юксак билим савиғини згаллашпни, фан ютуқларини ўзлаштиришни, маърифатли ва баркамол шахс бўлишини тақозо этадиган ҳодиса. Маърифатли киши шижаатли бўлур». Жамият эса шижаатли, гайратли, ташаббускор ва фидой ёшларга муҳтож. Зотан, маърифатсиз жамиятда хурофот кучаяди, хурофот эса жаҳолат ва бидъатни келтириб чиқаради. Айтиш мумкинки, истиқоллининг ўтган даврида Ўзбекистонда мустақиллик даври фуқароси шаклланди. Чунки ёшидан, миллатидан, диний әзтиқоди ва касбу коридан қатый назар, фуқаролар дунёкараши тубдан ўзгарди. Бу эса мазмунан янгиланаётган ҳаётимизда ва турмуш тарзимизда бутунлай янги тафаккур тарзига эга бўлган янги авлоднинг юзага келишига асос бўлмокда. Бироқ ҳар томонлама баркамол, фидойи, жонкуяр, Ватан ва халқ манфаати учун курбон

¹ Колифий Х. В. Ахлоқи Мұхиттій. "Ўзбекистон миниатүр әзизкіледеңеси". Даалет ишмей пашрнётті, 2010.-Б. 122.

² Мұминов И.М. Танланган асарлар. Т.1. – Тошкент, 1969. – Б.94.

бўлишга тайёр аҳоли қатламини шакллантириш учун фан, таълим, маданият соҳаси самарадорлигини оширишни давр тақозо этмокда. Айни пайтда Ўзбекистон аҳолисининг 64% ни ёшлар ва болалар ташкил этади. Бу кувончли, истиқболли натижалар билан бирга бир қатор ўзига хос муаммоларнинг ечимини топишни ҳам тақозо этмокда. Жумладан:

Маиший-ижтимоий соҳада: Уюшмаган ёшлар ўртасида наркотик моддаларга, турли иччиликбозлик ва кашандаликка мойилликнинг мавжудлиги, уларнинг маънавий-руҳий ҳолатидаги ёшликка хос бўлган бекарорлик кайфиятида салбий ҳолатларнинг таъсир этилиши натижасида ҳуқуқбузарлик, безорилик ва жиноятчиликнинг кучайиб, турли хавфли касалликларнинг кўпайиб кетиши мумкинлиги билан ажралиб турди. Шу боисдан ҳам Ш.Р.Фофуров томонидан «...уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари – ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо қиласидиган, уларни озиқлантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг йигиндиси»¹дан иборат деб таъкидлайди.

Маънавий-ахлоқий соҳада: Хориждан турли бузғунчи гояларнинг шиддат билан кириб келаётганилиги, хусусан, хорижий маданият орқали турмуш тарзимиз ва мииллий ақидаларимизга зид бўлган маънавий меъёрларнинг кириб келаётганилиги, маданиятлараро интеграция никобида «маданий террор» шаклидаги бузғунчи гоявий таъсирлар кучайиб бораётганилиги; диний ақидапарастлик, терроризм, экстремизм таҳдид солаётганилиги ҳам жамиятда уюшмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликни турли кўринишларини намоён бўлишига олиб келмоқда. Шу боисдан ҳам Ш.Р.Фофуров «...уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари – ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо қиласидиган, уларни

¹Фофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини тақомиллаштириш (иччи ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2019. – 126.

озиқлантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг йигиндиси»¹ деб ёзади.

Иқтисодий соҳада: Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш жараёнида мулкни бошқариш, мулкка эгалик қилиш хукуки ва амалдаги қонунлар доирасида тўлақонли фаолият кўрсатиш кўнинмасининг етарли даражада шаклланмаганилиги, тадбиркорликнинг ўзига хос мактабини ва тажрибаларни ўрганишда сусткашлиги сабабли уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлашда жиддий муаммоларни келтириб чиқармокда;

Ғоявий-сиёсий соҳада: Уюшмаган ёшларни сиёсий-ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, ақлий салоҳияти, дунёқараш эндиғина шакланаётган ёш авлод қалбида миллий ғурур туйғуларини кучайтириш, ватан, миллат ва истиқлол, эркинлик, миллий ўзликни англаш тушунчаларини қадрият даражасига кўтариш борасидаги қатор таъсирчан тадбирларни изчил амалга оширишни давр тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолининг асосий қисмини ёшлар ва болалар ташкил этаётганлиги юкоридаги масалаларнинг накадар жиддийлигини кўрсатмоқда. Чунки ҳамма вақт ёшлар онгига таъсир қилиш, уларни турли йўлларга солиш, турли мақсадларга йўналтириш осон кечган. Бироқ, бу биз муаммолар қуршовида қолган эканмизда, деган фикрга боришга йўл бермайди. Масаланинг ниҳоятда қувончли ва қалбларга катта завқу шавқ берувчи жиҳати ҳам бор. Бу бевосита янгича тафаккур, жаҳон цивилизацияси ютуқларини тез қабул қила оладиган ва уни жорий этишга шиддат билан киришадиган авлод қатламиининг катталигидир.

Ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти давомида ёш авлод билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Бундай муаммолар ичida энг долзарблари, энг

¹ Фофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўртасида хукукбузарлiliklar профилактикасини тақомиллаштириш (иҷози ишлар органлари фаолияти минсолида). Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2019. – 12 б.

муҳимлари ажралиб туради ва булар ёшлар мухитида мавжуд турли мойиллик ва ўзига хосликларни ифодалайди. Чунончи, ёшлар ўз ҳайтларини асосий жиҳатларига, айниқса, сиёсий жараёнлар, ижтимоий мақом, маданиятлилик даражаси, таълим-тарбия, ижтимоий муассасаларнинг ахволига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларга бефарқ эмас. Шу билан бирга уларни маълум давр нуқтаи назаридан ўзгартиришга, ривожлантиришга, янги мазмун касб этишга ўзларида мойиллик сезишади. Ёшларда ташаббускорлик, ташкилотчилик, сиёсий жараёнларга сезгирлик, ҳаракатлардаги илдамлик ва соғлом фикрлашга интилиш каби фазилатларни тарбиялаш уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини таъминлайди.

Ёшлар мухитида мавжуд бўлган бундай жиҳатлар аксарият ҳолларда зътибордан четда қолиб кетиши мумкин, яъни кўпинча ёшларга сиёсий билими, тажрибаси етарли бўлмаган, ҳар қандай ишни уddaрай олмайдиган, ҳали пишиб етилмаган навниҳол деб қаралади ва уларнинг реал ижтимоий-сиёсий фаоллиги, жамиятни замон талабларига мос илгор технологияни амалиётта тадбиқ этиб, янги куч сифатида роли унтиб қолдирилади. Шу билан бир қаторда, ёшларнинг жамиятдаги барқарорликка зиён етказадиган хатти-ҳаракатлари ва фаолиятларига айрим ҳолларда бепарво қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарама-қарши тенденциялар вазиятни имкони борича ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ этишни, шунингдек, ушбу жараёнда вужудга келувчи муаммоларни аниклаб, уларни ҳал этиш йўллари жусусида тегишли хуносалар чиқаришни тақозо этади.

Мамлакатимизда ёшлар ҳаётига доир қонунлар қабул қилиши, уларнинг ҳақ-хукуqlари белгилаб берилиши, ва албатта, ҳар бир ёшнинг мазкур жамият фуқароси сифатида сиёсатда фаол иштирок этишини зътиборга олиш ёшларни баркамол авлод килиб тарбиялаш омили сифатида намоён бўлмоқда. Демак, ёшларни сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий маданиятлилик даражасининг кўтарилиши, уларнинг баркамол авлод сифатида шаклланишини таъминлайди. Шу ўринда ёшларни баркамол авлод даражасига кўтарилиши, сиёсий фаол фуқарога айланишида сиёсий таълим-тарбиянинг тўғри амалга

оширилиши ҳар жиҳатдан мухим. Сиёсий таълим-тарбия – бу ижтимоий-сиёсий фаолиятда амалий иқтидорининг таркиб топиши, сиёсий ҳаракат, фаол ҳаётий позицияни вужудга келтиришидир.

Ёшларни ҳар томонлама баркамол бўлиб етишишларида улар ўртасида турли туман спорт мусобақалари, ўкувчи ёшлар фестиваллари, ёшлар ва талабаларнинг Универсиадалари, «Шунқорлар», «Истедодлар – юрт таянчи», «Қувноқлар ва зукколар», «Сиз қонунни биласизми», «Заковат» каби кўрик-тандловларини ўтказилиши мухим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакат тақдирини, келажагини белгилайдиган асосий куч бугунги ҳаётда завқ-шавқ билан меҳнат қилаётган, билим олаётган ёш авлоддир. Зоро, уларнинг онг-шуурини, тафаккурини тўғри шакллантириши ва шу асосда тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам мухим ва долзарбdir.

Бугунги ёшлар бундан 15-20 йил илгариги ёшлардан тубдан фарқ қиласди. Чунки шиддат билан инсон онгига таъсир этаётган «сиёсий ахборотларнинг оқиб келиши», электрон технологияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, Ғарб урф-одатлари, санъати (куй-кўшиқ, кино фильмлар) ва шу билан бир қаторда либерал тарздаги қарашлар барчаси ёшлар маданиятини, дунёқарашини четлаб ўтолмайди. Ёшларнинг, ва умуман, инсоннинг баркамоллиги жисмонан, маънан ва ақлан етуклик даражаси билан боғлиқ. Ана шу уч злементнинг ўйгуниликда ривожланиши баркамолликни таъминлаши мукаррар.

Жамият ҳаётى сермазмун ва мураккаб кўринишга эга бўлиб, бу турли ижтимоий қатламлар ўртасидаги муносабатларда, улар манфаатларини ифода этиувчи сиёсий тузилмалар фаолиятида намоен булади. Бу фикрлар хилма-хиллиги ва плюрализм билан боғлиқ албатта. Бироқ, гоявий хилма-хиллик тараққиетнинг бош омилларидан бири саналсада, улар атрофида ёт гоя ва қарашлар бўлиши эҳтимолини ҳам унутмаслик керак. Буни мамлакатимизда содир бўлган 1999 йил 16 февраль воқеалари, Андижонда содир бўлган воқеалар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам жамият аъзоларини, хусусан, ёш авлодни гояга қарши гоя, фикрга қарши фикр билан кураша оладиган шахс сифатида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб

вазифаларидан бирига айланмоқда. «Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга мұхаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг мұқалдас диниге садоқат руҳида тарбиялаш учун таъбир жоиз бұлса, аввало уларнинг қалби ва онғида мағкуравий иммунитетни күчайтиришмиз зарур. Токи ёшларимиз миңлий үзлигини шу билан бирга, дүнёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин»¹.

Мұхтарам Президентимиз Ш.Мирзиев таъқидлаганлариңек: «Бугунги тез үзгараётган дүнё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илтари күрілмаган турли өвуз ҳаффхатарларга ҳам дучор килмоқда. Фаразли күчлар содда, ғұр болаларни үз ота-онасига, үз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳәетига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада хүшёрик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни үзимиз тарбиялашимиз лозим»². Бу борада самарали ишларни ташкил этишда нафақат давлат, балки нодавлат нотижорат ташкилот(ННТ)ларининг ҳам мухим роли катта. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг фаолият юритиши ва ривожланиши учун эса барча шарт-шароитлар, жумладан, норматив-хукукий база ҳам яратилған. Конституциянинг XIII бобида мамлакатимизда уларнинг эркин ва фаол ҳаракат килиши, фуқаролик жамияти институтлари тури ҳамда таърифлари, амалга ошириш механизmlари мавжуд.

Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг жағон тажрибаси шуни күрсатады, мазкур муаммони факат ҳарбий күч ишлатиш билан тұла ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли илмий асосланған, технологик жиһатдан тартибга солинган, дүнеда кечеёттан ижтимоий-сиеций жараенларга мос ахборот-мағкуравий курашни – аксилтарғибот ишларини түғри ташкил этиш диний экстремизм мағкураси тарқалишининг олдини олишда мухим аҳамият

¹ Каримов И.А. Юксак мәденият – синглимес күч. – Ташкент: Мәденият, 2008. – 119 б.

² Мирзиев Ш. Миңлий таржимәт Йўлнимизни қатыяни билан дағында тириб, янги босқичта күтәрамиз. – Ташкент: "Ўзбекистон", 2017. 124-бет.

касб этади. Аксилттарғибот ишларини ННТлари орқали амалга ошириш эса катта самара беради десак муболага бўлмайди. Чунки давлат аҳолининг турли қатламлари билан ишлашни фуқаролик институтлари орқали амалга оширади. Шунинг учун аксилттарғибот ишларини, жумладан, умумпрофилактик тадбирлар, тарғибот ва ташвиқотлар, давра-суҳбатлари, учрашувлар, спорт мусобақаларини соҳа йўналишидаги ННТлар томонидан аниқ мақсад ва вазифалар доирасида амалга оширишлар лозим.

Аҳоли, айниқса уюшмаган ёшлар ўртасида диний-экстремистик оқимларга қарши «иммунитет» ҳосил килишда ҳар бир ННТларнинг ўз вазифаларини белгилаш мумкин. Аҳоли, айниқса уюшмаган ёшлар ўртасида экстремизм ва терроризмга қарши «иммунитет»ни шакллантиришда диний билимларни тұғри етказиш, ёт ғояларнинг салбий оқибатлари буйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, турли оқимга кириб қолган шахсларни эса жамоат ишларига, оммавий тадбирларга жалб килиш, улар учун ижтимоий реабилитация марказларини ташкил этиш, жамият учун зарур ишларга мастьул килиб белгилаш каби вазифаларни амалга оширишимиз даркор. Бу тадбирлар замирада «учинчи кучлар» томонидан мағкуравий таҳдидларга қарши курашиш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, ёшларимизни ватанпарварлық рухида тарбиялаш каби долзарб муаммолар ечими этади. Қолаверса, бу масаланинг долзарбликини қўйидагилар билан ҳам изохлаш мумкин:

Биринчидан, бугунги кунда ёшлар жамият аъзоларининг яримдан кўпини, яни 18 ёшгача бўлган ёшлар – 10 миллион 360 минг нафар ёки умумий аҳолининг таҳминан 40% ини, 30 ёшгача бўлганлар эса – 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64% ини ташкил этади¹.

Иккинчидан, ёшлар жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муносабатларда иштирок этиш кўнилмаларининг эндигина шакллананаётган қатлами бўлиб, уларга таъсир кўрсатиш осонроқ кечади.

¹ Каримов И.А. Мамлакатни модернизация килиш ва яктисолиёттамозна барқарор ривожлантириш йўлида Т.16. – Тошкент: Узбекистон, 2008. – 163 б.

Учинчидан, ёшлар жамиятда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг давомийлиги ва барқарорлигини таъминлаб берувчи, унинг истиқболини белгиловчи етакчи куч саналади.

Тўртингчидан, ёшлар жамиятнинг серғайрат, шиҷоаткор, интилувчан ва ташаббускор катлами бўлиб, улар фаолиятини тўғри йўлга кўйиш жамиятдаги ислоҳотларни янада демократлашишига сабаб бўлади.

Кўриниб турибдики, ёшлар жамият ҳаётида ўзининг муҳим ўрнига эга ва ўз тақдирни ҳақида қайгурадиган ҳар бир миллат, аввало, ёшлар масаласига алоҳида эътибор қартиши табиий. Шунинг учун ҳар миллат ва ҳар бир давлат ўз ёшлари ижтимоий қиёфасининг шаклланишига бефарқ бўлмаган. Ҳозирги кунда ҳам ёшлар турли соҳалардаги тадқиқотларнинг объектига айланниб бормоқда. Уларнинг ҳаёти, фаолияти, ахлоқийлик даражасидан тортиб то муомала одоби ва кийиниш маданиятигача деярли ҳар ерда қизғин муносабат билдирилмоқда. Айниқса, ёши катталар ҳозирги ёшларнинг ҳаёт ва фаолият тарзига танқидий нигоҳ билан боқиб, уларнинг хатти-ҳаракатларини тушунишга уринадилар. Ёшдаги тафовут ва қадриятларнинг қайта баҳоланиши ҳозирги замон ёшларини аксарият катта ёшлилар нигоҳида бир оз салбий тусда намоён этмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилганлар, шубҳасиз, ёшларнинг характеристида, уларнинг маънавий-ички дунёсида шаклланган фазилатлар бўлиб, ёшларимиз ўзларининг шу жиҳатлари орқали дунёда ўзбек миллатини намоён этмоқдалар. Бу фазилатларни ёшларимизда янада кенгрок ривожлантириш ва тўғри йўналтириб бориш баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Бобга онд хулосалар

Биринчидан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга имконият берувчи ва тўқсинглик қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш долзарб хисобланади. Шу билан бирга ёшларни ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш мамлакатда ёшлар сиёсатининг энг муҳим қисми бўлиб, жамиятда ёшларга яратилаётган барча имконият ва шарт-шароитлардан ёшлар

унумли фойдаланиши келажакда ёшларни баркамол инсонлар бўлиб
етишишида катта аҳамият касб этади.

Иккинчидан, мамлакатдаги уюшмаган ёшлар кайфиятлари ва уларнинг
ислоҳотлар жараёнларига нечоғли тортилганлиги, уларнинг жамиятдаги ўз
ўрнини белгилашга қаратилган хоҳиш ва истаклари нуқтаи назаридан ўзига хос
икки турдаги қарама-қарши вазият ва хусусият тадқиқот жараёнида ўзини
ёркин намоён этади: - янгилик ва модернизация килиш жараёнларига
камарбасталик, улар моҳиятини чукур англаш, ислоҳотлар мақсад ва
мазмунини кўллаш, янги муносабатларга интилиш, изланиш, ўз ижтимоий
овозига эга бўлиш учун ҳаракат, ўзига ва идрокига ишонч, ўз салоҳиятини
жамият тараққиёти учун сарфлашга тайёрлик, шахс сифатидаги комилликка
интилиш, ўз тараққиётини жамият ривожи билан боғлаш, бунёдкорлик
ишларига тайёрлик, очиқ назар билан қараш ва соф кўнгиллилик; - ёшлар
ўртасида бефарқлик, бошқарув тизимларига ишончсизлик, барча нарсани мен
учун давлат яратиб бериши лозим деган асосга қурилган бокимандалик
кайфияти, ёт гояларга нисбатан берилувчанлик, зиддиятларга мойиллик, ўз
ижтимоий ҳолатидан норозилик, бирон ишга яроқсизлик, ўз келажагига
ишончсизлик, конфликт вазият ва ҳолатлардан чиқиб кета олмаслик, мана
шундай ҳолатларни ўзи яратиш, қонунларни билмаслик, билимсизлик,
тушкунлик.

Учинчидан, ёшлар ўртасида таълим, меҳнат, маданият, қонунларга
бўйсуниш, янги демократик тамойилларни англаш ва қабул қилиш, ижтимоий
ва сиёсий онг, дин ва демократик жамият мувозанатига нисбатан турлича
муносабат ва қарашлар ҳам мавжуд. Мазкур вазиятнинг мураккаблиги ва
турличалиги, айниқса унинг қарама-қарши томонлари, ёшлар ўртасида
тарғибот ва ташвиқот фаолиятини янада кучайтириш, унинг омма онгига
таъсирчанлигини ошириш лозимлиги, бунда эса ёшлар ташкилотларининг
масъулияти нечоғлик юқори эканлиги кўзга ташланади. Шу боисдан ҳам
ёшларнинг жамият тараққиётидаги фаолиятларига йўл очиш ва уни таъминлаш
учун уларнинг ўзларицаги фаоллик, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар

жараёнларига камарбасталик, ислоҳотларга ишонч, демократик қадриятларнинг абадийлигига суюниш фазилатларини тарбиялаш ҳамда ёшлиарнинг янгиликка интилиши, ташаббускорлиги, эркин бозор иқтисодиётига тез кўниши, янги йўналишларни қўллаб-кувватлаши каби мавжуд юқори савиядаги ва ижобий йўналтирилган салоҳиятидан ўз вақтида холис ва рағбат асосида фойдаланишга эришиш, ёшлиар ташаббусларининг «чўкиб» қолишига йўл қўймаслик мухим хисобланади.

ПІ БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИ УЮШМАГАН ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ ВА БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

3.1. Жамиятни модернизация қилиш жараёнида уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллигини таъминлаш муаммолари ва уларнинг меҳнат муносабатларидағи ечимлари

Модернизация – жамият ҳаётини саноатлаштириш ва илмий-техника ютуқларини ўзлаштириш билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий янгиланишлар йигиндисидир. «Модернизация» атамаси инглиз тилидан таржима қилинганда замонавийлаштириш, анъанавийликдан замонавийликка ўтиш деган маънени англатади. Шунингдек, бу тушунча жамият тараққиёти давридаги барча ижобий ўзгаришлар ва янгиланишлар синоними, замонавийликка эришиш босқичи сифатида, шунингдек у анъанавий жамиятлар индустрисал ривожланган прогрессив жамиятларга айланишини ифодалайди. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти таъкидлаганларидек, «Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда авваламбор миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият куриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни хал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласини мухим принципиал ва халқилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммага аён»¹.

Модернизация назарияларида «анъана» ва «замонавийлик» тушунчалари асосий, негиз категориялар бўлиб қолди. Анъана замонавийликка нисбатан муайян мослашувчанликни, мослашувчанлик имкониятларини акс эттирибина қолмасдан, модернизациянинг ўзига хос миллий шаклларини ҳам намоён этади.

Модернизация концепцияларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистондаги яратилган модернизация жараёнининг концептуал жиҳатлари

¹Каримов И.А. Асосий мақсадимиз-юртимизда эркин ва обод, фаровон хаёт барпо этиш Йўлни қатъият билан давом эттиришдир/халқ сўзи.2007 йил 8декабрь

замонавий модернизация концепцияларига ҳамоҳангдир. Чунки Ўзбекистонда нафакат ривожланган мамлакатлар тажрибаси жорий қилинайпти, балки ўз анъаналари ҳамда миллый қадриятлари асосида демократик ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистонда бу жараён глобаллашув таъсирида маънавий инқирозларга олиб борилмаслиги учун барча ишлар амалга оширилди.

Жамиятни модернизация қилиш жараёнида уюшмаган ёшлар ижтимоий фаолигини таъминлаш, ҳуқуқий онгини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш, иқтидорини ривожлантириш, ахборот хуружлари ва носоғлом мухитдан ҳимоя қилиш — булар юртимиздаги ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари сирасига киради. Мамлакатимиз аҳолисининг асоси бўлган ёшлар жамиятни илгор тажрибалар асосида модернизациялаш масъулиятини ўз зиммасига олиш имконига эгадир. Бу масъулият келажак авлод ҳақида қайгуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаш мишлий ҳусусият бўлиб, бугунги демократик ўзгаришларнинг бориши, туб ислоҳотларнинг кечиши, ёшларнинг тақдирни, ёшларимизнинг маънавий-маърифий дунёқараш ва салоҳияти, маданий-техник даражасига боғлиқ бўлиб қолади. Шу боисдан ёшларнинг кайфияти, ижтимоий-сиёсий қараш ва мўлжаллари ижтимоий-маданий тараққиётнинг тақдирини белгилаб беради. Жамиятни янада демократиялашуви ёшларга бўлган сиёсатда бир қатор янги ижтимоий технологияларни кўллашни талаб этади. Фикримизча, ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалдаги қонунчиликни янада тақомиллаштириш эҳтиёжи мавжуд деб ўйлаймиз. Чунки, ўтган аср ёшлари билан янги асрнинг ёшлари ижтимоий-маданий жиҳатдан тубдан фарқ қилмоқда. Замонавий ёшларда катталарга нисбатан ижтимоий — иқтисодий, сиёсий-маданий воқеликни тез англаш ва унга мослашиш енгил кечади. Зоро катта авлод яшаган мафкуравий ва ижтимоий мухитта нисбатан ҳозирги ёшлар демократия ва либерал турмуш тарзи даражасига эришди. Бу ҳол ижтимоий барқарор тараққиётга эришиш учун масалани кенг миқёсда фаол ўрганишни тақозо этади.

Жамиятни модернизация қилиш жараёнида уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллигини таъминлаш муаммолари ва уларнинг меҳнат муносабатларидаги ечимларини топиш жараёнини шартли равишда: ижтимоий, иктисодий, мънавий-маърифий ва ташкилий бошқарув соҳаларидағи омилларга ажратган ҳолда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки айни шу йўналишдаги муаммоларни ўрганишга тизимли, изчил ва чуқур ёндашиш, унга масъул бўлган ваколатли субъектларни мақсадли йўналтириш жараёнида юзага келган муаммоларнинг ечимига топишга хизмат қилувчи илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши долзарб масалалардан ҳисобланади.

Модернизация жараёнлари жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олиши билан характерланади. Мазкур жараёнларнинг асосида уюшмаган ёшларни ижтимоий фаоллигини ошириш ва бандлигини таъминлаш ётади. Модернизация жараёнини амалга оширишдан мақсад ёшларга бўлган муносабатни ўзгартириш, янгиланиш, анъанавийликдан замонавийликка ўтиш, ривожланишда юкорироқ босқичларга эришишdir. Миллий гоя ва ривожланишимизнинг моделини интеграцияси модернизация жараёни учун назарий-методологик, амалий ва регулятив вазифани бажаради. Пировард натижада мамлакатимизнинг ривожланиши янада юксак погоналарга кўтарилиши учун кенг имкониятлар яратилади.

Жамиятни модернизация қилиш жараёнида уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллигини таъминлаш муаммолари ва уларнинг меҳнат муносабатларидаги ечимлари асосан қўйидагилар билан характерланади:

1. Ижтимоий вақтни ўсиш суратини ошиши, унинг натижасида инсон ҳаётининг темпи ва ҳаёт фаолиятининг тезлашиши рўй бермоқда. Бу ўз наебатида жамиятда рўй берадиган илмий-техник тараккиёт ва янги ахборот тизимларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Аммо шуни алоҳида қайд этиш лозимки, кўплаб мамлакатларда мъалум бир одамнинг ҳаёт фаолиятида сусайиш кузатилмоқда, ижтимоий кассаликлар тез тарқалмоқда. Буниниг исботига СПИД касаллигини олиш мумкин.

2. Жаҳон ҳамжамият фаолиятида макон билан боғлиқ алоқаларни

кучайиши, яъни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий жараёнларни мақсадли интеграцияси заруриятини тақозо этмокда. Ягона макон, яъни давлатлар, маданий бирлашма ва қатламлар ўртасида тафовутларни бартараф бўлишига олиб келмокда.

3.XX аср инсониятга жуда кўп жтимоий бўхронлар олиб. Уларни олдин билишини умуман иложи бўлмаган. Бугун жаҳон ҳамжамиятида янгича маънавий ҳамкорлик шаклланди. Энди жаҳон цивилизацияси тақдирни ҳақида қайгуришнинг янги босқичи бошланди. Ижтимоий тафаккурнинг янги типи шаклланди, буни инқизорзга қарши тип деб аташ мумкин. Қисқаси инсон муаммоси яна бир бор тарихда биринчи ўринда кўйилмокда. Ҳозирги давр илмий майдонида гуманитар фанларга қизиқиши ортириш, инсоншунослик муоммоларини ўрганишга эътиборни кучайиши юқоридаги омиллар билан боғлиқ.

Жамият бошқарувини модернизациялаш жараёнида ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш биз қураётган демократик ҳукуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ёшларимиз онги ва қалбига руҳий яқинлигини таъминлайди, қолаверса социоантропоцентризм гоясига асосланган Farb демократиясига ҳар қандай вазиятда қарши тура олади. Иккинчидан, ҳар бир давлат ўз тараққиёт йўлини белгилашда миллий менталитетидаги асосий хусусиятларни, ундаги фазилат ва иллатларни мукаммал ўрганиш ва чиқарилган хulosаларга таяниб миллий идентификация асосида демократик тамойилларни ишлаб чиқиш зарур. Айтиш жоизки, миллий идентификация ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига – иқтисод, сиёсат, маданият, турмуш ва оиласидан муносабатларга бевосита кучли таъсир кўрсатиб туради. Ўзбекистонда ҳам ёшларга оид сиёсатга давлат ва нодавлат секторида зътибор қаратилади ва мамлакат сиёсати йўналишида белгилаб берилган вазифалар давлат кўмаги асосида нодавлат секторларда амалга оширилади. Нодавлат ва нотижкорат ташкилотлар, жамғарма ҳамда ўзини-ўзи бошқарув органлари фаолиятининг ўзаро мутаносиблиги гарб амалиётидаги каби умуммиллий, ҳудудий шароитларда яхлит механизм асосидаги фаолияти йўлга қўйилиши ёшларнинг жамиятнинг ҳал қилувчи кучи

сифатида тарбиялашга замин ҳозирлайди. Бу борада Ўзбекистон Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар Иттифоки фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил қилинган Ўзбекистон ёшлар Иттифоки фаолияти масаланинг туб моҳиятини англаган ҳолда ёшлар ижтимоий қатламиининг барча гурухлари, хусусан уюшмаган ёшлар билан мақсадли ишлашда етакчи ролни бажариши лозим бўлади¹. “Балки, уюшмаган ёшларнинг пайдо бўлишига отоналар жисмоний толиқиб келганилиги боис чарчашиб нималигини билмайдиган фарзандлари билан бирга “сифатли вақти”ни ўтказа олмаётгани, афсуски, оила аъзоларининг уйга ва бир-бирига тегишилилук ҳисси йўқолиб бораётгани сабабдир”².

Жамият бошқарувини модернизациялаш ҳам миллий хусусиятларимизга асослансанагина у самарали бўлади. Чунончи, жамиятни модернизациялашда, бир томондан, ҳалқимизнинг босиклиги, сабр-тоқатлилиги, тинчликларварлигини, иккинчи томондан, ҳалқимиз феълидаги феодал-патриархал муносабатлар асоратлари, мансабдорларнинг якка ҳокимликса интилиши, фуқаролар феълидаги катта-кичик мансабдорларга тобелик, шахсга сигиниш каби асоратлар мавжудлиги эътиборга олинмоғи шарт. Айни вактда, миллий идентификация талабларини сустеъмол қилиш, уни мутлоклаштириш, шахсий, гурухий манфаатларга бўйсундиришга интилиш жамиятнинг ривожи учун зарарли ва хатарлидир.

Шу ўринда таъкидлаш зарурки, миллий идентификация ижтимоий фанларда ҳозиргача ўз аҳамиятига яраша илмий тадқиқ этилган эмас. Тарғиботларда эса мақтاشдан нари ўтилгани йўқ. Миллий идентификация ҳалқимизнинг кўп асрлик тарихининг онгимиз, феълимиздаги мухридир. У суюк-суягимизга, қон-қонимизга сингиб кетган, дунёкарашимиз, имон-эътиқодимизга айланиб кетган урф-одатларимизда намоён бўладиган

¹ Ҳакназаров Х.Д. Ўзбекистон ёшларининг кундалик турмуш тарзи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2019. – 14 б.

² Тимати Ж. Уинтер (Абдуллоҳам Мурод). XXI асрда ислом. Постмодерн дунёда қиблани топиш. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б.103–104.

ҳодисадир. Ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихи, яшаш мұхити, хұжалик фаолияти бор. Айнан ушбу омиллар ёшларни айниңса уюшмаган ёшларни тарбиялашда мұхим ақамият касб этади. Бу вазифаларни амалта ошириш учун зса ёшлар онги ва қалбида аждохларимиз хотирасыга садоқат рухини шакллантириш баробарида улар қолдирған миллій мерос ва маънавий-ахлоқий қадриятларни нафақат ўрганиш балки, уларнинг хақиқий ватанпарвар ижрочиси бўлиш талаб этилади. Шунингдек, мамлакатимизда демократик-хукуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ривожлана бориши ҳамда бозор муносабатларининг чукурлаптуви билан бирга ривожланишнинг янги босқичига мос ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларда давр талабларига хос замонавий тафаккурни шакллантириш масаласи янада долзарблашиб бораёттанидан далолат беради. Бундай серқирра ва мураккаб жараёнда ёшларга оид сиёсатни изчил амалта оширишнинг самарали йўллари ва усуулларини излаб топишнинг долзарблити мамлакатимизда янги жамиятининг шаклланиши, унинг таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ ҳолда такомиллаптуви, ёш авлоднинг маънавий, ахлоқий, сиёсий, эстетик, хукуқий қарашларининг замонга мос тизими таркиб топиши сингари вазифаларни амалта ошириш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан янада мұхим ақамият касб этмоқда.

Ш.Р.Фофуров томонидан мамлакатимизда уюшмаган ёшлар сони ортишининг олдини олиш ва ёшлар орасида уларнинг уюшмаган қатламини қискартиришга эришиш мақсадица қуидаги чора-тадбирлар таклиф этилган:

уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича маҳсус жамғарма ташкил қилиш;

уюшмаган ёшларга қисқа муддатда хунар ўргатувчи марказлар фаолиятини йўлга қўйиш орқали уларни уста-хунармандларга биринтириш ва бу борадаги ишларни мониторинг қилиб бориш;

ёшлар орасидан лидерлик хусусиятига эгаларини танлаб олиш, улар билан индивидуал ишлаш, уларнинг лидерлик хусусиятидан уюшмаган ёшларни ижтимоий фойдалы фаолият билан шуғулланишга жалб қилишда фойдаланиш;

хар бир маҳаллада Ёшлар иттифокининг уюшмаган ёшлар билан ишлашга масъул ходими бўлишини ташкил этиш;

мехнат ярмаркаларини корхона, муассаса, ташкилотларда эмас, маҳаллаларда ўтказилишини тизимли равишда йўлга кўйиш;

уюшмаган ёш аёлларни тиқувчиларга биритириш, уларга бичиш, тикишни ўрганишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш¹.

Бутунги жамият ўз олдига мустакил фикрловчи эркин шахсни шакллантириш вазифасини қўймокда. Бу ўз қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга зга бўлган инсонларни тарбиялаш деганидир. Шундагина онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам мухим ва долзарб аҳамиятта зга булиб келган. Аммо биз яшаетган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда»², деган эди. Шу боисдан хориждаги айрим сиёсий кучлар ҳам жамиятимизнинг истикболи бўлган ёшларимизни ўз таъсирига олишга уринаётган айни замонда таълим-тарбия тизимимизни, жумладан, ижтимоий-гуманитар фанлар, ҳусусан, фалсафа фани назарини ёшларга қаратишимиш, уларнинг муаммолари, ўй-ташвишларини билиб, ёшлар сиёсатини илмий асосга кўчиришимиз юкорида таъкидланган ижобий натижаларга олиб келиши муқаррардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июнданги ёшлар билан булиб ўтган учрапувида кўтарилган долзарб масалалардан келиб чиқиб, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида 2 та конун ва 16 та қонунисти ҳужжатлари қабул қилинди. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самараадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоки фаолиятини кўллаб-кувватлаш тўғрисида» ги

¹ Фофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар ўтасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш (иҷоз ишлар организми фаолияти мисолида). Юридик фашларк бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация авторсиферати. – Тошкент, 2019. – 22-23 бетлар.

² <https://sputniknews.uz.com/analytics/20170703/5736267/Mirziyoyev-yoshlarga-Hukumat-eshilalarini-ochdi.html>

Фармони билан ёшлар масалаларига оид 70 га яқин норматив-хукукий хужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та фармони, 4 та қарори ва 1 та фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14 та қарори ва 3 та фармойиши қабул қилиниши ёшлар сиёсати соҳасидаги ислоҳотларнинг тизимли, босқичма-босқич амалга оширилишига хукукий замин яратди. Булардан маълум бўладики, мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсати ҳар доим даврнинг долзарб масалаларига зътибор қаратиш ва жамият тараққиётидаги муаммолар можиятини англаш билан узвийликда ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари ёшлар масалалари хусусида фикр билдирап экан, ўз зътиборини соғлом авлодни тарбиялашнинг давлат тараққиёти учун аҳамияти, ёшларнинг ижтимоий ўсиши ва ривожланиши учун қулай ижтимоий-иктисодий имкониятлар яратиш зарурияти, ёшларда умуминсоний ҳамда миллий қадриятларни тарбиялаш мезонлари, мамлакат мустақиллигини асраб-авайлап, давлатнинг келгуси такомили учун ёшлар куч-гайрати ва салоҳиятини сафарбар этиш, ёшларни фуқаро сифатида тарбиялаш ва уларнинг ватанни муҳофаза қилиш йўлидаги муқаддас бурчи, спорт билан шуғулланишлари учун керакли инфраструктураларни ташкил қилиш, мамлакат салоҳияти ва қудратини бутун жаҳонга тараннум этиш каби ўнлаб долзарб йўналишларга қаратди. Айнан улар Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг бош мезонлари, назарий ва амалий жиҳатларини белгилаб берди. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшайдан XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда»¹, деб таъкидлайди.

Демократик жамиятнинг бош тамойиллари - халқнинг, шу жумладан ёшларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин намоён этиши, фуқароларнинг тенг

¹ Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий стук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва сунгчимиздир / «Халқ сўми» 2017 йил 1 июль.

хукуқлилиги, инсон хукукларининг устуворлиги, инсон салоҳиятини бунёдкорлик ишларига сафарбар этилиши кабилар ҳисобланади.

Мамлакатимизда уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизимини такомишлиштириш, уларнинг маънавияти, хукуқий онг ва маданиятини юксалтириш, оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали уларни доимий назоратга олиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш механизмларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир қаторда, уюшмаган ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган энг муҳим инновацион ғоя ва ташаббусларини ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш, бу борада стартап ғояларини рағбатлантириш, уларни тадбиркорлик ва фермерликка фаол жалб этишга қаратилган ташкилий-хукукий шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, уюшмаган ёшлар ўртасида учраётган салбий ҳолатларни бартаraf этиш мақсадида хукукбузарлик ва жиноятчиликни кескин камайтиришга қаратилган профилактик ишлар самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ёшларга доир давлат сиёсатида замонавийлик ва у асосидаги модернизация у ёки бу жамият тарихий ривожланиш қонуннятлари билан мослаша олсагина, ўз ўрнини топади. Бу йўналишдаги «ворисийлик» тушунчаси остида аввалда бўлган, аммо ҳозирда ҳам аҳамиятини йўқотмаган, бутунлай воз кечилмаган қарашлар, интилишлар, мақсад-муддаолар ва объектлар бирлигини тушунамиз. Шундай ҳолдагина ҳакиқий ворисийлик шаклланади ва у қай шаклда бўлмасин, барча жабҳаларда ўзида яратувчанлик ва янгиланиш ғоясини мужассам этиб, ҳатто замонавий муаммолар ечими учун ҳам асослар бериши, бунинг ижобий омили бўлиши мумкин. Бунда яна куйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан, мамлакатимизда истиқлол йилларида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан бош мақсад - инсоннинг эрки, шарни, қадр-киммати ва манфаатларини химоя қилиш, шахс салоҳиятини юзага

чиқаришга қаратилған. Бу эса, ўз навбатида, давлатимизнинг ёшларга доир сиёсатида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади, яъни бу сиёсат марказида ёшларнинг ҳақ-хуқуклари, манфаатлари, улар учун зарур имкониятлар яратиш масалалари туради;

иккинчидан, маълумки, ўзининг буюк ўтмиши, ота-боболарининг ўгитлари, миллий-маънавий қадриятлари билан қуролланган инсонни ҳеч қандай ёт ғоя ёки бузғунчи оқимлар ўз йўлига сола олмайди, унинг ишончи, имони ва эътиқодини ўзгартира олмайди. Шундай экан, бутунги ёшларга доир давлат сиёсатида уларда зэгу фазилатларни қалбига жо қилган инсонийлик туйгуси, ғурур, журъат, матонат каби туйғуларни шакллантириш, доимо Ватан ва ҳалқ осойишталиги учун ҳар қандай вазифани адо этишни ўзига шараф деб биладиган авлодни тарбиялаш устувор вазифалар бўлиб қолаверади;

учинчидан, истиқбол йилларида эришилган тажриба шундан далолат берадики, ҳар қандай ислоҳот инсоннинг эҳтиёжлари, манфаат ва мақсадлари билан монанд олиб борилсагина ўзининг муайян самарасини беради. Шу нұқтада назардан, ёшларнинг қизиқишилари ва муддаоларини яхши билиш, улар билан ишлашда ёш авлодга хос миллий-маънавий қадриятлар, ворисийлик ва замонавийликнинг уйғунлаштирилиши давлатимизнинг бу соҳадаги сиёсати ва амалга ошираётган ислоҳотларининг самарасини белгилайди.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, эътироф этиш мумкинки, ўз қонуниятлари асосида, объектив ва табиий ҳодиса сифатида юз берадиган модернизация жамият ижтимоий ҳаётининг сифат жиҳатидан тўла қайта қурилиши жараёни бўлиб, унинг натижасида жамият янада мукаммалроқ ривожланади: иқтисодий қолоқликнинг тутатилиши, ижтимоий - сиёсий барқарорликнинг юзага келиши, янги технологияларнинг кириб келиши ва унинг асосида субъектив омил янги фаолият йўналишларининг шаклланиши юзага келади. Бундай прогрессив жараёнлар эса жамиятда умуминсоний ва демократик қадриятларни ифодаловчи янги маънавий қадриятлар тизимишининг таркиб топишига шароит яратади. Албатта, бундай прогрессив ўзгаришлар ўз навбатида уларни акс эттирувчи ижтимоий онгда модернизация ва

глобаллашувга асосланган янги дунёкараш тизимининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

3.2. Ўюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш муаммоларининг ижтимоий-ҳуқуқий омиллари

Жамиятда ёшлар демографик гурӯҳ сифатида ўз ўрнига эга бўлган. Ёшлар деганда асосан 16-30 ёшлардаги инсонлар тушунилади. Турли тадқиқотларга асосланиб фикр юритадиган бўлсак, ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан бир-биридан фарқланиши ёшнинг «юқори» чегарасини турли гурухларнинг ижтимоий-иқтисодий ва касбий сифатлари шаклланиши давомийлигига қараб аниқлашга уринишни кўриш мумкин.

Жумладан, эмпирик социологик тадқиқотларга таянадиган бўлсак, ёш ишчининг бир касб бошини қатъий тутиши асосан 25 ёшларда амалга ошса, ёш олим 33 ёнда шаклланиб улгуради.¹ Ёшлар ижтимоий-демографик гурӯҳ сифатида ўз мезонларига эга. Бу мезонларга ижтимоий етуклик ва ҳаёт жараёнидаги фаолиятнинг ўзгариши киради. Маълумки ёшлик болалик ва етуклик ўртасида ётувчи маълум бир ижтимоийлашув босқичидир. Шу боисдан ҳам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг «Ҳаракатлар стратегияси»да «Ижтимоий соҳани ривожлантириш» деб номланган тўртинчи йўналишидан келиб чиқиб жамиятимизнинг миллий менталитетига хос бўлган меҳр-муруваттаги кўрсатиш, ижтимоий химоя ва ёрдамга мухтоҷ бўлган шахсларга ёрдам қўлини чўзиш, жамиятимизда инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатни ошириш, локайдликни йўқотиш долзарб масала хисобланади. Болаларни ижтимоий муҳофазасини таъминлаш тизими учун кадрлар тайёрлашда маҳаллий ва ҳалқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик йўлга кўйилган.

¹ Ёшлар социологияси. <http://uz.denemelt.com/docs/768/index-280680-1.html?page=2>

Ижтимоий етуклик – мураккаб жараёндир. Бу етуклик даврида инсон билим олади, касб танлайди ва маълум мутахассисликни эгаллаб ҳаётда ўз ўрнини топади.

Ёшлик даврининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – шу даврда инсоннинг асосий ахлоқий нормалари шаклланади. Ёшлик даврида инсоннинг ҳаёт жараёнида, унинг фаолиятида кескин ўзгариш юз беради. Ана шундай фаолиятлардан бири ёшларнинг ҳар бир давлатда меҳнат ресурсларини мунтазам тўлдириб борувчи демографик замин эканлигидир ва, шу билан бирга, ёшлар янги авлодни дунёга келишида, фарзандлар туғилишида ҳам асосий демографик омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёшларнинг ўз келажагини куриши учун кенг имкониятлар очилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёшларнинг меҳнат қилиш, касб танлаш ва таълим олиш ҳуқуки кафолатланган. Ўзбекистон ҳукумати ёшларга алоҳида зътибор қаратмоқда. Ёш мутахассислар давлат бошқарувининг масъулиятли ишларига кўпроқ жалб этилмоқда. Айниска, иктидорли ёшларга алоҳида зътибор берилиб, уларнинг фаолияти моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватланмоқда. 2017 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПФ-5185-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурӣ ислоҳотлар концепцияси давлат бошқарувини, шунингдек, ижро ҳокимиятини модернизациялаш, уни янги замон талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Концепцияга кўра, давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг 6 та асосий йўналишлари белгиланди ҳамда маҳсус «Йўл харитаси» асосида 100 дан ортиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш белгиланди. Биргина 2017 йилнинг ўзида давлат бошқаруви тизимида янги замонавий ғояларни татбиқ этиш максадида Ўзбекистон Республикаси ижро этувчи ҳокимияти тузилмаси қайта кўриб чиқилди, 18 та вазирлик, идораларнинг вазифа ва

функциялари такомиллаштирилди, 24 та давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар қайта ташкил этилди¹.

Иш билан бандлик муаммоси бевосита ҳудуддаги демографик жараёнлар билан боғлиқ. Чунки Ўзбекистон дунё миқёсида аҳолиси энг ёш давлатлардан бирин ҳисобланади ва республикада аҳолининг ўртача ёши 24 ёшга тенгдир. Бу ҳолат эса мамлакатнинг улкан меҳнат потенциалига эга эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолиси сони 34 млн. кишидан ортиқ бўлиб, уларнинг 54,0% га яқини қишлоқ жойларда истиқомат қиласди. Мамлакат жами меҳнат ресурсларининг 52,1% кисми айнан қишлоқ жойлар улушкига тўғри келади ва уларнинг сони 17 млн. кишидан ошади. Бу ҳолат эса XXI аср бўсағасида меҳнат заҳиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажralиб турадиган одамлар кўпчиликни ташкил этишига имкон беради. Лекин шунга қарамай, бугунги кунда республикада мавжуд меҳнат потенциалидан самарали фойдаланмаслик ҳолати мавжуд. Юртимиз аҳолиси орасида мавжуд ишсизларнинг 68,0% га яқини бевосита айнан қишлоқ аҳолиси хиссасига тўғри келишини инобатта оладиган бўлсақ, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик ҳолатини тармоклар ва секторлар бўйича таҳлил килиш шуни кўрсатадики, уларнинг катта кисми қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноати, курилиш тармокларида ёки ёлланма асосдаги бир марталик, мавсумий ва вактинча меҳнатда бандлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Бугунги даврда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш лозим бўлган шароитида мамлакатимизнинг аҳолисининг асосий кисми қишлоқ ҳудудларига тўғри келишини инобатта олиб, кўп миллионли қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлаш зарурияти туғилмоқда. Бу масала шуни кўрсатадики, аҳолининг мавжуд меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш муаммоларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ этиш долзарб муаммодир. XX аср сўнгги чорагига келиб, кўплаб ривожланган давлатларда ёшларга доир смёсат мустакил фаолият йўналишига айланди,

¹ 2017 йил – шиддатли ислохотлар йили. – Тошкент: "Адолат", 2017. – Б.10.

унга доир умуминсоний тенденциялар ва устиворликларни белгилайдиган халқаро ҳужжатлар қабул қилина бошлади. Хусусан, 1985 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Самарали ёшлар сиёсатини шакллантиришнинг асосий қондлари тўғрисида»ги резолюция ана шу жараённинг яққол мисолидир. Жаҳон мамлакатларининг миллий манфаатлари ва тараққиёт тамойилларига мос ёшлар сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган ва энг умумий халқаро меъёrlар белгилаб берилган ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши, бир томондан унинг миллий даражада қўлланилиши учун асос яратди, иккинчидан эса, мазкур жараённинг умуминсоний цивилизация тараққиёти учун ниҳоятда муҳимлигини яна бир бор намоён қилди, дейиш мумкин.

Ўзбекистоннинг айнан ўша даврда истиқлолга эришиши, ҳаётнинг барча соҳалари қатори, бу борадаги ислоҳотлар ва янгиланишлар учун кенг имконият яратди, ушбу йўналиш давлатимиз сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айланди. Бу борада биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг мустақилликнинг ilk даври ниҳоясида билдирган қуйидаги фикри ёшларга оид давлат сиёсатининг энг асосий мақсад-муддаолари ва устивор йўналишларини аниқлаш ва англашда ниҳоятда муҳим назарий хulosaga бўлиб ҳисобланади: «...ёш авлодимизнинг қалби ва онгини асрар, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, фарзандларимизнинг дунёда рўй берадиган сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмуни ва асл сабабларини чукур англаши, ўз атрофида содир бўлаётган воҳеалар ҳакида ҳақоний маълумотларга, энг муҳими, ўз мустақил фикрига эга, содда қилиб айтганда, оқни корадан ажратишга қодир бўлишига эришиш таълим-тарбия ва маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий шарти ва мезони бўлиши даркор»¹.

Ушбу хulosага асосланиб ва ўша давр талабларидан келиб чиқиб, юртимизда ёшлар муаммосига алоҳида аҳамият қаратилди, уларнинг

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва баркарор ривожланшини тъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2009. Т.17. – Б.131.

манфаат ва эҳтиёжларини таъминлаш учун кент имкониятлар яратишга киришилди.

Шу муносабат билан, мамлакатимиз тараққиётининг илк давридаёк, яъни 1991 йилнинг 20 ноябрида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани асло бежиз эмас. Қонунда давлатимизнинг ёшлар масаласига доир стратегик йўналишлари изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириш йўллари ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилган эди.

Буларнинг барчаси ушбу қонуннинг 25 йил, яъни у қабул қилинган 1991 йилдан, бу борада янги қонун қабул қилинган 2016 йилгача самарали амал килишини таъминлади. Айнан ана шуни назарда тутган ҳолда, мустакилликка эришган собиқ иттифоқ республикалари ичida биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда қабул қилинган ушбу тарихий ҳужжат, бу борада ҳам бosh ислоҳотчи бўлган давлатимизнинг ёшлар масаласига доир сиёсатининг энг асосий ва устивор йўналишларини белгилаб берган эди, дейиш учун барча асослар бор.

Мазкур қонунда уша даврдаёк, ёшларнинг таълим олиши, ҳалқаро алоқаларда иштироки муҳофаза килиниши, вояга етмаганлар билан ишлаш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш масалалари хусусида баъзи меъёрлар белгилаб олинди.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йиллари, барча босқичлар давомида бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди, ёшларга доир давлат сиёсатининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва айниқса, ҳукукий асослари мустаҳкамлаб борилди. Хусусан, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча фуқароларга тааллуқли меъёрлар билан бирга, айнан ёшларга тегишли бўлган қондалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳукуқлари ва эркинликлари, фаолият кафолатлари ҳам белгилаб берилган. Жумладан, «Ҳар ким билим олиш ҳукуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат

назоратидадир» (41-модда), «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг хукуклари давлат химоясидадир» (45-модда), «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар» (64-модда), «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (66-модда), «Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш хукукига эгадирлар» (117-модда) каби меъёрларнинг белгилаб кўйилгани бунинг яқол исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги XI сессиясида «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда «Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларга кўра, Республикаизда ёшларга доир шаклланган сиёсатнинг мазмуни шундан иборатки, биз барпо этаёттан кучли фуқаролик жамияти қуриш вазифаларини амалга оширишни уларсиз тасаввур этиш қийин. Айнан, ёшларимизда бу вазифаларнинг ижтимоий мазмунини англаш қанча юқори бўлса, уларнинг мамлакат олдидаги масъулиятини идрок этиш ҳам шунча ортиб боради. Бу соҳада ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратилиши миллий давлатчилигимиз тарихидаги энг катта ютуклардан биридир.

Бошқа соҳалар қатори, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида қўлга киритилган натижаларни сарҳисоб қилиш учун асос бўлган тараққиёт босқичларини тўрт даврга бўлиб ўрганиш мумкин.

Миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, тараққиёт модели ва ривожланиш тамойиллари, жумладан ёшларга доир сиёсат йўналишлари белгилаб олингани билан боғлик биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимизда инсон, хусусан ёшлар манфаатлари ва эркинликларини устивор тамойилга айлантириш борасида улкан из қолдирган том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган ўтиш давридир.

2001 йилдан кейинги йилларни, яъни «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ишлаб чиқилган 2010 йилгача даврни ўз ичига олган иккинчи босқич – инсон ва унинг манфаатлари ҳётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва улкан бунёдкорлик ишларининг асосий мезонига айланган, ёшлар сиёсати соҳасида ҳам фаол демократик ўзгаришлар, жамият ҳётининг барча соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим аҳамият касб этган даврдир.

Учинчи босқич, 2010 йилдан, яъни «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ишлаб чиқилиб, ҳётта жорий этила бошланганидан 2016 йил охирларигача бўлган даврни қамраб олади. Юртимизга Ислом Каримов раҳбарлик қилган бу даврларнинг ҳар бири юртимиз ҳётида, ҳалқимиз тараққиётida ва хусусан, ёшларга доир сиёсатда ниҳоятда муҳим хужжатлар қабул қилингани ва кенг қамровли амалий ишлар олиб борилгани билан тавсифланади.

Тўртинчи босқич 2016 йилнинг охирдан, мамлакатимизга Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлик қилаётган ҳозирги даврдан иборатдир. Айнан ана шу давр ёшларга доир давлат сиёсатининг асосий тамоийлари Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган ва мамлакатимиз тараққиётининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясига таянади. Давлатимиз раҳбари томонидан асосий йўналишлари белгилаб берилган Ҳаракатлар стратегияси ҳётимизнинг барча соҳалари каби, ёшларга доир давлат сиёсатини амалша ошириш борасидаги ишларимиз учун муҳим ривожланиш дастури, фаолиятимиз дастуруламали эканлиги шубҳасиздир.

Истиқлол йиллардаги дастдабки босқичларга хос ҳолатни таҳлил қиласынан миз, ўша даврлардағы давлатимизнинг ёшларга доир сиёсатининг ўзига хос таянч тамойиллари белгилаб олинганлыгини күрамиз. Бу нұктадан назардан, фуқаролик жамияти сари демократик принциптернің амалға ошириш орқали илдамлаётган давлатимиз учун юртимизда «Кучли давлатдан кучли жамият сари» концептуал сиёсий дастур вазифаларини изчилилік билан амалға оширишда ёш авлоднинг ислоҳотларни амалға оширишда фаол иштирок этишига муҳим зътибор берилди.

Республикамиз мустақиллікка эришганидан кейинги йилларда жамиятимиз ҳәётининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларида туб ислоҳотлар амалға оширилди, кенг кўламли янгиланиш ва ўзгаришлар рўй берди. Демократик ислоҳотлар, бошқарув муносабатларини тартибга солиш, «инсон-жамият-давлат» тамойилини амалға ошириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш гоялари билан сугорилган ушбу жараённинг негизида инсон омили, унинг мақсад ва интилишларини рўёбга чиқариш, ҳар бир кишининг, айниқса шларнинг юксак даражада камолга етиши билан боғлиқ гуманистик амойиллар ётади.

Ушбу йўналишда жаҳон ҳамжамияти зътироф этаётган ва ҳалқимизнинг бош стратегик мақсади қатъий ва ўзгармас бўлиб, бу - бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шаҳллантиришдан иборат жараённинг узлуксилиги ва орта қайтмаслигидир. Мазкур жараённинг изчилилги ва ҳәётийлигини таъминлаш мақсадида, истиқлолнинг ilk давриданоқ, ҳалқимизнинг туб манбаатларидан келиб чиқиб, бу йўналишда унинг тарихи, урф-одатлари, қадриятлари ва менталитетини ўз ичига бирлаштирадиган янгиланиш ва ворисийлик тамойиллари етакчи мезолардан бири сифатида белгилаб олинган эди.

Юртимизда 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегияси асосида олиб борилаётган бундай кенг қамровли фаолият, бир томондан, мамлакатимиз ҳәётини ҳалқимизнинг тарихи ва маънавий қадриятлари асосида

ислоҳ қилиш имконини яратмоқда, иккинчи томондан эса, замонавий тафаккурга эга, жисмонан соғлом ва мъянан баркамол авлодни тарбиялаш сиёсатининг самарали амалга ошишининг мустаҳкам замини бўлмокда.

Шу билан бирга, жаҳон тажрибасига кўра, бугунги дунёда демократик тараққиёт йўлини таңлаган ҳар қандай мамлакат баркамол авлодни шакллантириш, ёшларнинг муносиб таълим-тарбия олиши, жамият учун муносиб кадрлар бўлиб етишиши каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратиши табиий. Зоро, ҳаётнинг барча соҳаларида тараққиётни таъминлаш ва келажакни шу асосда қуришда ёшларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёслиги маълум.

Худди шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлагани каби, «Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллагани табиийдир. бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оиласлар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича ишларни янги, юксак босқичга кўтариш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.¹ Ўз навбатида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бозор муносабатлари чукурлашуви, демократик-хукукий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ривожлана бориши билан бугунги ижтимоий ривожланишнинг янги босқичига мос ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларда давр талабларига хос замонавий тафаккурни шакллантириш масаласи янада долзарблашиб бораётганидан далолат беради.

Бундай серқирра ва мураккаб жараёнда ёшларга оид сиёсатни изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усусларини излаб топишнинг долзарблиги мамлакатимизда янги жамиятнинг шаклланиши, унинг таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ ҳолда такомиллашуви, ёш авлоднинг мъянавий, ахлоқий, сиёсий, эстетик, хукукий қарашларининг замонга мос тизими таркиб

¹ Ш.М. Мирзиёев Конуқ устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрг тараққиётни ва ҳалқ фаровонлагининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 22-бет.

топиши сингари вазифаларни амалга ошириш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан янада мухим аҳамият қасб этмоқда.

Кейинги йилларда ёшлар сиёсати, уларнинг таълим-тарбиясига боғлиқ кўтлаб илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида ёшларни янгиланиш ва ворисийлик тамойиллари асосида тарбиялаш, уларни тарихийлик ва замонавийлик анъаналарини яхши англайдиган кишилар қилиб етиштириш, шахс сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш масаласи ушбу соҳадаги фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида мамлакат келажаги ва тараққиётини кўп жиҳатдан белгилаб беради ҳамда шу аснода, ёшларнинг ҳар томонлама салоҳиятли бўлиб тарбияланиши, уларнинг муайян қасб-хунар ёки соҳанинг устаси бўлиши учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Айни пайтда, ёшларнинг замонавий тафаккурини таъминлаш, бу борадаги муаммолар ва ечимларни ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш мухим аҳамиятга эга. Зеро, жамиятга янгиланиш ва ворисийлик муносабатлари ўзаро мувозанат асосида курилсагина, бунда унинг барқарор ривожи кузатилиши мумкин. Ворисийлик бу - эскилик, ортда қолганлик, деб қарашлардан воз кечиши лозим, чунки айнан ворисийлик замонавийлашув ривожи учун том маънода асос, негиз бўлиб хизмат қиласи. Ҳар бир ворисийлик замонавийликка шарт-шароитлар яратиб бериш билан бир қаторда, унга хос бўлган хусусиятларнинг шаклланишини, ўзаро мослашувини таъминлаб берувчи асосий ускуртма эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Чунки замонавийлик жараёни трансформация жараёнининг бирдан-бир натижаси эмас.

Ёшларга доир давлат сиёсатида замонавийлик ва у асосидаги модернизация у ёки бу жамият тарихий ривожланиш қонуниятлари билан мослаша олсагина, ўз ўрнини топади. Бу йўналишдаги «ворисийлик» тушунчаси остида аввалда бўлган, аммо ҳозирда ҳам аҳамиятини йўқотмаган, бутунлай воз кечилмаган қарашлар, интилишлар, мақсад - муддаолар ва обьектлар бирлигини тушунамиз. Шундай ҳолдагина ҳақиқий ворисийлик

шаклланади ва у қай шаклда бўлмасин, барча жабҳаларда ўзида яратувчанлик ва янгиланиш ғоясини мужассам этиб, ҳатто замонавий муаммолар ечими учун ҳам асослар бериши, бунинг ижобий омили бўлиши мумкин. Бунда яна қуидагилар мухим аҳамият касб этади:

Биринчидан, мамлакатимизда истиколол йилларида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан бош мақсад - инсоннинг эрки, шаъни, қадр-қиммати ва манфаатларини химоя қилиш, шахс салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилган. Бу эса ўз навбатида, давлатимизнинг ёшларга доир сиёсатида ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади, яъни бу сиёсат марказида ёшларнинг ҳақ-хукуқлари, манфаатлари, улар учун зарур имкониятлар яратиш масалалари туради;

Иккинчидан, маълумки, ўзининг буюк ўтмиши, ота-боболарининг ўгитлари, миллий-маънавий қалпиятлари билан қуролланган инсонни ҳеч қандай ёт ғоя ёки бузгунчи оқимлар ўз йўлига солаолмайди, унинг ишончи, имони ва зътиқодини ўзгартира олмайди. Шундай экан, бутуниги ёшларга доир давлат сиёсатида уларда эзгу фазилатларни қалбига жо қилган инсонийли туйғуси, гурур, журъат, матонат каби туйғуларни шакллантириш, доимо Ватан ва ҳалқ осойишталаги учун ҳар қандай вазифани адо этишни ўзига шараф деб биладиган авлодни тарбиялаш устивор вазифалар бўлиб қолаверади;

Учинчидан, истиколол йилларида эришилган тажриба шундан далолат берадики, ҳар қандай ислоҳотлар инсоннинг эҳтиёжлари, манфаат ва мақсадлари билан монанд олиб борилсагина ўзининг муайян самарасини беради. Шу нуқтан назардан, ёшларнинг қизиқишилари ва муддаоларини яхши билдиш, улар билан ишлапшида ёш авлодга хос миллий-маънавий қадриятлар, ворисийлик ва замонавийликнинг уйгунаштирилиши давлатимизнинг бу соҳадаги сиёсати ва амалга ошираётган ислоҳотларининг самарасини белгилайди.

Шу муносабат билан, мамлакатимиз тараққиётининг илк давридаёқ, яъни 1991 йилнинг 20 ноябринда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат

сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун ва 2016 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат стесати тўғрисида»ги қонун қабул қилингандиги бунинг яққол исботидир. Уларнинг қабул қилиниши орасида 28 йил ўтган бўлса-да, аммо ушбу ҳужжатлар бу борадаги ворисийлик ва янгиланишлар диалектикасини яққол ифодалайди.

Ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси ўзида бир неча хусусий, ижтимоий ва мамлакат иқтисодий-сиёсий тузумидаги ислоҳотлар жараёнлари билан боғлиқ хусусиятларни намоён қиласди. Улар:

- мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи ёшлардан иборат эканлигини ҳисобга олган ҳолда ёшларга мўлжалланган иш жойларининг етишмаслиги, аҳолининг аксарият қисми қишлоқларда истиқомат қилиши;
- иқтисодиётнинг ўзига хос соҳалар бўйича бўлинниши, индустрiali ривожланиш даражаси, қўл меҳнатига бўлган талабнинг катталиги, иқтисодиётнинг интеллектуал ва янги илмий технологиялар билан боғлиқ эмаслиги, меҳнат шароитини замонавийлаштириш;
- ёшларга мўлжалланган иш жойларининг сон ва сифат нуқтаи назаридан талаб даражасида змаслиги, ёшларнинг иш жойларига бўлган эҳтиёжлари доирасидаги меҳнат мотивациялари;
- ёшлар ўртасидаги мавжуд ижтимоий ва ҳаётий талабларнинг меҳнат имкониятларидан юқори эканлиги, иш ҳақининг ёшлар замонавий эҳтиёжларини қоплай олмаслиги.

Ўзбекистон Республикасига хос бўлган хусусиятлардан бири шундаки, аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг меҳнат қилишга бўлган эҳтиёжи ва қизиқиши юқори ҳисобланади. Ўзбеклар миллий қадриятлари сирасида меҳнат муҳим ўрин тутади, шу сабабли ялқовлик, ишдан қочиш, бирор ишни уddeлай олмаслик, касб-хунарга эга бўлмаслик қораланади. Ўзбекистонда амалга оширилган жуда катта ислоҳотларга қарамасдан, ёшлар ўртасидаги иш билан таъминланниш ва бандлик, ёшларни раҳбарлик лавозимларига ҳозирлаш, кадрлар кетма-кетлигини таъминлаш, ёшларнинг меҳнатини юқори баҳолаш

каби масалаларда муаммолар мавжуд. Шу билан бирга ёшлар ўртасида мунтазам иш жойларига эга бўлиш даражалари қатъий бўлмай, уларнинг индивидуал меҳнат фаолиятига бўлган талаб ва эҳтиёжи ортиб бормокда. Бюджет тизимидағи кўпчилик соҳалар, айниқса соғлиқни саклаш, бошлангич ва ўрта таълим, турли хизматларни амалга ошириш соҳаларда қизлар ва аёллар мавқеи юқори.

Истиқлол йилларида ёшлар манфаатларини ҳар томонлама тўлақонли химоя қилишнинг хукукий тизими яратилди¹. Ёшлар муҳофазасининг бош тамоийлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (1992 йил 8 декабрь) белгилаб берилди. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга онд давлат сиёсатининг асослари тўғрисида» (1991 йил 20 ноябрь, 2004 йилда киритилган ўзгартиришлар билан), «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» (1997 йил 29 август), «Таълим тўғрисида» (1997 йил 29 август), Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси (1995 йил, 21 январь), «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуклари кафолатлари тўғрисида» (1994 йил 5 май), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида» (янги таҳрир – 2004 йил 27 август), «Сенат тўғрисида», «Қонунчилик палатаси тўғрисида» (2004 йил 27 август), «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида» (янги таҳрир – 2004 йил 27 август), «Жамоат ташкилотлари тўғрисида» (1991 йил 15 февраль, сўнгти ўзгартиришлар 2004 йил 30 апрель), «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» (1992 йил, янги таҳрир – 1998 йил) каби қонунларда ёшлар масалаларининг турли жиҳатлари акс эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, БМГнинг инсон ҳуқуқларига дахлдор асосий хужжатларини зътироф этди. Бу борада² мустақилликса эришгандан бўён Олий Мажлис томонидан инсон ҳуқуқларини химоялаш бўйича 70 дан ортиқ ҳалқаро хужжатлар, конвенциялар, ҳалқаро нормаларга

¹ Кўрилаётган масала юзасидан муаллиф қарашларини янада чукурроқ ўрганиш учун маҳсус қаранг: Бўронова Д. Ўзбекистонда уюшмаган бўллар: бош тамоийлар ва йўналышлар. – Тошкент: F.Ғулом номидани националь матбава ижодий уйи, 2007.

² Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро шартномалар // Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар. – Тошкент: Адолат, 2002.

амал қилиш бўйича пактлар ратификация қилинди. Шу жумладан, инсон ҳукуклари бўйича асосий ҳужжатлардан бўлган БМТнинг 6 та конвенцияси Ўзбекистонда ижро учун қабул қилинди.

Инсон ҳукукларини ҳимоя қилиш бўйича 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларацияси», «Иктисолий, ижтимоий ва маданий ҳукуклар тўғрисида»ги халқаро пакт, «Фуқаролик ва сиёсий ҳукуклар тўғрисида»ги халқаро пакт (19 декабрь 1966 йил), Вена Декларацияси (1993 йил), Ижтимоий ривожланиш бўйича халқаро учрашувнинг ҳаракат дастури (1995 йил, Копенгаген), Аҳолининг жойлашуви ва ривожланиш бўйича халқаро анъуман ҳаракат дастури (1994 йил, Қохира), 1935 йили 21 июнда Женевада қабул қилинган «Ишнинг давом этиши муддатини ҳафтасига 40 соатгача қисқартириш тўғрисида»ги 47-конвенция, 1936 йил 24 июнда Женевада қабул қилинган «Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар тўғрисида»ги 103-конвенция, 1964 йил 9 июлда Женевада қабул қилинган «Иш билан таъминлаш сиёсати тўғрисида»ги 122-конвенция, «Бола ҳукуклари тўғрисида»ги (1979 йил 18 декабрь), «Бошқа мамлакатларга болаларни ўғирлаб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисида»ги Гаага Конвенцияси (1980 йил 25 октябрь), «Болаликнинг яшами, ҳимояланиши ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси (1990 йил 30 сентябрь) сингари халқаро ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинганлиги боис, муҳофаза қилувчи халқаро юридик манбалар хисобланади.

Мустакиллик йилларида мамлакатимизда бола ҳукукларини ҳимоя қилишнинг ҳукукий асослари яратилди. 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси қўшилган мухим халқаро-ҳукукий ҳужжатлардан бири – «Бола ҳукуклари тўғрисида»ги конвенция талаблари ижроси юзасидан миллий маърузалар БМТнинг Бола ҳукуклари қўмитасига мунтазам равишда тақдим этиб келинмоқда. Шунингдек, 2007-2011 йилларга мўлжалланган ва болалар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий ҳаракат режасининг ишлаб чиқилиши, Халқаро Мехнат Ташкилотининг «Ишга қабул қилиш учун энг

кичик ёш тўғрисида»ги 138-сонли ва «Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва уларга барҳам бериш бўйича тезкор чоралар кўриш тўғрисида»ги 182-сонли конвенцияларининг ратификация килиниши Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган катта аҳамиятга эга чоратадбирлардан саналади. 2008 йилнинг 8 январидан кучга кирган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мухим қонунчилик хужжати бўлиб, болаларнинг ўсиб-улгайиши ва фаровонлиги юзасидан барча зарур ҳимоя ва кўмак чораларини амалга ошириш йўналишларини қамраб олган. Мазкур Қонунда болалар, шу жумладан, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ, ногирон болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, болаларнинг шахс сифатида ривожланиши, уларнинг маданий ва маънавий камол топиши каби бола ҳуқуқлари кафолатлари зътироф этилган.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда имзолаган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлиланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони асосида мамлакатимиизда кенг миқёсли тадбирлар амалга оширилди.

«Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги пактда ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва дахлсизлик ҳукуки, асоссиз қамалишдан холи бўлиш, адолатли суд, қонун олдидаги барчанинг тенглиги, фикр, виждан ва дин, кўчиш, муҳожирлик эркинлиги кабилар инсон ҳуқуқларининг ажralmas таркибий қисми қилиб белгиланади.²

Ўзбекистон Республикаси ички қонунлар тизимини ҳалкаро ҳужоатлар³ моҳиятига мослаган ҳолда, ўз фуқароларининг яшаш, дам олиш, меҳнат қилиш, таълим олиш, оила қуриш, сайловларда қатнашиш, сайлаш ва сайланиш сингари инсоний ҳукуқ ва эркинликларини муҳофазалаш йўлидан бормокда, шунинг учун мамлакат қонунчилигига ҳам ёшларни ижтимоий, сиёсий ва

¹ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Министри Маркази. 2008. Б. З-6.

² Инсов ҳуқуқлари бўйича ҳалкаро билль. – Тошкент: Адолат. -Б. 11.

³ Мансуров Ш. Демократик жамият қуришда жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон модели. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

иктисодий ҳимоялаш масалалари ўз аксини топган бўлиб, бу биринчидан, бевосита тарзда ёшларга қаратилган қонунлар, иккинчидан, инсон ҳаётининг турли қирраларини ўзида мажассам этган умумдавлат қонунлари тизими, учинчидан, инсон омили ва унинг ҳукуклари билан алоқадор тарзда мамлакатимизда ратификация қилинган турли ҳалқаро ҳужжатлар орқали ўзини намоён этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг¹ искинчи боби бевосита инсон ва фуқароларнинг асосий ҳукуклари, эркинликлари ҳамда бурчларига бағишлиланган². Шунингдек, Конституциянинг «Жамият ва шахс» деб номланган учинчи бўлимидаги жамоат бирлашмалари ва оила боблари ҳам бевосита ёшлар ҳаёти билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади. Конституцияда ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлган ҳалқ ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи сифатида зътироф этилади.³

Асосий қомусимизда ёшларнинг фуқаролик ҳукуклари, шахсий ҳукуқ ва эркинликлари, бурчлари, ижтимоий, ижтимоий ҳукуклари ва улар кафолатлари белгилаб берилди. Қомуснинг 5-боб 19-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳукуқ ва эркинликлари дахлсиздир,...уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас»,⁴ деб таъкидланади.

Конституциянинг «Шахсий ҳукуқ ва эркинликлар» деб номланган 7-бобининг 24 моддасида «Яшаш ҳукуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳукуқидир», дейилган.⁵ Қомуснинг 29-моддасида «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва зътиқод эркинлиги ҳукуқига эга» эканлиги қайд этилади.⁶ Сиёсий ҳукуклар тизими ёшларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишини таъминловчи бosh манба ҳисобланади. Қомусда таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳукуқига эгадирлар».⁷

¹ Одилкориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти.- Тошкент:Ўзбекистон, 2002.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент:Ўзбекистон, 2017. -Б. 12-19.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент:Ўзбекистон, 2017. -Б.4.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент:Ўзбекистон, 2017. -Б.13

⁵ Ўша манба. -Б.14.

⁶ Ўша манба. -Б. 15.

⁷ Ўша манба. -Б.15.

Ижтимоий ва иқтисодий ҳукуклар сирасида 36-модда ёшларнинг мулкдор бўлиши ҳукуқини, 40-модда ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳукуқига эгалигини, 41-модда эса ҳар ким билим олиш ҳукуқига эга эканлигини кафолатлайди.¹ Шунингдек, қомуснинг «Фуқароларнинг бурчлари» деб номланган 9-бобида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчири», деб таъкидланади. 56-модда ёшлар ташкилотларини жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этади. Ўзбекистон ахолисининг ўзига хос менталитети Қомуснинг 66-моддасида ўз аксини топган. Унда ёзилишича, «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга маъбурдирлар».

Конституциянинг 117-моддаси Ўзбекистон ёшларнинг сиёсий ҳукукларини кафолатлаб беради, яъни улар сайлаш ва сайланиш ҳукуқига эгадирлар.² «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги умумий сайлов, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳукуқи, яширин овоз бериш, сайловларни тайёрлаш ва ўтказишда ошкоралик, сайлов комиссиялари фаолиятини жамоатчилик назорати остида тутиш, депутатликка номзодлар ҳукукларининг тенглиги, сайловлар тўғрисида қонунларни бузган шахсларнинг хатти-харакати устидан судга шикоят қилиш сингари тамойилларни ўзида мужассам этган».³

«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун эса ёшларнинг касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятида иштирок этиш ҳукуқини кафолатлайди, уларнинг сиёсий ҳаракатлар ва жараёнларда қатнашишини таъминлайди.

Конституциянинг 32-моддасида Ўзбекистон фуқаролари бўлган ёшлар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳукуқига эга эканликлари таъкидланади.⁴ «Фуқароларнинг

¹ Ўша манба. -Б. 16-17.

² Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялари ва демократик тараққийёт сарни. – Тошкент: Ўзбекистон. 2005. -Б.137.

³ Мухамеджонов О. Выборы и демократия // Правда Востока. 2004 20 май.

⁴ Файзис М.М., Чинибаса Х.Ж. О реализации прав и свобод личности // Общественные науки в Узбекистане. 2000. № 6. -С.29.

сайлов ҳукуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг барча моддалари бевосита ёшларнинг мавжуд турли сайлов ҳукуқларини белгилаб беради ва кафолатлайди. Масалан, қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон фуқароларининг сайлов ҳукуқи давлат химоясида эканлиги, 4-моддада эса Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаросининг сийлаш ва сийланыш ҳукуки мавжудлиги қайд этилади. 25 ёшга тўлган ёшлар Олий Мажлисга, 21 ёшдагилар эса ҳокимиятнинг маҳаллий вакилик органларига сийланыш ҳукукига эга.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига биноан, «Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, зътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқен, мъалумоти, машгулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳукуқига эгадирлар».¹ Қонуннинг 23-моддасида таъкидланишича, фуқаролар, шунингдек, ёшларда бевосита ўзлари ичидан номзодлар кўрсатиш ҳукуқи бор.

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун уюшмаган ёшлар тамойилларини белгилаб берувчи ва уни амалга ошириш мезонларини аниқловчи ҳужжат ҳисобланади. Давлатнинг ёшлар масаласидаги бош стратегияси ифодаланган мазкур дастуруламал ҳужжат давлат ва ёшлар орасидаги муносабатлар қонуниятларини белгилаб берди. Бу қонун ёшларни давлатнинг истикболдаги ривожланиш омили сифатида баҳолар экан, уларнинг энг юқори ижтимоий мавқени таъминлайди. «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун доирасида кўпгина сиёсий-ташкилий дастурлар амалга оширилди. Натижада мамлакатда ёшлар билан ишлашнинг яхлит ва самарали тизими яратилди.

Қонунда ёшлар бўйича давлат сиёсатининг мақсадлари ва тамойиллари, уни амалга оширишдаги маҳсус компетенция ўз аксини топди. Ёшларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси қонуилари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. -Б.6; Латифов А. Парламентскос право Республики Узбекистан: вопросы теории и практики. – Тошкент, 2005.

ижтимоий муҳофазаси, сиёсатини амалга оширувчи давлат ва нодавлат тизимларини яратиш, ёшларга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиши, ёшлар ташкилотларини кўллаб-куватлаш ва улар хуқукларининг таъминланиши мониторингини амалга ошириш каби давлат зиммасидаги вазифалар қаторидан ўрин олди.

Қонуннинг иккинчи боби ёшларнинг хуқуқий ва ижтимоий муҳофазаси масалаларига бағишлианди. Жумладан, 6-моддада ёшларнинг мустақил шахс сифатидаги оила, иш жамоаси, таълим муассасалари, яшаш жойидаги хуқуклари кафолатланиши белгилаб берилди. Шунингдек, қонуннинг 6-7-моддаларида ёшлар таркибидаги вояга етмаганлар, ногиронлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари хуқуқ ва эркинликлари мустаҳкамланган. 8-моддада таълим соҳасидаги ёшлар манфаатлари муҳофазаси, 9-моддада мамлакатнинг улкан захира бойлиги деб тан олинган иқтидорли ёшларнинг давлат томонидан кўллаб-куватланиш асослари таъминди. Ёшларнинг бепул тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш, иш жойларига эга бўлиш, вояга етмаганларнинг нафақалар билан таъминланиш хуқуклари, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи тизимларнинг вазифалари, уларни маблаг билан таъминловчи давлат дастурлари, ёшларга қаратилган ижтимоий инфраструктуранинг яратилиш омиллари, давлат ва жамоат ташкилотларининг уюшмаган ёшларни ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлашга йўналтириш асослари, ёшлар фондлари муаммоси, ёшлар тадбиркорлигини ижтимоий қўллаб-куватлаш каби зарур ва долзарб масалалар қонунда акс эттирилган.

Қонуннинг 1-моддасида таъкидланишича, уюшмаган ёшлар Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналишларидан хисобланади. Давлатнинг мақсади ёшлар шаклланиши ва тараққиёти учун лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар ва кафолатлар тизимини яратиш, ёшлар ижодий салоҳиятини бутун жамият такомили учун сафарбар этишдан иборат.

Қолаверса, ёшлар ташаббусларини ўрганиш ва амалга ошириш бўйича иқтисодий, хукукий ва ташкилий кўмак бериш чораларини кўриш, ёшларни ислоҳотлар ва янги демократик, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнларига тортиш, ёшларнинг хукукий саводхонлиги ва билимларини юксалтириш ёшлар ташкилотларининг мақсадли ҳаракатига айланди.

Қ.Х. Аликулов фикрича, “...ёшларни иқтисодий фаоллаштиришда таълимтарбияда инновацион мухитнинг янада самарадорлигини таъминлаш учун янги мутахассислар гурухини яратиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, педагогларни ватарпарварлик тамойили остида уюштиришга (информацион ва интеллектуал) боғлиқлиги ва зарурлигини ёдда тутиш лозим”¹.

Ёшлар ўзини англаётган бугунги давр икки хусусияти билан ажралиб туради. *Биринчидан*, азалдан ижтимоий-сиёсий воқеликда авлодлардан-авлодларга сингиб келган миллий ва умумбашарий қадриятлар тизими мавжуд. *Иккинчидан* эса, замонавий жамиятларга хос, баъзан шахсий индивидуализм гояларини ўзига сингдирган либерал қадриятлар тизими ёшларга ўз таъсири ўtkазади. Шу билан бирга, жамиятда кечеётган табақаланиш, ижтимоий қатламларнинг ранг-баранг гурухларга бўлиниш жараёни ёшларда ватанпарварлик ва миллатпарварлик хусусиятларини шакллантиришга бўлган талабни бир-неча бор оширади. Натижада бойлар – камбағаллар, маҳаллий халқ – келгиндилар, шаҳарликлар – қишлоқликлар, «бизники»лар – «ўзгалар», зодагонлар – омилар, омадпилар – омадсизлар, етакчилар – аутсайдерлар (четда қолиб кетганлар) каби турли-туман ва тамоман бири-биридан ўзгача қатламларни бирлаштириб, бош мақсадларга йўналтириб, ўзаро ҳамфир ва ҳаммаслак қила оладиган ягона мафкура, ягона гоявий тизим зарурлиги кун тартибига чиқади.

Бугунги шиддатли ва зиддиятли замонда ёшлар тафаккурини миллийлик руҳида шакллантириш табиий равишда ёшларни мафкуравий таҳдидлардан

¹ Аликулов Қ.Х. Ёшларда иқтисодий фаолликни шакллантиришнинг ажлоқий ва эстетик жиҳатлари. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа докториа (PhD) диссертация авторефсрати. –Самарканд, 2018. – 16 б.

асрал масаласини долзарб муаммога айлантириди. Чунки, Ш.Пахрутдинов таъкидлаганидек, «Таҳдид – ижтимоий-сиёсий вазият бўлиб, у муайян тарихий даврда аниқ бир мақсадга, яъни ижтимоий тизим сифатида давлатнинг сиёсий асосларини заифлаштиришга, емиришга, шунингдек, инсон ҳаётий фаолиятини издан чиқаришга, умуман яшашни чигаллаштиришга қаратилган ҳудудий-минтақавий, умумсайёравий омилларнинг кириб келиши туфайли содир бўлади. Бу эса, ўз навбатида, зарурӣ чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши тақозо этадики, унинг амалга оширилиши натижасида мамлакатда сезиларли ижобий силжишлар рўй беради»¹.

Дунё миқёсида кескин ўзгаришлар кечеётганлиги сўнгти бир неча йилда яққол намоён бўлмоқда. Шу туфайли, сиёсий ўзгаришларга мойил дунё сарҳадларида ўз миллий эркинлиги ва озодлигини сақлаб қолиш устувор аҳамият касб этади.

Замонавий турли таҳдидларга нисбатан ёшларга онд янги замонавий сиёсат мазмунини шакллантириш нафақат сиёсий, балки умуминсоний талаб даражасига кўтарилиган заруриятдир. Шу боис, давлат уюшмаган ёшларда унинг инвестицион ва инновацион характеристини кучайтириши, унинг амалга оширишда эса превентив тарздаги маҳсус дастурлар тизимини жорий этиши даркор. Шу нуқтаи назардан, уюшмаган ёшлар янги институционал технологияларни такомиллаштириш, ёшлар билан ишлаш тизимларини кучайтириш, уларнинг ранг-баранглигини таъминлашни, ёшлар билан ишлайдиган кадрларнинг методик ва услубий жиҳатдан маҳсус билимларга эга бўлишини талаб этади. Ёшлар билан ишлаш тамойилларини кучайтириш ижтимоий инвестицияларни жалб этиш, ёшларнинг инновацион ривожланишини таъминлаш, улар ташаббусидан унумли фойдаланишдан иборатдир.

Айни пайтда, уюшмаган ёшларда турли давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида мувофиқлаштиришнинг етарли даражада эмаслиги кўзга ташланади. Демак, бугунги кунда уюшмаган ёшларнинг тармоқланган

¹ Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалоатла куч. – Тошкент: Академия. 2001. – 11-12-6.

замонавий инфраструктурасини ташкил этиш, унинг фаолиятини мунтазам таҳлил килиш ва молиялаш зарур. Ёшлар ижтиомий фаоллигини турли нодавлат ва жамоат ташкилотлари тизими орқали бошқариш ҳамда давлат равнақига йўналтириш ёшлар ва давлат мақсадларининг яхлит олиб боришишга хизмат қиласи. Шу маннода, ёшларнинг замонавий ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган турли тизимлар фаолиятини ривожлантириш, ахборот-таҳлил, таълим, техник марказлар ишини яхши йўлга кўйиш уюшмаган ёшларни илмий-қиёсий ва илмий-назарий жиҳатдан ўрганишга имкон яратади. Шунингдек, ёшлар масалаларини илмий тадқик этиш бўйича ягона методик стандартларни яратиш ҳам давр талабидир.

Ёшлар билан ишлашнинг янги замонавий услублари улар фаолиятини яхши йўлга кўйиш ва тафаккурини шакллантиришга қаратилган турли тадбирларни, сиёсатшунослик, социология, педагогика, психология каби фан соҳаларининг умумий саъй-ҳаракатларини, яъни илмий изланишларни талаб киласи. Ёшлар билан ишлашнинг барча замонавий услубларини миллий манфаатлар асосида қайта шакллантириб, амалиётга жорий этиш долзарб муаммодир. Бугунги кунда ёшлар қатламиининг ўзида турли-туманлик, ранг-бараңглик, манфаатлар хилма-хиллиги кузатилади. Ана шу ранг-бараңглик асосида ҳар бир ёш учун иш услубларини тўғри белгилаш, уни демократик қадриятлар рухиятида тарбиялаш ёшларни бузгунчи ғоялардан асрарнинг самарали шакли ҳисобланади. Шу билан бирга, манфаатлар хилма-хиллиги асосида жамиятда ички зиддиятлар ортиб боради. Бунда турли манфаатли ёшларни бош мақсад – фуқаролик жамияти қуриш атрофида бирлаштириш истиқболдаги барқарорлик, тинчлик ва фаровонлик асоси бўлиши табиий. Шу боис, ёшлар билан ишлашда:

- омма билан ҳамкорликнинг мавжуд барча янги усулларини қўллаш;
- янги сиёсий технологиялар ва омма тафаккурига таъсир этиш услубларидан унумли фойдаланиш;
- жамоатчилик билан алоқалар, яъни PR кампаниялар усулларига кенгрок зътибор бериш;

- ёшлар қизиқишилари ва тафаккурининг ўсиш тенденцияларини чукур ўрганиш асосида уларни давлат равнақи учун мухим бўлган мақсадларга йўналтириш;
- демократик қадриятлардан хисобланган эркинлик, тенглик, хурфиқрлилик, инсон ҳуқуқлари, шахсий мустақиллик, қонун устуворлиги, шахсий ва жамоатчилик манфаатлари, давлат бошқарувида иштирок этиш усуслари, фуқаролик масъулияти, ўз манфаатларини жамоат ҳамда давлат манфаатлари билан узвий боғлай олиш қобилияти кабиларнинг амалий қўлланилишига эришиш;
- ёшлар билан ишлашда асосий зътиборни жамиятдаги бирдамлик, барқарорлик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик усусларига қаратиш;
- ёшлар билан ишлайдиган кадрларга бўлган талабни кучайтириш;
- ёшлар билан ишлашда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ахволи бўйича маълумот ва далиллар тўплаш, уларни таҳлил қилиш, ахборотларни ёшларга таъсирчан етказиш;
- ёшлар билан ишлашда ҳамфирлилик, очиклик, ошкоралик, муаммоли мавзулардан қўрқмаслик, тенглик, транспарентлик (шаффофлик) тенденцияларини амалий қўллаш;
- ёшлар билан ишлашда ёшлар қатламларига нисбатан дифференциал муносабатни шакллантириш, янги педагогик технологиялар тизими, якка тартибда, гурӯхлар, омма билан ишлаш усусларидан фойдаланиш, шунингдек, интерфаол усусларни кенг жорий этиш.

Бугунги кунда анъанавий бўлган мажлислар ўтказиш усули ўзини қисқа ва аниқ ахборотлар узатиш фаолиятидагина оқлади. Мажлислар оммага таъсир ўтказиш кучини йўқотиб бормоқда. Аммо мажлислар тизими тез ташкиллаштириш, ҳисботларга киргизиш, кампаниябозлик учун қулай усул хисобланади. Демак, мажлисбозлик билан ёшлар тафаккурини мураккаб жараёнларга ҳозирлаб бўлмайди. Шу боис, мажлислар ўтказиш усулидан ўз ўрнида фойдаланиш, ёшлар билан ишлашнинг бошқа усусларини кенг қўллаш

улар тафаккурини зарур қадриятлар асосида шакллантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Ёшлар билан ишлашнинг замонавий усул ва воситаларни илмий-назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш сиёсатшунослик фани олдида турган долзарб вазифалардандир. Ёшларда сиёсий жараёнлар, мамлакатда кечеётган ислоҳотларга ижобий муносабатни шакллантириш, уларда сиёсий қадриятлар тизимиға қизиқиш уйғотиши, уларнинг сиёсий ва ҳуқукий билимларини ошириш, давлат ва ёшларнинг манфаатларини уйғуналаштириш, ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш айнан ёшлар билан ишлашнинг замонавий усул ва воситалари масаласига боғлиқ. Ёшлар ва давлат орасида бевосита вертикал ва горизонтал мулоқот, яъни ахборот коммуникациялари ҳамда транспарентликни жорий этиш улар ўртасида ишонч ва янгиланишларга алоқадорлик хиссининг ортишига хизмат қиласи. «...ахборот коммуникация технологиялари қанчалик ривож топгани сари, унинг афзаллиги ва қулайликларидан фойдаланиш билан бир қаторда, бутун мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалага айланиб бормоқда»¹.

Хуллас, ёшларда ислоҳотларга даҳлдорликни шакллантиришда янгиланиш ва ворисийлик тамойилларининг қисқа таҳдили давлатимизнинг ёшларга оид сиёсати ҳаётининг барча соҳаларидағи кенг қамровли ислоҳотлар, жамиятдаги туб ўзгариш жараёнлари билан боғлиқ равишда амалга ошмоқда. Истиколлининг дастлабки давриданоқ, ёшларга оид давлат сиёсати уларни ижтимоий химоялаш, демократик ва фуқаролик жамияти барғю этишининг фаол иштирокчилариға айлантириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, турли соҳалардаги имкониятларини янада кенгайтириш каби масалаларни ҳал қилишга йўналтирилди. Шу аснода, ёшларга жамият ривожида «портлаш» эффективини вужудга келтирувчи омил, мамлакат кадрлар заҳирасини шакллантирувчи асосий куч, келажакка қаратилган бунёдкорлик фаолиятида таянч ва суюнч сифатида қараш анъанаси шаклланди. Бугунги кунда ёшларда

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш таитанали маросимиға бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшима мажлисицидаги нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил, 15 декабрь.

ислоҳотларга даҳлдорликни шакллантиришда янгиланиш ва ворисийлик тамойилларини барқарор қилишга қаратилган ёшлар сиёсати мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадлари билан узвий алоқадорликда амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида, ёшларга оид давлат сиёсатининг янги босқичига қадам кўйгани, сифат жиҳатидан ўсгани, тақомиллашгани ва самарали амалга оширилаётганидан далолат беради.

3.3. Уюшмаган ёшлар ижтимоий фаоллиги ва бандлигини таъминлашнинг инновацион йўналишлари

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши жамият ва халқ ҳаётининг барча соҳалари қатори, ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий жараёнлардаги ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ жабхаларида туб бурилишлар ясади. Ушбу жараённинг таркибий қисми сифатида намоён бўлган бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик, фуқаролик жамияти асосларининг мустаҳкамланиши туфайли давлатнинг ёшларга доир сиёсати тўғрисидагъ қарашлар ва бунда ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши натижасида ёш авлод киёфасидаги ўзгаришлар ҳамда бу ўзгаришларнинг ижтимоий тараққиётга таъсири муаммоларини ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатида бозор муносабатлари мустаҳкамланиб бораёттан ҳозирги шаронтида жамият ижтимоий негизида юз бераёттан ўзгаришлар, ёш ижтимоий қатламлар орасидаги табақалашув жараёнлари натижасида вужудга келаётган янги гурухлар, шунингдек, уларнинг ранг-баранглигини таъминловчи тамойилларни ҳисобга олишга тўғри келмоқда. Айнан ана шу тамойилларга таяниб иш олиб бориш бу сиёсат таянадиган ижтимоий негиз ва иқтисодий омилларнинг асосини ташкил этилмоқда.

Ушбу йўналишдаги фаолиятнинг тўғри ташкил этилиши, нафакат жамият тараққиётини таъминлаш, балки яна кўплаб соҳалар, ҳатто уни бошқаришга ҳам ижобий жиҳатдан таъсир этиб, ижтимоий-сиёсий жараёнлар ривожини

таъминлай олиши маълум бўлмоқда. Шундай экан, ижтимоий фанлар тизимида давлатнинг ёшларга доир сиёсати билан ушбу масала чукур ўрганилиши, айниқса ижтимоий фалсафа, социология ва сиёсий фанларда эътибор билан таҳлил қилиниши лозимлиги давр талабига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда бозор муносабатлари қарор топиб, давлатнинг ёшларга доир сиёсати ижтимоий-иктисодий асослари мустаҳкамланадиган экан, ўтиш даврининг ушбу босқичида мазкур соҳа билан боғлиқ тизимда жиддий ўзгаришлар юз берадиганлигини ҳисобга олиб, уларни нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам ўзига хос тарзда таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатининг ижтимоий-иктисодий асослари билан боғлиқ ҳодиса ва жараёнлар ўзаро диалектик алоқада ўрганилиб, яхлит бир ижтимоий объектни ташкил этишини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Давлатимизнинг ушбу йўналишдаги сиёсатига хос алоҳида олинган ҳодиса ва жараёнларни ушбу яхлит тизимнинг айрим элементлари сифатида эътироф этишимиз зарурлиги аён, албатта.

Замонавий Ўзбекистон тажрибаси шундан далолат берадики, мустақилликнинг ўтган йиллари давомида жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳот натижалари, ҳалқ маънавиятининг тикланиши, бой, миллий тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналарнинг асрраб-авайланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим равнаки ёшларга оид сиёсат самарадорлигини ошириш масалалари билан узвий боғлиқдир. Бу соҳалардаги ислоҳотлар ва уларнинг бугунги кундаги юксак натижалари ушбу сиёсатнинг самарали амалга ошишини таъминлашга қаратилган нафақат иктисодий, сиёсий омиллар, балки маънавий асосларнинг ҳам ниҳоятда мустаҳкам заминга таянишини яққол кўрсатиб турибди.

Масаланинг бу жиҳатини тадқиқ қилган баъзи олимлар самарали ёшлар сиёсати Ғарб цивилизациясининг бир неча асрлик таракқиёти натижаси ва бугун унинг ютуқлари ушбу соҳада акс этмоқда деб ҳисоблайдилар. Аммо масалани кенг таҳлил қилиш, айниқса Шарқ қомусий олимларининг меросини

чукур ўрганиш, бу қарашларнинг бир томонлама хусусиятта эга эканлиги, уларда кўпроқ европамарказчилик тенденциялари устиворлигини яққол кўрсатади. Шу билан бирга, таҳлил Шарқ ҳалқларига хос ёшлар тарбияси тамойиллари ва бу соҳада узок тарихий тараққиёт натижасида шаклланган маънавий омиллар ва урф-одат ҳамда миллий анъаналар замонавий Ўзбекистонда ёшларга доир давлат сиёсатини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг мухим асосларидан бири бўлаётганидан далолат беради. Айни шу маънода, «...Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан холос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуг аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий умумбашарий рух билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир»¹.

Таъкидлап жоизки, ҳар қандай мамлакатдаги илмий асосланган ва замонавий тамойилларга таянадиган ёшларга доир давлат сиёсатини самарали шакллантириш жараёни жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳукукий, маънавий, маданий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда ушбу йўналишдаги хориж тажрибасини ўрганиш, хусусан, Ғарбда чоп этилаётган асарлар таҳлили мазкур жараённинг иқтисодий, ҳукукий ва сиёсий жиҳатларига кўпроқ зътибор берилиб, маънавий-ахлоқий асосларига етарли даражада зътибор ҳаритилмаётганини яққол кўрсатмокда.

Жамиятнинг иқтисодий таъминланганлиги билан ёки тегишли қонунлар қабул қилинишининг ўзиёқ давлатнинг самарали ёшлар сиёсатини тўла-тўкис шакллантириб кўя олмайди. Бу сиёсатнинг энг мухим вазифаларидан бири ёшлар онгини, маънавиятини ўзгартириш ва уларнинг янги замонга мос тафаккурини дунёга келтиришдан иборатdir. Бундай ниҳоятда мураккаб ва серкирра вазифани амалга оширишда айнан маънавий омилларнинг ўрни ва

¹ Уломов С. Маънавий ризоҷланлиши – миллий тикловини омали // Фалсафа ва ҳукук. – Тошкент: 2008. – Махсус сон. – 9 б.

аҳамияти бекиёс. Собиқ иттифоқ ўрнида шаклланган баъзи яқин ва узокдаги давлатларнинг айрим мутахассис-олимлари ўз истиқлолларининг дастлабки йиллариданоқ ушбу йўналишда ҳам Farb тажрибасини кўкларга кўтариб мақтаб ва уни ўз мамлакатига кўчириб ўрнатишга интилаётгандаридан Farb жамиятида намоён бўлаётган маънавий таназзулнинг илдизлари ва негизлари нималарга куч берадигани ва қандай натижаларга олиб келаётганини унугиб кўйган эдилар. Бу эса қандай аянчли оқибатларга сабаб бўлганини ана шу мамлакатларнинг яқин тарихи яққол кўрсатиб турибди.

Шу боис, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш маънавият ва маърифатнинг ёшлар тарбияси, инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шартларидан бири деб, билгандар бежиз бўлмаган. «Ҳужжатул Ислом» Имом Абу Ҳомид ал-Ғаззолий «Кимёи саодат» асарида таъкидлаганидек: «Инсон фаришта ва ҳайвон орасидаги маҳлукдир. Ҳайвон ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фаришта ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок илохий нурдан иборат, Чунки инсонлардагина ривожланиш, руҳий камолот ҳислати мавжуд».¹

Маънавий тарбия — тараққиёт тақососи, жамият ривожининг ўзига хос омили экани шубҳасиз. Аммо айни вақтда у ёшларнинг ахлоқий қиёфаси, қалби ва онгини эгаллаётган тамойиллар мазмун-моҳиятини белгилайдиган, яъни, шаклланиб келаётган авлоднинг маънавиятига катта таъсир қиласиган, бу соҳадаги маънавий мезонларни шакллантирадиган ва мустаҳкамлайдиган энг муҳим омиллардан биридир.

Узлуксиз ва кент қамровли бу жараён туфайли мамлакатимиз аҳолиси, айниқса ҳали тажрибаси йўқ, эндинга ҳаётта кириб келаётган ёшларимизни ёт ва бегона гоялар таъсиридан ҳимоялаш, уларда мустақилик тафаккури ва замонавий дунёқарашни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг ниҳоятда долзарб жабҳаларидан бирига айланмоқда. Аммо бу соҳада муаммолар йўқ, деб бўлмайди, амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам талаигина.

¹ Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. -Тошкент: Адолат, 2005. 29 бет.

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривоҷини янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарорда таъкидланганидек мустакиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол гоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса ёш авлод қалбida Ватанимиз тақдирни ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт гояларга қарши мағкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган тарғибот тизими шаклланди. Бу борада Республика Маънавият ва маърифат кенгаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоя ва мағкура илмий-амалий маркази ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

Айни вақтда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, янги таҳдид ва тажовуз ўчоқлари кўпайиб, янада хатарли даражада намоён бўлаётган маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу эса соҳада тўпланиб қолган қатор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этади Жумладан,

маънавий-маърифий тарғибот ишлари мазмуни байрам, шонли саналарни нишонлаш билан чекланиб, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳукукий, иқтисодий, ахлоқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари мамлакатимизни янада ривожлантиришининг стратегик талабларига жавоб бермаяпти;

ёшларимиз онги ва калбини забт этишга қаратилган маънавий таҳдидларнинг асосий қисми интернет орқали амалга оширилаёттанига қарамай амалда тарғибот ишларини анъанавий шаклда ўtkазиш билан чекланилмоқда;

тарғибот-ташвиқот ишида профилактик тизим йўлга қўйилмаган, маънавий таҳдидлар таъсирининг олдини олишга қаратилган превинтив тарғибот технологияларидан фойдаланилмаяпти;

миллий гоя ва маънавият тарғиботи соҳасининг туман (шахар) бўлимлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизими йўлга қўйилмаган;

соҳа бошқарувининг тизимли йўлга қўйилмаганлиги сабабли ходимлар билим, кўнишка ва малакаларини ошириш изчил амалга ошириб борилмаган;

олий таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш сифати, хусусан, миллий ғоя ва маънавият асослари ихтиносслиги бўйича тайёрланаётган бакалавр ва магистрларга қўйилаётган вазифалар бугунги кун талаблари даражасида эмаслиги уларнинг мафкуравий кураш олиб бориш борасида тўлақонли, профессионал мутахассислар бўлиб етишиши имконини бермаяпти;

оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбиясида ҳалқимизнинг бебаҳо маънавий бойлиги – миллий тарбия усуслари етарли жорий этилмаганлиги жамиятда меҳр-оқибат, оиласи тотувлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, хотин-қизларга эъзознинг сусайишига олиб келди, ёшларда таълим олишга бўлган қизиқиши ва давомат жиддий ижтимоий муаммога айланди.

Мамлакатимизда ушбу қайд этилган ҳолатларга барҳам бериш, ёшлар орасида соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ҳамда ҳукукий маданиятини оширишга қаратилган қатор чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, «жамиятда ҳукукий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш ва ҳукуқбузарликларга қарши курашишда фаол қатнашаётган инсонларни рағбатлантиришга алоҳида зътибор қаратилиши лозим»¹. Аммо, шунга қарамай ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш, гиёхванд, алкоголь маҳсулотларини истеъмол килиш, ОИТС ва ОИВ касалликлари билан касалланиш каби салбий ҳолатлар сақланиб қолмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳулоса сифатида шуни айтиш лозим-ки, республика бўйича ёшлар орасида ўз жонига қасд ва сунқасд қилиш, гиёхвандлик, сурункали алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳамда ОИТС ва ОИВ касалликлари билан касалланиш ҳолатларида ўсиш сурати

¹ Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, ҳалқимиз учун тинч ва осойишта, муносаб хаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир // URL – <http://uzlidep.uz/uzc/news/ demokratik-islokholtartni-izchil-davom-ettiishi-halkimiz-uchun-tinch-va-osoyishta-munosib-khayot>

кузатилган. Бу аввало маҳаллий ҳокимият органлари томонидан мазкур йўналишларга етарлича зътибор берилмаслиги, уларни келтириб чиқарувчи асосий омиллар ўрганилмаслиги ҳамда уларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаганлиги билан изохланади.

Бундай шароитда ёш авлоднинг маънавий оламини юксалтириш, уни миллий ва умуминсоний қадриялар руҳида тарбиялаш, унинг қиёфасида юқсак ахлоқий тамойилларни шакллантириш масаласи давлатнинг ёшларга доир сиёсатидаги энг долзарб вазифалар бўлиб қолмоқда. Айни пайтда, бугунги кунда ушбу сиёсат доирасида замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни ўзлаштирган баркамол авлодни шакллантиришда кўплаб омиллар қатори, маънавий таъсири усууллари ва ахлоқий тарбия воситаларидан самараали фойдаланиш масалалари ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг билан бир қаторда, “Ўқувчи-ёшларни турли маънавий таҳдидлардан асраш учун у шакланаётган оиласи мухитнинг таъсирини кучайтириш лозим. Оила мухитида ота-оналарнинг масъулиятини янада ошириш, ўқувчи-ёшлар маънавиятини шакллантиришда барча таълим муассасаларининг ўқитувчилари, синф раҳбарлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарларининг ролини ошириш айни ахборотлашган даврда ўта муҳим ҳисобланади. Шунингдек, таълим муассасаси, оила ва маҳалла ижтимоий институтларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш лозим”¹.

Айни пайтда, Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти ва Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ушбу масалага алоҳида зътибор бериладиганлиги, жамият тараққиёти ва ёшлар камолотининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий омиллари билан бирга, унинг маънавий-маърифий ва ахлоқий асосларини янада мустаҳкамлаш бу соҳадаги ислоҳотларнинг таркибий қисмига айлангани бежиз эмас. Зеро, глробаллашиб ва ахборотлашиб бораётган бугунги дунёда

¹ Тайлакова Ш.Н. Ўқувчи – ёшлар маънавиятни оммавий ахборот воситалари асосида таҳомиллаптириш (телеқўрасувалар, радиоэшилтириклилар ва интернет ҳабарлари мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2019. – 22 б.

бирор бир мамлакат ёки Ер юзининг ҳеч бир ҳудудида яшаётган ахоли, айниқса ёшларни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан тўла-тўқис ҳимояланган дейини қийин.

Бу нуқтаи назардан, алоҳида қайд этиш жоизки, ёшларга доир давлат сиёсати қотиб қолган ва ҳеч қачон ўзгармайдиган константаларнинг оддий йигиндиси эмас, балки жамият тараққиёти ва давр талаблари таъсирида муттасил янгиланиб, замонга мослашиб борадиган усул ва воситалар, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, турли дастурлар мажмуидир.

Шу маънода, ҳар кандай даврда ҳам, унинг амалга оширилиши, чукур диалектик жараён бўлиб, муттасил ўзгаришлар ва янгиланишларни назарда тутиш зарурлигини англатади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўидаги фикри ёшларга оид давлат сиёсатининг бугунги куннлардаги энг асосий мақсад-муддаолари ва устивор йўналишларини аниқлаш ва англашда ниҳоятда муҳим назарий дастуруламал бўлиб ҳисобланади: «Бундай кескин ва таҳликали шаронтда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бирорларнинг кўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиш зарур. Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиш. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва қасб-хунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиш»¹

Ушбу фикрдан кўринадики, айнан ёшлар сиёсатини амалга оширишда юксак маънавиятли кишиларни, яъни маънан баркамол авлодни шакллантирмай

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул қилинганинг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маъруzasи. – Ҳалқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь

туриб, бугунги мустакиллик даврига мос ёшларга хос бўлган қадриятлар, идеаллар ва тамойилларни карор топтириб бўлмайди. деган чуқур маъноли сўзлари бежиз айтилмагани яққол кўринади. Ушбу сўзлар ўтган аср бошида қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик муҳим ва долзарб аҳамият қасб этмоқда.

Ўзбекистоннинг истиклол йилларидағи тажрибасини таҳлил қилиш мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётганинги кўрсатади. Шу соҳада қабул қилинган қонун ва қарорлар, фармон ва ҳукумат ҳужжатларида ёшларга доир давлат сиёсатини самараали амалга ошириш жараёни аввало, бутун жамият миқёсида маънавиятни юксалтириш учун амалга оширилаётган ислоҳотларда намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда давлатимизнинг ушбу соҳадаги сиёсатида маънавий-маърифий жабҳа ва таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, маъмурӣ идоралар ва мансабдор шахслар, фуқаролик институтларининг бу йўналишдаги тамойиллар ва талабларга ҳурмат билан муносабатда бўлишига зришиг кабиларнинг устувор вазифалар сифатида белгиланган. Айнан ана шуларни хисобга олган ҳолда, Президент Шавкат Мирзиёев «Маънавий-маърифий ишлар самараодорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарорида бошқа масалалар билан бирга яна қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас:

ёшларда китобхонлик кўникмасини шакллантириш, Интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, эл-юртнинг содик фарзанди бўлишга рағбатлантириш;

маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан гоявий-тарбиявий ишларни самараали йўлга қўйиш, уларни ижтимоий-иқтисодий фаоллаштириш механизmlарини ишлаб чиқиш; халқимизнинг миллий қадриятлари, тарихий мероси, урф-одатлари ва миллний тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, улуг

мутафаккирларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига ҳурмат-эҳтиром ва динлараро бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда миллиатлараро тутувлиқ, тинчликни қадрлаш, ўзаро меҳр-окибат мухитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Зоро, академик Э.Юсупов таъкидлаганидек, «Ислом дини инсонларни асрлар давомида ахилликка, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка чорлаган, зўрлик ва зўравонликни, адолатсизликни қоралаган, ҳар бир шахсни ҳалоллик, иймонийлик, инсофилик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга катта таъсир кўрсаттан. Ўн тўрт аср давомида исломий қадриятлар ўзбек ҳалқининг бир неча минг йиллик тарихий анъаналари, урф-одатларига ҳам чукур сингган, уларни ривожлантирган»¹.

Шу билан бирга, бу соҳада бугунги кунда яна куйидагиларга алоҳида аҳамият бериш зарурати ортиб бормоқда:

- мамлакатимизда мавжуд бўлган таълим тизимининг барча босқичларида таълим олаётган ва хунар ўрганаётган ёшларнинг мустақиллик ва юксак маънавий қадриятларга содиқлик ҳисси ва бу борадаги тамойилларни амалга оширишда фаоллик туйғуларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш;
- нафақат талабалар, балки бу вазифани амалга оширишнинг энг муҳим бўғини бўлган барча таълим муассасаларидағи устоз-мураббийларнинг маънавият соҳасидаги саводхонлигини янада ошириш, уларнинг бу соҳада бутун жаҳонда рўй берәётган воқеа-ходисалар ва республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг натижалари билан тезкор ва изчил таништиришга мўлжалланган оммавий ахборот воситалари (журнал, газета, веб сайт ва ҳок.) фаолиятини самарасини оширишга алоҳида аҳамият бериш;

- таълим тизими билан қамраб олинмаган ёшлар қатламлари орасига юксак маънавият тамойилларини сингдириш, тарғиб ва ташвиқ этиш самарадорлигини мунтаззам ошириб бориш механизмларини янада такомиллаштириш, бу соҳада замонавий технологиялардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш;

¹ Юсупов Э. Исломий қадриятлар ва диний экстремизм. –Т.: Тўқимачиллик институти напринети. 1999. -Б. 10.

- жорий йил учун мўлжалланган давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни бажариш доирасида амалга ошириладиган фаолият жараёнида ёшларга доир давлат сиёсатининг маънавий омиллари таъсирчанлигини оширишга хизмат қиласидиган чора ва тадбирларга алоҳида эътибор каратиш.

Буларнинг барчаси, мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсатини самарали амалга оширишда аввало, уларнинг ҳукуқ ва эркинликларини инобатта олмасдан, ёш авлоднинг дунёкараши, фикри билан ҳисоблашмасдан, унинг маънавий асосларини шакллантириб бўлмаслигини кўрсатади. Айни шундай ҳолдагина ҳар бир ёш инсон ўз ҳукуқ ва бурчини чукур англайди, уларнинг жамиятда мавжуд маънавий мезонлар билан алоқадорлигини тўла-тўкис ҳис килиши мумкин. Зоро, Абу Мансур Мотурудий таъкидлаганидек, «Ҳар бир инсон у дунё ва бу дунёдаги тақдирини ўзи яратади, инсон эркинлиги, ҳурлигини таъминловчи куч – ҳар бир ҳаётий вазиятда оқилона меъёр, муросага асосланган мувозанатни таъминлай билиш тамойилларига риоя қила олишдан иборат». ¹

Юртимизда ҳукукий давлат ва ривожланган фуқаролик жамияти асосларини яратилаётган бутунги кун учун бу ниҳоятда муҳим, чунки юксак маънавият демократик тараккиётнинг зарурый асоси, маънан баркамол авлод шаклланаетганининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ўз навбатида, мамлакатимизда бозор муносабатларининг чукурлашуви, демократик-ҳукукий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг ривожлана бориши билан бутунги ижтимоий ривожланишнинг янги босқичига мос ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларда давр талабларига хос маънавий қиёфаси ва замонавий тафаккурини шакллантириш масалалари янада долзарблашиб бормоқда.

Бундай серкірра ва мураккаб жараёнда ёшларга оид сиёсатни изчил амалга оширишнинг самарали йўллари ва усулларини излаб топишнинг долзарблиги мамлакатимизда янги жамиятнинг шаклланиши, унинг таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ ҳолда такомиллашуви, ёш авлоднинг маънавий, ахлоқий, сиёсий,

¹ Қаранг, Улрих Рудольф Ал -Мотурудий ва Самарқанд суннитлик иложиёти (қисқартириштан напр). -Тошкент: 2002. – 108 б.

эстетик, ҳукукий қарашларининг замонга мос тизими таркиб топиши сингари вазифаларни амалга ошириш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу маънода, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш, ривожланган ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳалқимиз ҳаётининг барча соҳаларини модернизациялашнинг ҳозирги даврида жисмонан етук ва маънан баркамол ёш авлодни вояга етказиша маънавий омилларнинг таъсирчанлигини янада ошириш, уларнинг самарасини янги боскичга кўтариш билан боғлиқ мавзуни чукур ўрганиш, шу асосда амалиёт учун зарур бўлган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш алоҳида зътиборни талаб қилмоқда.

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан етук, мустақил фикрга эга бўлган авлодни вояга етказиш ва тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида зътироф этилган. Иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, уларнинг таълим соҳасидаги ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилилаётган ишлар ҳам ана шу жабҳадаги фаолиятнинг муҳим таркибий кисми ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақил тараққиётининг ilk кунлариданоқ қонун устивор бўлган демократик давлат ва ривожланган фуқаролик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон, ҳаётнинг барча соҳалари қатори, иқтидорли ёшларга доир давлат сиёсатида ҳам ўзига хос тамойилларга амал қилмоқда. Бунда аввало, бу йўналишдаги давлат сиёсатини ташкил қилишнинг муайян тарихий йўлини босиб ўтган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш билан бирга, ҳалқимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олган миллӣ стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш зарурати чукур англаб олингани муҳим аҳамият касб этади.

Бу нуқтаи назардан, ҳозирги даврда юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга

бўлган ёшларгина бутун дунёда, жумладан мамлакатимизда рўй бераётган жадал инновацион тараққиётнинг энг юксак талабларига жавоб бера олиши мумкин. Ана шундай ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши, мустақиликни асраб-авайлаш ва уни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ва гарови сифатида ўз вазифасини бажаришга қодир авлод бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини изчил амалга ошириш, уни ҳаётга татбиқ этишнинг самарали йўллари ва усулларини излаб топиш, бу жараёнда фаол иштирок этадиган ёш авлодни тарбиялашга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг сайловолди дастурида «Биз янгича ва мустакил фикрлайдиган, масъулиятли ва ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган ҳалол, ўз Ватани ва ҳалқига содиқ кадрларни тайёрлаш бўйича самарали тизим яратиш устил жиҳдий ишлаймиз», деган фикри ана шу жараённинг мазмун-моҳиятини яққо ифодалайди.¹

Таъкидлаш жоизки, истиқлол йиллари мамлакатимизда демократик принципларнинг қарор топиши билан бирга ёшларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг ҳукуқ ва эркинликларини кафолатлашга ва ижтимоий кўмак яратишга қаратилган қонун ҳужжатлари тизими шакллантирилди. Конституция ва қонунлар, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Мажхамасининг қарорлари ва давлат Дастурлари каби ёшларга оид жами 150 дан ортиқ норматив-ҳукуқий ҳужжатлар қабул килинди, ёшлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантирилди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон ёшларнинг бевосита ҳукуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 30 дан ортиқ ҳалқаро ҳукуқий ҳужжатларнинг иштирокчиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг ёш авлоднинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш.М.Мирзиёевнинг сайловолди дастури. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2015. 233-бет

